

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры



BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№4 (28)
2016



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Зоҳид Дўсанов
Улугбек Суннатов
Ҳакимбой Халимов
Муротжон Азимов
Шўхрат Узаков

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Миродил Боротов
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

•Буюртма №
•Адади: 1000

•Журнал "Аргументы и факты
Узбекистан" МЧЖ ҚҚ
босмаҳонасида чоп этилди
•Манзил: Тошкент шаҳри,
•Элбек кўчаси 8-уй.

МУНДАРИЖА

Н.МУХТОРОВ

Жиноят қонунчилигида декриминализация ва криминализация қилишнинг принциплари ва асосий талаблари

1

А.УМИРЗАКОВ

Сайлов органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликнинг уйғунлиги

4

А.КАРИМОВ

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тушунчаси ва унинг юридик тавсифи

8

Д.САФАРОВ

Экология соҳасидаги қонун ижодкорлигининг халқаро-ҳуқуқий таҳлили (МДХ тажрибаси асосида)

12

Б.БОЛИЕВ

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг шакли ва рўйхатдан ўтказилиши

17

М.АХМЕДШАЕВА

Давлат ва ҳуқуқни тадқиқ этишнинг устувор йўналишлари

21

Х.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасида жинойи жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар

26

А.ҲИДОЯТУЛЛАЕВ

Аккредитив муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари

30

М.БОРОТОВ

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш масалалари

33

В.КАРИМОВ

Тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилиши жараёнида содир этиладиган қонунбузарликлар таҳлили

38

Н.МИРАҲМЕДОВА

Судда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда прокурор ваколатини таъминлашнинг долзарб масалалари

41

С.НИЁЗОВА

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар генезисида жабрланувчининг жинойи хулқ-атвор мотивацияси

46

Н.САЛАЕВ

Пенитенциарная система Республики Узбекистан: реформы и перспективы

50

С.БОЗАРОВ

Правовое регулирование предпринимательской деятельности в свободной экономической зоне "Навои" Республики Узбекистан

53

М.НУРМАТОВ

Экологик сиёсат тушунчаси ва моҳияти:

56

Б.МУСАЕВ

Ўзбекистонда хорижий савдо ваколатхоналари ходимларининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш

60

М.МИРАКУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти конституциявий-ҳуқуқий мақомининг ривожланиши

63

Ш.ФАЙЗИЕВ

Осиё мамлакатларида "inquiry" суриштирув институтининг ҳуқуқий мақоми

71

Ҳ.ВОҲИДОВ

Фуқаронинг ҳаётига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талаб: уни қоплаш тартиби, ҳажми ва миқдори

76

Н.РАМАЗОНОВА

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар: миллий ва хорижий тажриба

79

Янги китоблар Конференциялар

82

83

Нодир МУХТОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ю.ф.н.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ВА КРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

- ◆ Мақолада жиноят қонунчилигида декриминализация ва криминализация қилишнинг принциплари, мезонлари, асосий талаблари ва уларнинг илмий-амалий жиҳатлари таҳлили баён қилинган.
- ◆ Статье анализируются вопросы относительно криминализации, декриминализации деяния, принципов, критерий и основных требований декриминализации и криминализации.
- ◆ The author analyses the legal and scientific issues of criminalization, decriminalization, socially dangerous acts, criminal-legal norms and penal prohibition.

Таянч сўзлар: криминализация, декриминализация, ижтимоий хавфли қилмиш, жиноят-ҳуқуқий норма, жиноят ҳуқуқи принциплари, жиноят-ҳуқуқий тақик.

Ключевые слова: криминализация, декриминализация, общественно опасные деяния, уголовно-правовые нормы, принципы уголовного права, уголовно-правовой запрет.

Key words: criminalization, decriminalization, socially dangerous acts, criminal-legal norms, criminal law principles, penal prohibition.

Маълумки, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин Конституциямизнинг муқаддимасида белгиланганидек, инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ўз олдига стратегик вазифа — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини қўйди.

Айни пайтда янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмаслиги боис, “Ўзбек модели” тамойилларига таянган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мустақкам ҳуқуқий пойдеворини ўзи мустақил шакллантирди ва такомиллаштирмоқда.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонунчиликни либераллаштириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланиб, мутлақо янгича концепция асосида жорий этилди. Унинг қонунчилик асослари ҳам тубдан қайта кўриб чиқилиб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари, инсонпарварлик ғояларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди.

“Ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун” ғоясига асосан инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва самарали ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бош мақсади ҳамда энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Айниқса, сўнги ўн йилликда, хусусан, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқи, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи, асоссиз жиноий таъқибдан ва ҳусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш, суд мустақиллигини мустақкамлаш, суд-тергов босқичларида ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш йўналишида ислоҳотлар давом эттирилмоқда ва қонун ҳужжатлари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

1994 йилдаги Жиноят кодекси билан инсон қадриятлари ва шаънини камситувчи ҳусусиятларга эга бўлган — сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, жамоат иззаси каби жиноий жазо турлари чиқарилди, 2008 йилнинг 1 январидан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди. Бу билан халқ-

ро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинган 1994 йилдан то бугунги кунгача унга 64 та қонун билан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шундан 10 таси ислохотларимизнинг дастлабки босқичи ҳисобланган 2000 йилгача, қолган 54 таси эса мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароити ҳисобланган 2001-2016 йилларга тўғри келади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг ривожланиш концепцияси жиноий жазо жиноятчиликка қарши курашининг асосий воситаси эмаслиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиб, йилдан-йилга унда белгиланган жазо тизими ва турларини такомиллаштириш ва либераллаштириш, уни тайинлашга оид инсонпарвар нормаларни киритиш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишни либераллаштириш, алоҳида жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш (криминализация) ҳамда ижтимоий хавфлилигини йўқотган қилмишларни кодексдан чиқариш (декриминализация) билан боғлиқ йўналишларда такомиллашмоқда.

Биргина 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг иловасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш йўналишида алоҳида жиноят таркибларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс юрисдикциясига ўтказиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вазифаси белгиланганлиги ҳам бу борадаги амалий ишларимизнинг давомийлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Жиноят қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилишда мавжуд нормаларни жиноят-ҳуқуқининг тегишли институтлар, яъни пенализация ва депенализация, дифференциация ва индивидуализация, криминализация ва декриминализация орқали ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги соҳасидаги аксарият олимлар, қонун ижодкорлари, суд-тергов ходимлари ҳамда мутахассисларнинг фикрича, жиноят қонунчилиги ҳамда жиноят ҳуқуқини ўрганишда криминализация ва декриминализация институтлари марказий ўринни эгаллайди ёки соҳанинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Криминализация — бу муайян бир қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини қонуний тан олиш, яъни уни содир қилганлик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши бўлса, декриминализация муайян бир қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини бекор қилишдир. Бу шундай қилмишга энди жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан курашиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги асосли ҳулоса билан боғлиқ жараёндир.

Айни пайтда, қилмишни криминализация ва декриминализация қилишнинг шартларини қуйидагича ажратиш кўрсатиш мумкин: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-психологик ва криминологик¹.

Шу нуқтаи назардан қараганда қилмишни криминализация ва декриминализация қилиш жуда мураккаб ва масъулиятли жараён бўлиб, бунда тегишли илмий-амалий хулосаларга, амалиётдаги таҳлилий маълумотларга, бу жараённи амалга ошириш принциплари ҳамда талабларига қатъий амал қилиниши лозим. Зеро, қонун чиқарувчи ижтимоий хавфли қилмишни криминализация қилишни ўз хоҳишича амалга оширмайди, балки бунинг учун асослар ва принциплар заруратини ҳисобга олади².

Илмий таҳлиллар ва қонун ижодкорлиги амалиётидан келиб чиқиб, криминализация қилишнинг қуйидаги жиноят-ҳуқуқий принципларига ёки муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноий тақиқлашга киритиш учун етарлилигига ҳамда жиноят белгиларининг мавжудлигига;

- қилмиш қонун билан кўриқланадиган манфаатларга жиддий зарар етказётганлигига ва оқибатнинг оғирлик даражасига;

- криминализация қилинаётган муайян қилмишнинг ҳисобини юритишга;

- криминализация қилишнинг самарадорлиги прогнозини илмий-назарий ҳисобини ўтказишга;

- ўз вақтида криминализация қилишга, яъни криминализация қачон амалга оширилиши керак, қачонки унинг асоси бўлган — ижтимоий хавфлилик пайдо бўлган вақтдаёқ, аниқроғи, қонун билан кўриқланадиган манфаатларга юқори даражадаги зарар етказмаслигидан олдин.

Чунончи, жиноий жавобгарликни белгилаш юзасидан илмий қарор қабул қилиш вақтида криминализация принципларига риоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Бунда тушуниладик, жиноий-ҳуқуқий янгиликка жорий этиш ва мақсадга мувофиқлик, шунингдек заруратнинг илмий-асосланган баҳолаш мезонлари мавжудлигига эътибор қаратиш лозим³.

Криминализация ўзига хос мураккаб ва комплекс ўрганишни талаб қиладиган жараён бўлиб, бизнингча, қилмишни криминализация қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилиши лозим:

- тегишли статистик маълумотлар кўрсаткичига, жумладан, қилмишнинг йилдан-йилга содир этилиш динамикасининг ўсиб бораётганлигига;

- жиноятнинг шарт-шароитлари ва сабаблари, шунингдек қилмишнинг тарқалганлик даражаси ва унинг умумий жиноятчилик кўрсаткичидаги улушига;

- жиноят субъектининг шахси, унинг ёшига оид хусусиятларга;

- оммавий шартномалардан келиб чиқадиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик жиноий жавобгарликка ўтказиб юборилишининг олдини олишга;

— қилмишни жиноийлигини фақат ушбу Кодексда ёки парламент томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаш, яъни бланкет диспозицияларни имкон қадар йўқотишга;

— керагидан ортиқча криминализация қилишдан чекланиш, бунга криминализация қилинганидан сўнг умуман содир қилинмаган ёки кам содир қилинган жиноятлар мисол бўла олади;

— икки томонлама жиноят-ҳуқуқий тақиқ белгиланишининг олдини олиш. Масалан, ўзи жиноий жавобгарлик қайсидир моддада белгиланган, яна янги алоҳида моддада жиноий жавобгарликнинг белгиланишига;

— иқтисодиёт соҳасида имкон қадар жиноят-ҳуқуқий тартибга солишни камайтириш, жиноят ҳуқуқи фақат самарали иқтисодиётни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартиботни жорий қилишга, мулк хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга оид жавобгарликни белгилаши лозим. Чунки иқтисодиёт асосан ҳуқуқнинг фуқаролик ва хўжалик тармоқлари билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жиноят-ҳуқуқий либераллаштириш сиёсатининг асосий мақсади ҳам жиноий жазо тизимидаги жазолаш функцияларини торайтириш йўлидан боришдир⁴. Ўз навбатида, белгиланган мақсадга эришишнинг усулларидан бири — бу декриминализация сиёсати ҳисобланади. Декриминализация жараёнида қилмиш бутунлай ёки унинг бир қисми жиноят эмас, деб топилиши ҳам мумкин. Яна бир муҳим жиҳат, декриминализация қилинаётган қилмиш ўз навбатида маъмурий, фуқаролик ёки интизомий жавобгарликка ўтказилади.

Декриминализация ҳақида қонуний қарор қабул қилиш асоси ҳисобланган сабаблар қуйидагича:

1) илгари жиноят қонуни ҳимоясида бўлган ижтимоий муносабатларнинг характеридаги принципал ўзгаришлар;

2) тегишли қилмишни умумий маънавий баҳолашдаги ўзгаришлар;

3) у ёки бу қилмишга жиноят-ҳуқуқий воситалар билан қарши курашиш самарасизлигига иқрорлик ва ҳ.к.⁵

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айти пайтда, қилмишни декриминализация қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— қайси соҳадаги жиноятларни қандай вақтда декриминализация қилиш мумкинлигига;

— ушбу соҳадаги жиноятларда ўсиш суръатлари кузатилмаётганлигига ёки умуман содир этилмаётганлигига;

— иқтисодиёт соҳасидаги ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ айрим қилмишлар ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигига;

қилмишларни содир этган субъектларни огоҳлатириш мақсадида муайян қилмишлар учун жиноий жавобгарликни бекор қилиб, бундай қилмишлар учун фақат маъмурий жавобгарликни қолдиришга ва ҳоказо.

Албатта, юқоридаги талаблар қонун ижодкорлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамда жиноят ҳуқуқи назариясини тадқиқ этувчи олимлардан алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шу ўринда, жиноят қонунчилигида декриминализация ва криминализация қилиш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни билдирамыз:

— криминализация ва декриминализация жараёнини тизимли ва тартибли амалга ошириш мақсадида уни амалга оширишнинг махсус методикасини ишлаб чиқиш. Мазкур методикада, ушбу жараён мезонлари, амалга ошириш шакллари ва усулларини, жиноят таркиби бўйича унинг белгиларини ўрганиш масалалари ва бошқа муҳим жиҳатларни баён этиш;

— Жиноят кодексига “Тиббиёт соҳасидаги жиноятлар” номли алоҳида бобни криминализация қилиш, масалан, хусусий тиббиёт амалиёти ва хусусий дори-дармон ишлаб чиқариш билан ноқонуний шуғулланиш, беморга тиббий ёрдам кўрсатмаслик, сохта тиббий сертификатлар ёки маълумотномалар тайёрлаш ва ҳоказо қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилашни муҳокама қилиш;

— Жиноят кодексига жиноят сифатида белгиланган, лекин бугунги кунда ижтимоий хавфлилигини йўқотган, умуман содир этилмаган жиноятлар тоифасини чуқур таҳлилдан ўтказиш орқали уларни тўлиқ ёки қисман декриминализация қилиш масаласини муҳокама қилиш. Масалан, мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш ва бошқа бир қатор иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилишни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунда албатта, қилмишни жиноят сифатида белгилаш орқали унинг огоҳлантириш хусусиятини ҳам эътиборга олиш лозим.

¹ Л.М.Прокументов. Криминологические условия криминализации и декриминализации деяний. // Вестник Томского государственного университета. 2002 г. №4(6). –С-56.

² А.М.Николаев. Научно обоснованная криминализация деяний и вопросы развития теории принципов уголовного права. // Проблемы в российском законодательстве. №4 2011 г. –С-146.

³ С.Ю.Мелихов. Принципы криминализации управленческой халатности в организациях. // Статья представлена научной редакцией «Право» 1 октября 2011 г. –С-134.

⁴ М.Х.Рустамбаев, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраров. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. // — Тошкент: ТДЮИ, 2011. — Б. 13.

⁵ Р.Б.Осокин. Декриминализация клеветы и оскорбления как одна из форм реализации уголовной политики. // Право и общество. № 7-8 (041-042). 2012. –С-196.

САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ УЙҒУНЛИГИ

◆ Ушбу мақолада сайлов тизими конституциявий институт ҳамда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси эканлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф томонидан ошкоралик, мустақиллик, одиллик принципларига асосан фаолият юритаётган сайлов органларининг моҳияти ривожланган демократик давлат кўрсаткичи сифатида очиқ берилган.

◆ В данной статье рассматривается избирательная система в качестве конституционного института и важнейшего атрибута правового государства. Кроме того, автором раскрывается сущность избирательных органов, действующих на основании принципов открытости, независимости и справедливости как показателя развитого демократического государства.

◆ in the article it is considered an electoral system as a constitutional institute and the main attribute of legal government. Besides, it is disclosed by the author the essence of electoral bodies, acting on the basis of the principles of openness, independence and justice as an indication of developed democratic state.

Таянч сўзлар: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Буюк Британия, Венеция комиссияси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), парламентлараро иттифоқ, сайлов, сайловга оид халқаро стандартлар, сиёсий партия.

Ключевые слова: Организация Объединенных Наций (ООН), Великобритания, Венецианская комиссия, Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ), основные права и свободы личности, Содружество Независимых Государств (СНГ), межпарламентский союз, выборы, международные избирательные стандарты, политическая партия.

Key words: United Nations Organizations (UN), United Kingdom (UK), Venice Commission, Organization for Security and Cooperation in Europe (OSCE), Human rights and fundamental freedoms, Commonwealth of Independent States (CIS), Interparliamentary Union, Elections, International election standards, Political party.

Юртимиз мустақилликка эришган илк кунлардан буён ўз олдига суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйганлиги барчамизга аён ҳақиқатдир. Шу боис пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган ва дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган дастур асосида мамлакатимизда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган демократлаштириш ва либераллаштириш, модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришлар замонавий, жадал ва барқарор ривожланиб бораётган давлатнинг шаклланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича кон-

ституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши сабабли ўтган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини эътироф этиш жоиз. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов: “Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоян этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир”, дея таъкидлаб ўтган эди¹.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, конституциявий институт ҳисобланган сайлов тизими ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг бир қатор

қонунларига, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинганлиги ва ҳозирга қадар унга 5 та; “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга 11 та; “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга 7 та; “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунга 7 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани олиб борилаётган ишлар изчил йўлга қўйилганидан далолат беради.

Албатта, ҳар бир сайлов жараёнининг очиқ, ошқора ва шаффоф ташкил этилиши сайловни ўтказишга масъул ҳисобланган давлат органи(лари)нинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашиш ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашдаги ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, сайловларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилишига оид стандартлар бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси², 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси ва унга қўшимча ҳисобланган 1-баённома³, БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт⁴, 1990 йил 29 июндаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати⁵, Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 1994 йил 26 мартдаги Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация⁶ ва 2002 йил 7 октябрдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайловга доир ҳуқуқлар ва эркинликлар стандартлари тўғрисидаги Кишинёв Конвенциясида⁷ ўз аксини топган.

Мазкур халқаро ҳужжатлар халқаро ҳамжамият иштирокчилари хулқ-атворининг деярли умумий қоидаларидан халқаро ҳуқуқнинг нисбатан аниқлаштирилган қоидаларини белгилашга эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳар бир давлат ўзининг жаҳон миқёсидаги нуфузини белгилаш мақсадида ўз қонунчилигини халқаро нормалар асосида шакллантиришга интилади. Ҳар бир давлат ўз сайлов қонунчилигини, аввало, ўзининг менталитети, аҳолиси ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантирсада, бу сайлов қонунчилигининг негизида универсал ва минтақавий сайлов стандартларининг асосий принциплари ўз ифодасини топиши муҳим аҳамият

касб этади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

биринчидан, ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

иккинчидан, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

учинчидан, ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматида киришда тенг имкониятларга эга бўлиш.

Шунингдек, Эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисидаги декларациянинг 1–12-бандига асосан чинакам эркин ва адолатли сайловлар ўтказишнинг институтлари ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда ҳолисона, адолатли ва барқарор механизм ўрнатиш, барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш, партиялар ва номзодлар учун ўз дастурлари билан таништириш учун зарур имкониятлар таъминланиши, яширин овоз бериш принципига риоя қилиш, пора бериш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик, сайлов жараёнининг аниқ ва тушунарли олиб борилишини таъминлаш, сайловларда зўравонлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш, сайлов жараёнига тааллуқли бўлган шикоятларни сайлов органлари ва судлар томонидан тезкор равишда ва самарали кўриб чиқишда қонуний ва бошқа чоралар кўриш давлат мажбуриятлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақил ва ҳолис, доимий ишловчи марказий сайлов комиссиясининг мавжудлиги сайловга оид халқаро стандартларга, хусусан, Европа Венеция комиссиясининг 51-ялпи сессиясида қабул қилинган сайловларга оид раҳбарий принципларнинг (Венеция, 2002 йил 5-6 июль) 3.1-бандида Марказий сайлов комиссияси доимий фаолият олиб бориши шартлиги, сайлов қонунчилигига риоя қилиш учун жавобгарлик ҳолис органда бўлиши, барча даражадаги сайлов комиссиялари мустақил ва ҳолис бўлиши ҳақидаги тавсияларига, шунингдек Парламентлараро иттифоқ кенгашининг 154-сессиясида қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги Декларациянинг (Париж, 1994 йил 26 март) 4.2-бандида давлатлар сайловларни бетараф ва ҳолис ўтказишни таъминловчи механизмларни, тузилмаларни ташкил этишни демократия мақсадлари учун босқичма-босқич амалга ошириши ҳақидаги нормаларга тўла мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекис-

тон Республикасининг қонунчилигида бу соҳада нафақат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари, қолаверса, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳам инobatга олинганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, Буюк Британияда сайловларни ўтказиш парламент томонидан таъсис этиладиган ва ҳукуматдан мустақил равишда фаолият юритадиган Сайлов Комиссияси зиммасига юклатилган. Сайлов Комиссияси 2000 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар, сайловлар ва референдумлар тўғрисида”ги Қонунга кўра ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини 2006 йил 11 июлдаги “Сайловларни бошқариш тўғрисида”ги, 2009 йил 21 июлдаги “Сиёсий партиялар ва сайловлар тўғрисида”ги, 2010 йил 8 апрелдаги “Конституциявий ислохотлар ва давлат бошқаруви тўғрисида”ги ва 2011 йил 16 мартдаги “Маҳаллий сайловларнинг ўтказилиши тўғрисида”ги (Шотландия) Қонунларга мувофиқ амалга оширади.

Сайлов Комиссиясининг вазифалари умумий ва махсус вазифаларга бўлиниб, сайловлар ва референдумлар бўйича маърузалар тайёрлаш, сиёсий ва сайловга алоқадор масалаларни муҳокама қилиш, сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдириш, сайлов жараёнларига ўзгартириш киритилишида иштирок этиш, маслаҳат бериш ва ёрдам кўрсатиш, сиёсий партиялар томонидан оммавий ахборот воситаларида сиёсий материалларни тарқатиш устидан назорат олиб бориш, маърифий дастурлар ишлаб чиқиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш умумий вазифалар сифатида белгиланган.

Сайлов Комиссиясининг махсус вазифаларига сиёсий партияларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат рўйхатидан ўтган сиёсий партияларнинг молиявий ҳисоботлари, маълумотлари ва сайлов кампанияси харажатларини текшириш, давлат рўйхатидан ўтган сиёсий партиялар ва уларнинг аъзоларига кўрсатиладиган молиявий ёрдам ва уларга ҳомийлик қилиш устидан назорат қилиш, юридик ва учинчи шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатишга оид чекловлар бўйича мониторинг олиб бориш киради.

Бундан ташқари, Сайлов Комиссияси қошида Буюк Британия парламенти Спикери томонидан таъсис этиладиган Спикер Қўмитаси фаолият юритиб, ушбу қўмига Спикернинг ўзи раислик қилади. Буюк Британия парламентининг Ички ишлар қўмитаси раиси, парламент аъзоси бўлиши ёки бўлмастидан қатъи назар, Ички ишлар вазири, Маҳаллий бошқарув масалалари бўйича парламент аъзоси ҳисобланган Қироллик вазири ва вазир мавқеига эга бўлмаган парламентнинг беш нафар аъзоси мазкур қўмита таркибига киритилади. Қўмита аъзолигига Маҳаллий бошқарув масалалари бўйича парламент аъзоси ҳисоб-

ланган Қироллик вазири Бош вазир, вазир мавқеига эга бўлмаган парламентнинг беш нафар аъзоси эса Спикер томонидан тайинланади. Сайлов Комиссияси раисининг ўринбосарлари сони ва улар ўртасидаги ваколатлар тақсимооти Сайлов Комиссияси раиси томонидан Спикер Қўмитаси билан келишилган ҳолда ҳал этилади. Шунингдек, Сайлов Комиссиясининг бюджетини шакллантириш ва унинг аъзоларини лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги тақдимнома Спикер Қўмитаси томонидан киритилиши қайсидир маънода Сайлов Комиссиясининг мустақиллигини чеклаётгандек туюлади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташкил этилишининг ҳуқуқий асосларига эътибор қаратадиган бўлсак, бу орган ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга ошириши, Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдириши, унинг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишига гувоҳ бўламиз.

Марказий сайлов комиссияси камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланиши ушбу орган фаолиятида юртимизнинг барча минтақалари вакиллари иштирок этишини таъминлайди. Кимлар Марказий сайлов комиссияси аъзоси сифатида сайлана олмаслиги ёки аъзо ваколатларининг тўхтатиб қўйилиши мумкин бўлган ҳолларга қўйилган талаблар барча ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилганини кўришимиз мумкин.

Худди Буюк Британияда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг, яъни давлат раҳбарининг тақдимномаси бўйича, Раис ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан сайланишини кузатиш мумкин.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошқора амалга ошириши, унинг мажлислари очиқ ўтказилиши, мажлисларда сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкинлиги, Марказий сайлов комиссияси қарорларининг оммавий ахборот воситаларида эълон

қилиниши, у ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийлиги бу борадаги халқаро амалиётга тўлиқ мувофиқ ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси ва унинг Раиси ваколатларига кирадиган масалаларнинг қўлами, мазмун ва моҳиятини Буюк Британия қонунчилиги билан таққослаганимизда мазкур мамлакат Сайлов комиссияси асосан сиёсий партияларнинг молиявий ҳисоботларини текшириш билан шуғулланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доираси кенгроқ эканлиги кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қонунийлик,

коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолат принциплари асосида доимий фаолият юритувчи яхлит тизимнинг — Марказий сайлов комиссиясининг ташкил этилгани фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини мустаҳкам кафолатлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилишида алоҳида аҳамият касб этади. Сайлов комиссияларининг мустақиллигини кучайтириш, улар фаолиятида адолат ва ошкораликни таъминлаш, айти пайтда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар сайловларни юқори демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга қатъий мувофиқ равишда ўтказишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.



¹И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. —Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 35-б.

²Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т.: Адолат, 2002. —Б.48-54.

³Европейская Конвенция о защите прав человека и основных свобод // Международные акты о правах человека. Сборник документов. — М., Норма-Цифра, 1998. —С.539-543.

⁴Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. —Тошкент: Адолат, 2002. —Б.54-74.

⁵Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. —Тошкент: Адолат, 2004. —Б.360-380.

⁶М.Абдусаломов, А.Саидов, Ж.Садыков, Н.Нурматов. Халқаро сайлов стандартлари ва сайловларни кузатиш: ҳужжатлар ва материаллар тўплами. —Тошкент: Baktria press, 2014. —Б.395-412.

⁷И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилишди. —Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 18-б.

Аброр КАРИМОВ,
Фарғона вилояти хўжалик суди судьяси

ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ

- ◆ Ушбу мақолада фуқаронинг соғлиққа бўлган ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий ҳимоянинг объекти сифатида таҳлил қилинган.
- ◆ В данной статье рассматривается право гражданина на здоровье в качестве личного неимущественного права и объекта гражданско-правовой защиты.
- ◆ In the article it is considered such a legal category as the right of a citizen on health as a private non-pecuniary right and the object of civil-law protection.

Таянч сўзлар: фуқаронинг соғлиғи, номоддий бойлик, шахсий номулкий ҳуқуқ, фуқаровий-ҳуқуқий ҳимоя воситалари.

Ключевые слова: здоровье гражданина, нематериальные ценности, личные неимущественные права, средства гражданско-правовой защиты.

Key words: health of a citizen, intangible values, private non-pecuniary rights, means of civil-law protection.

Маълумки, фуқаронинг соғлиғи тушунчасига ҳуқуқшуносликда, хусусан, фуқаролик ҳуқуқида алоҳида юридик категория сифатида қаралади. Бунда фуқаронинг соғлиғи унинг бошқа ҳуқуқлари билан бирга, номоддий неъматлар ҳисобланади ва фуқаролик ҳуқуқлари объекти таркибига киради. И.Б.Зокиров фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланган номоддий неъматларни санаб ўтар экан, улар жумласига фуқаронинг соғлиғини ҳам киритиб ўтади. Унинг фикрига кўра, моддий кўринишдаги неъматлар (ашёлар) билан бир қаторда номоддий неъматлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига номоддий неъматлар тушунчаси берилган бўлиб, унга асосан фуқарога туғилишдан ёки қонун бўйича тегишли бўлган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, шахсий дахлсизлиги, кадр-қиммати ва пок номи, касбий нуфузи, хусусий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оммавий сирлари, эркин кўчиб юриш, туриш ва яшаш жойини танлаш, муаллифлик ва бошқа шахсий мулкӣ ҳуқуқлари номоддий неъматлар ҳисобланади¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов ҳам фуқаронинг соғлиғини моддий неъматларнинг алоҳида тури сифатида таҳлил этар экан, қуйидагиларни билдириб ўтади: шахснинг соғлиғи шахсий номулкий неъматлар сифатида давлат томонидан мунтазам муҳофаза қилинади. Соғлиқни сақлаш ҳар бир шахснинг

ҳаётга бўлган ҳуқуқини амалга оширишдан иборат².

Юридик адабиётларда фуқаронинг соғлиғи тушунчасига алоҳида юридик категория сифатида эмас, шахснинг номулкий ҳуқуқлари таркибидagi элементлардан бири сифатида қараш ҳоллари учрайди. Хусусан, айрим муаллифларнинг фикрича, “соғлиққа бўлган ҳуқуқ жисмоний шахс — фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқи бўлиб, унинг муҳофазасини амалга оширишни талаб қилиш ва унинг бузилмаслигига бўлган ҳуқуқ, одатда, фуқаролик-ҳуқуқий воситалар билан амалга оширилади. Шу сабабли, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи ёки фуқаронинг ўз соғлиғига бўлган ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ФКнинг 99-моддасида ўз ифодасини топган”³.

Шунингдек, адабиётларда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш бевосита фуқаронинг табиий ҳуқуқи бўлган яшаш ҳуқуқидан келиб чиқиши ва у билан узвий боғлиқ бўлиши қайд этилади. Жумладан, И.И.Насриевнинг таъкидлашича, инсон шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида яшаш ҳуқуқи алоҳида аҳамият касб этади⁴. Фуқаронинг индивидуал эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар қаторига номга бўлган ҳуқуқ, шунингдек шахсий дахлсизликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар қаторига соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, ташқи қиёфа дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ ва бошқалар киради⁵.

Фуқаронинг соғлиги масаласи ўзига хос номоддий неъмат ва ижтимоий қадрият, шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ҳар томонлама талқин этилиши ва тушунилиши мумкин бўлган категория ҳисобланади. Бунда фуқаро соғлиги тушунчаси, энг аввало, фуқаронинг инсон — биологик индивид сифатидаги организмларининг тўлиқ ва белгиланган даражада ишлаши сифатида тушунилиши ҳам мумкин. Бироқ юридик категория сифатида фуқаронинг соғлиги, аввало, унинг шахсий номулкий ҳуқуқи ҳамда фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида номоддий неъматдир. Шу сабабли мазкур номоддий неъматнинг фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тизимидаги ўрни белгиланиши талаб этилади. ФКнинг 81-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари объектлари таркибига шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради, бу эса ўз навбатида, юридик категория сифатида фуқароларнинг соғлиги шахсий номулкий ҳуқуқ ва номоддий бойлик сифатида тан олинишини кўрсатади.

Маълумки, шахсий номулкий ҳуқуқлар деганда, одатда бевосита шахсдан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ва ҳар доим фуқаронинг ўзи билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқлар тушунилади. Бунда шахсий номулкий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ва шахсий ҳуқуқлар фарқланиши лозим. Одатда шахсий номулкий ҳуқуқлар фуқароларга тегишли бўлади. Масалан, шаън, кадр-қимматга бўлган ҳуқуқ, яшаш ҳуқуқи, соғлиққа бўлган ҳуқуқ. Лекин айрим шахсий номулкий ҳуқуқлар бир вақтнинг ўзида фуқаролар ва юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкинлиги юридик адабиётларда қайд этилган⁶. Масалан, ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ⁷ ва номга (фуқаро исмига ва юридик шахс фирма номига⁸) бўлган ҳуқуқ. Шахсий номулкий муносабатлардан келиб чиқадиган номулкий ҳуқуқлар сифатида фирма номи, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номи, патентга бўлган ҳуқуқларни киритиш мумкин бу ҳуқуқлар эркин суръат бир шахсдан иккинчиси ўтказилиши мумкин ҳисобланади⁹. Фуқаронинг соғлиги эса соф маънодаги шахсий номулкий ҳуқуқ ва номоддий неъмат сифатида намоён бўлади ва бу ҳуқуқ бевосита фуқаронинг табиий ҳуқуқи ҳисобланиб, унинг розилигисиз мазкур ҳуқуқни бузишга ҳеч ким ҳақли эмас. Агар яшаш ҳуқуқи инсон мавжудлиги ва ҳаётда шахс ва индивид сифатида борлигини англатса, фуқаронинг соғлиғига бўлган ҳуқуқ муайян маънода фуқаронинг ўзига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этилиши мумкин бўлган ҳуқуқи саналади. Бу ҳолат амалдаги қонунчиликда ҳам мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 3-қисмига кўра, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас. Де-

мак, шахс ўзининг соғлиғига бўлган ҳуқуқни мустақил тасарруф этиши ва ўз соғлиги билан боғлиқ тиббий тажриба ўтказишга рози бўлиши мумкин. Бироқ фуқаронинг соғлиғига бўлган ҳуқуқини ва унинг яшаш ҳуқуқини тасарруф этиш ўртасидаги фарқ мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Энг аввало, фуқаронинг соғлиғига бўлган ҳуқуқни тасарруф этишда фуқаро эркин ҳаракат қилади ва унинг бевосита розилиги билан фуқаронинг соғлиги бўйича муайян тиббий операцияларни амалга ошириш мумкин. Масалан, фуқаронинг соғлиғини яхшилаш унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тиббий муолажани амалга оширишда дастлаб бемор фуқаронинг розилиги талаб қилинади ва агар бемор розилигини олишнинг имкони бўлмаса, унинг яқин қариндошлари розилиги талаб этилади. Бундан ташқари, соғлиққа бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш бўйича фуқаро ўзининг тана аъзоларидан бирини бошқа фуқаронинг соғлиғини тиклаш учун кўчириб ўтказишга розилик бериши ҳам мумкин ва бу ҳолатга нисбатан қонунчиликда муайян чеклашлар мавжуд эмас. Фақат умумий қоидадан келиб чиқиб, тана аъзоларини кўчириб ўтказиш натижасида ўз тана аъзосини бошқа шахсга кўчириб ўтказишга розилик берган фуқаронинг соғлиги жиддий ёмонлашуви ёки унинг ўлими юз бериши эҳтимоли юқори бўлса, бунда трансплантацияга йўл қўйилмайди ва бу чекланади. Албатта, бу ҳолат фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш шартлари ва қоидаларига тўғри келмайди. Зеро, ФКнинг 9-моддасида “фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”лиги белгиланган ҳолда, ҳуқуқ эгасининг манфаатларига зид келмаслиги шarti белгиланмаган. Бироқ фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган тиббий амалиётни ўтказиш мумкин эмаслиги инсонпарварлик тамойиллари ва ҳуқуқнинг умумий мазмунидан келиб чиқади. Шу билан бирга, ФКнинг 9-моддаси 5-қисмида “фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги” белгиланган бўлиб, бу ҳолат фуқаронинг соғлиғига бўлган ҳуқуқини амалга оширишда унинг тана аъзоларини сотиб олишни талаб қилиши, ўзининг ўлимига олиб келиши мумкин бўлган тиббий амалиёт ўтказилишини сўраши мумкин эмас. Бу ҳолат соғлиққа бўлган ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ва ҳуқуқнинг мақсадига зид тарзда амалга оширилиши ҳисобланади ва бунга йўл қўйилмайди.

Таъкидлаш ўринлики, амалдаги қонунчиликда фуқаролар соғлиғини сақлаш тушунчасига нисбатан муайян таъриф белгиланмаган. Юридик

адабиётларда эса мазкур тушунчанинг таърифи бир қадар шакллантирилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, А.В.Гагариновнинг фикрича, фуқароларнинг соғлигини сақлаш — ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, унинг узоқ йиллар фаол ҳаётини кўллаб-қувватлашга, соғлигини йўқотганда унга тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, илмий, тиббий, санитария-гигиеник ва эпидемиологияга қарши кураш тусидаги чора-тадбирлар йиғиндисидир¹⁰.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш деганда, фақат инсоннинг касалликларга чалинишининг олдини олиш ва соғлиғи йўқотилганда унга кўрсатиладиган тиббий хизматлар тушунилмаслиги лозим. Соғлиқни сақлаш тушунчаси ўзига хос комплекс тушунча бўлиб, бир вақтнинг ўзида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа соҳаларнинг элементларини қамраб олади ва мамлакатнинг тараққиёти ва фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашнинг энг асосий ва бош йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида ҳам дастурнинг асосий мақсади аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларга мувофиқ ҳолга келтириш эканлиги белгиланганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Соғлиқни сақлаш давлат дастурининг бажарилишига эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўз вақтида қуйидагиларни билдириб ўтган эди: “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастури изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда. Республика, вилоят ва туманлар миқёсида жадал тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ишлаб чиқилмоқда. Қишлоқ жойларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ривожланиб бормоқда. Тиббий хизматнинг амбулатория-поликлиника ва бошқа кундузги шаклларда медицина ёрдами кенгаймоқда. Бу соҳада хусусий тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳам жонланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 1300 дан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари мавжуд ва 3000 дан ортиқ врач хусусий тарзда фаолият кўрсатмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида оналар ва чақалоқлар ўлими, бир қатор ўткир инфекция касалликлар кама-

йиб бормоқда”¹¹.

Юқорида таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш комплекс тушунча ва ўзида кўплаб соҳалар элементларини қамраб олса-да, унда энг асосий ўринни тиббий хизмат ва санитария-эпидемиология соҳасидаги ишлар ташкил этади. Албатта, бунда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳанинг ҳам ўз ўрни ва вазифалари мавжуд. Лекин, соғлиқни сақлашнинг ядросини тиббий соҳа ва бевосита ҳар бир инсонга кўрсатиладиган тиббий муолажа ташкил этади. Шу сабабли ҳам соғлиқни сақлашда тиббий хизмат ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши асосий ўринни эгаллайди ва уни амалга ошириш тизимлари, бу борада ташкил этилган тузилмаларнинг ҳуқуқий ҳолати, инсон соғлигини сақлашга қаратилган ҳуқуқий усул ва воситалар мазкур тадқиқот ишининг предмети ташкил этади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш ва фуқаронинг ўз соғлиғига бўлган ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ саналади. Бунда фуқаронинг соғлиғи унинг шахсий номулкий ҳуқуқи сифатида қонун билан муҳофазаланади ва унинг ҳимояланишини давлат кафолатлайди. Шу билан бирга, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг нодавлат тизими мавжудлиги бу муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солишни такомиллаштириш заруриятини ҳам юзага келтиришини айтиб ўтиш ўринли. Шу сабабли ҳам фуқаронинг соғлиғини сақлаш нафақат давлат томонидан таъминланиши, балки бундан тегишли фуқаронинг ҳам шахсий манфаатдорлиги, ўз соғлиғини сақлаш чораларини кўриши талаб этиладиги, бунда қонунчиликда фуқаронинг ўз ҳуқуқидан фойдаланиши учун зарурий имкониятлар ва ҳуқуқий чораларни белгилаш зарур бўлади.

Маълумки, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ҳаёт ва соғлиқ бирор-бир моддий миқдорда ўлчаниши ёки у билан тенглаштирилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳуқуқнинг асосий вазифаларидан бири ҳам инсон ҳуқуқлари, шу жумладан инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Қўриқлаш функциясини бажарадиган ҳуқуқ соҳалари: жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқи ҳам инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни белгилайди. Бу нормалар қўриқлаш функцияларини бажаришга қаратилган ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, инсон соғлиғини тиклашга, моддий йўқотишларни қоплашга йўналтирилади. Агар жиноят ҳуқуқида фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда зарар етказувчининг шахси билан боғлиқ санкция қўлланилса, фуқаролик ҳуқуқида зарар етказувчининг моддий аҳволига таъсир кўрсатиш орқали жабрланувчи шахснинг моддий йўқотишлари қопланади¹².

Фуқаролар соғлиғини сақлашда фуқаролик-хуқуқий нормалар жиноий-хуқуқий ва маъмурий-хуқуқий нормаларга қараганда ўзига хосликлари билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро фуқаролик-хуқуқий нормалар жиноий-хуқуқий ва маъмурий-хуқуқий воситалардан фарқли равишда асосан фуқаро — жабрланувчи — бемор — инсоннинг соғлиғини бевосита тиклашга қаратилган ва субъектив хуқуқ сифатида химоялашни назарда тутувчи қоидаларни назарда тутуди. Бунда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғини химоя қилиш фавқулодда ҳолатларда субъектив хуқуқ сифатида фуқаронинг қарори асосида химоя этилади ва фақат унинг ёки яқинларининг розилиги асосидаги хавфли бўлган тиббиёт амалиётларини амалга ошириш мумкин бўлади. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда эса, бошқа хуқуқ соҳаларидан фарқли равишда фуқаролик-хуқуқий воситалар хуқуқбузарни жазолаш ва давлат фойдасига муайян пул суммаси (жарима) ни ундиришни эмас, балки бузилган хуқуқ (бу ўринда соғлиқ)ни тиклашга қаратилган чоралар-

ни белгилайди¹³.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, фуқаролар соғлиғини сақлаш тушунчаси юридик нуқтаи назардан комплекс хуқуқий тартибга солиш объекти эканлиги сабабли фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-хуқуқий нормалар воситасида таъминлашнинг ўрни ва чегаралари аниқланди. Бунда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг маъмурий-хуқуқий ва конституциявий нормалар воситасидан фарқ қилиб, фуқаролик-хуқуқий воситалар билан таъминлаш бевосита фуқароларнинг соғлиғини сақлашнинг шартномавий тартиби, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда фуқаронинг соғлиққа бўлган хуқуқларини амалга ошириш шартлари ва тартибидан намоён бўлади. Шунингдек, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-хуқуқий нормалар воситасида таъминлашда бевосита фуқарога кўрсатиладиган тиббий муолажа ва тиббий аралашув марказий ўринни ташкил этади ва бу бир қатор тиббий даволаш усул ва воситалари, даволаш босқичларидан ташкил топади.



¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик хуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-218 б.

² Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик хуқуқининг объектлари.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-126 б.

³ Якубова И.Б.

⁴ Насриев И.И. Шахсий номулкий хуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-хуқуқий муаммолари. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 33 б.

⁵ Насриев И.И. Шахсий номулкий хуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-хуқуқий муаммолари. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 67 б.

⁶ Огай Д.А. Правовое содержание института средств индивидуализации юридических лиц // Ж. Ахборотнома, – Т.: ТГЮИ, 2007. –№ 4. – С. 30-33.

⁷ Рашидов К., Ҳамроқулов Б. Маънавий зарар // Ҳаёт ва қонун. 2004. -№2. -Б.16-17.

⁸ Оқюлов О. Интеллектуал мулк хуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 26-27.

⁹ Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. – М.: Проспект, 2001. – 27 с.

¹⁰ Гагаринов А.В. Правовые основы здравоохранение. Учебник. – М.: Академия, 2006. – 15 с.

¹¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.41-42.

¹² Фуқаролик хуқуқи. II-қисм.-Тошкент: Илм-Зиё, 2008.-625 б.

¹³ Мохов А.А., Мохова И.Н. Еще раз к вопросу о врачебной ошибке как медицинском и социально-правовом феномене// Юрист.-Москва. 2004. -№2.-С.48-58.

Джахонгир САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиги,
ю.ф.н., доцент

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ (МДҲ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА)

- ◆ Мақолада МДҲ аъзо-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг экология соҳасидаги халқаро тажрибаси таҳлил қилинган. Муаллиф Парламентлараро Ассамблеянинг экология соҳасидаги намунавий (модель) қонунларини таснифлашга ҳаракат қилади. Амалга оширилган таҳлиллар асосида миллий экологик қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.
- ◆ В статье приведено анализ международного опыта экологического правотворчества Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ. Автором осуществлена попытка классификации экологических модельных законов Межпарламентской Ассамблеи. На основе анализа даются рекомендации по дальнейшему совершенствованию национального экологического законодательства.
- ◆ In the article international ecological law-making experience of Inter-parliamentary Assembly of the states-participants CIS is analyzed. For the first time classification of ecological model laws of Inter-parliamentary Assembly is performed. On the basis of the analysis has been made recommendations about further enhancement of the national ecological legislation.

Таянч сўзлар: халқаро тажриба, экологик ҳуқуқ ижодкорлиги, унификация, гармонизация, Парламентлараро Ассамблея, намунавий (модель) қонун, кодификация, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик.

Ключевые слова: международный опыт, экологическое правотворчество, унификация, гармонизация, Межпарламентская Ассамблея, модельный закон, кодификация, охрана окружающей среды, экологическая безопасность.

Key words: international practice, ecological lawmaking, unification, harmonization, Interparliamentary Assembly, model law, codification, environmental protection, ecological security.

Сўнгги йилларда МДҲ аъзо-давлатларининг экология соҳасидаги қонун ҳужжатларининг яқинлашуви ва унификациялашуви тенденцияси кечмоқда. 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Келишув атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни, экологик хавфсизликнинг халқаро тизимини яратишда иштирок этишни Келишув тарафларининг тенг ҳуқуқлилик асосида амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти соҳасига киритади.

Юридик адабиётларда ҳам МДҲ давлатлари экологик қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлашган ҳолда ривожлантириш (яқинлаштириш) принципини мустаҳкамлаш таклиф этилган¹. Таъкидлаш лозимки, ушбу принцип МДҲ доирасидаги бир қатор халқаро шартномалар нормаларида амалга оширилди ва аниқлаштирилди. Хусусан, 1997 йил 27 март санасида Москва шаҳрида имзоланган МДҲ иштирокчи-давлатларининг Тоғ-кон хартиясида ушбу давлатларнинг ер қаърини ўрганиш, разведка қилиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

соҳасидаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич яқинлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича ҳаракат қилишлари эътироф этилди. Шунингдек, МДҲ иштирокчи-давлатларининг Маданий ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаб қолиш ва фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисидаги келишув (Минск, 1999 йил 4 июнь) ушбу давлатлар ҳамкорлигининг асосий мақсади ва вазифаларидан бири сифатида тарафлар ўртасида маданий ўсимликлар генетик ресурсларини алмашишни енгиллаштириш мақсадида улар қонун ҳужжатларини яқинлаштиришни қайд этади².

Шунингдек, МДҲ иштирокчи-давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси (кейинги ўринларда — Парламентлараро Ассамблея) томонидан намунавий (модель) қонунлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг таҳлили МДҲ доирасида экологик қонун ҳужжатлари ривожланиши тенденцияларини аниқлаш, шунингдек, амалдаги экологик қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш учун муайян тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Парламентлараро Ассамблеянинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бир қатор асосий модель (намунавий) қонунларини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаштиришимиз мумкин³:

Биринчи — атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни тизимлаштирадиган, консолидациялаштирадиган намунавий қонунлар. Хусусан, шундай қонунлар сирасига намунавий **Экология кодекси** (Умумий қисми 2006 йил 16 ноябрда, Махсус қисми — 2007 йил 31 октябрда қабул қилинган) ва **Сув кодекси** (2004 йил 4 декабрда қабул қилинган) кўрсатишимиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, экологик қонун ҳужжатлари кодификацияси экологик қонун ҳужжатлари тизимини ривожлантиришнинг энг истиқболли ва тўғри йўналишларидан бири ҳисобланади. Айрим мамлакатлар, хусусан, Франция, Швеция, Италия, Филиппин, Кот-д'Ивуар, Қозоғистон ва бошқалар экологик қонун ҳужжатларини кодификациялаш жараёни яқунлаган бўлсалар, бошқа давлатлар, шу жумладан, Германия⁴, Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қирғизистон ва бошқаларда экологик қонун ҳужжатлари кодификацияси бўйича ишлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати ҳуқуқий асосларининг замонавий ҳолати комплекс тусдаги янги тизимлашган бош ҳужжат қабул қилишни тақозо этмоқда. Экологик қонун ҳужжатлари кодификацияси — мураккаб қонун ижодкорлиги жараёни бўлиб, табиат ва жамият ўзаро муносабатларининг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларига таянади⁵.

Шу нуктаи назардан Парламентлараро Ассамблеянинг экологик қонун ҳужжатларини кодификациялаш бўйича тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Намунавий Экология кодексининг Умумий қисми 58 моддадан иборат, 12 бобдан ташкил топган ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Шунингдек, мазкур Кодекс экологик муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш асосларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, экология соҳасини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш тартибини, режалаштириш, меъёрлаш, экологик талаблар, атроф муҳитга таъсирни баҳолаш, экологик экспертиза, экологик назорат, атроф муҳитни муҳофаза қилишни иқтисодий тартибга солиш (иқтисодий рағбатлантириш, молиялаш, экологик тадбиркорлик, экологик аудит, экологик суғурта), илмий тадқиқотлар, экологик маданият ва маърифат, экологик таълим, экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалаларини белгилаб беради.

Экология кодексининг Махсус қисми ўз ичига 77 моддани қамраб олган 15 бобдан иборат бўлиб, айрим хўжалик фаолияти турларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф муҳит давлат мониторинги, ер ресурслари ва тупроқ, ер қаъри, сув, атмосфера ҳавоси, иқлим, атмосферанинг Озон қатлами, ўрмон ва ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини техник тартибга солиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик тамгалаш, халқаро стандартларни жорий этиш, атроф муҳитга йўл қўйиладиган таъсир кўрсатиш учун комплекс рухсатнома бериш, атроф муҳитга таъсир кўрсатганлик учун тўловлар, экологик солиқ, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик, ҳайвонот ва бошқа организмларни муҳофаза қилиш, экологик ҳуқуқбузарликлар ва экологик жиноятлар профилактикаси ва уларнинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш, экологик қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплаш, атроф муҳитга етказилган зарарни қоплаш, экологик низоларни ҳал этиш тартиби, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Иккинчи — атроф муҳит ифлосланишининг олдини олишга йўналтирилган намунавий қонунлар. Ушбу гуруҳга **“Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида”**, **“Стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”** ва **“Ифлосланишнинг олдини олиш ва комплекс назорат тўғрисида”**ги намунавий Қонунлар киради. Хусусан, **“Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида”**ги намунавий Қонун 2010 йил 28 октябрдаги Қарор билан қабул қилинган бўлиб, 21 моддадан иборат. Қонун атроф муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) принциплари, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари, АМТБ мажбурийлиги, иштирокчиларининг жавобгарлиги, амалга ошириш босқичлари, АМТБ объектларининг экологик таъсир кўлами ва тури ҳамда баҳолаш тури бўйича таснифи, уни ўтказишни услубий таъминлаш, АМТБ ҳужжатлаштириш субъектларининг экологик ахборотга бўлган ҳуқуқлари, АМТБ соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, бу соҳада халқаро ҳамкорлик каби масалаларни тартибга солиди.

“Стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги намунавий Қонун — 2011 йил 16 майдаги Қарор билан қабул қилинган бўлиб, 11 моддадан иборат. Қонуннинг мақсади — ҳудудларни ривожлантиришнинг стратегик режа ва дастурларини экологик хавфсизликни таъминлашнинг халқаро талаблари ва меъёрлари билан уйғунлашган экологик баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш. Қонун ушбу соҳадаги асосий тушунчалар, стратегик экологик баҳолаш объектлари, принциплари, ўтказиш тартибини белгилаб берган. Бундан ташқари, Қонун стратегик экологик баҳолаш объектлари, принциплари, стратегик экологик баҳолаш учун бошлан-

гич маълумот, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг дастурларини стратегик экологик баҳолаш, халқаро ҳамкорлик каби масалаларни ҳам қамраб олади.

2008 йил 25 ноябрда қабул қилинган “Ифлосланишнинг олдини олиш ва комплекс назорат тўғрисида”ги намунавий Қонун 7 боб, 33 модда ва 5 иловадан ташкил топган. Қонун технологияларга қўйилган талаблар ва уларга рухсатнома бериш хусусиятлари, экологик аудит, мониторинг, хўжалик фаолиятини экологик назорат қилиш, хўжалик ва бошқа фаолият субъектларининг рухсатнома олишдаги мажбуриятлари ва қонун ҳужжатларини бузишдаги жавобгарлиги, рухсатнома беришни иқтисодий тартибга солиш, ифлосланишнинг олдини олиш ва комплекс назорат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва бошқа муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиди.

Учинчи — экологик хавфсизлик соҳасидаги намунавий қонунлар. Ушбу йўналишда Парламентлараро Ассамблея томонидан “**Транспортнинг экологик хавфсизлиги тўғрисида**”, “**Генетик модификациялашган организмлар билан боғлиқ фаолият хавфсизлиги тўғрисида**”, “**Экологик фалокат ҳудудлари тўғрисида**”, “**Экологик жавобгарлик тўғрисида**”, “**Маданий ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш тўғрисида**”ги намунавий Қонунлар қабул қилинган.

“Транспортнинг экологик хавфсизлиги тўғрисида”ги намунавий Қонун 2013 йил 29 ноябрда қабул қилинган бўлиб, 10 боб, 29 модда ва иловадан иборат. Қонун автомобил транспортининг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди ҳамда ишлатиб бўлинган автотранспорт воситаларини тегишли тартибда замонавий экологик ва санитария-гигиена талабларга мувофиқ ҳолда утилизация қилишни рағбатлантириш учун иқтисодий, социал ва ташкилий шарт-шароитларни яратишга ҳамда автомобил транспортидан ифлосланиш орқали атроф муҳитга ва аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида экологик хавфсиз ёқилғи турларини ишлаб чиқариш ва фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган.

“Генетик модификациялашган организмлар билан боғлиқ фаолият хавфсизлиги тўғрисида”ги намунавий Қонун эса, 2006 йил 16 ноябрдаги Қарор билан қабул қилинган бўлиб, 8 боб ва 40 моддадан иборат. Қонун билан умумий қоидалар, генетик модификациялашган организмлар билан боғлиқ фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий тузилмаси, ёпиқ тизимларда генетик модификациялашган организм ва микроорганизмлардан фойдаланиш, атроф муҳитга қасддан генетик модификациялашган организмларни чиқариш, бозорга генетик модификациялашган организмлар ва улардан ҳосил бўлган маҳсулотларни киритиш, генетик модификациялашган организмларни им-

порт (экспорт) қилиш, жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ва уларни хабардор қилиш ҳамда жавобгарлик масалалари тартибга солиниши кўзда тутилган.

“Экологик фалокат ҳудудлари тўғрисида”ги намунавий Қонун 2009 йил 3 декабрда қабул қилинган бўлиб, 9 боб ва 28 моддадан иборат. Қонун фуқароларнинг қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва саломатликларини сақлаш мақсадида давлатнинг алоҳида ҳудудларига экологик фалокат ҳудудлари мақомини бериш ва уларни бундай ҳолатдан олиб чиқиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Ҳудудни фавқуллодда экологик вазият ва экологик фалокат ҳудудлари тоифасига киритиш экологик вазият ёмонлашуви манба ва омилларини аниқлаш ҳамда экологик фалокат даражасини пасайтириш ва барқарорлаштириш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф муҳитга таъсир даражасини камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни асослантириш, табиий ресурсларни қайта тиклаш бўйича тезкор чораларни ўтказиш ва аҳоли саломатлиги ҳолати учун оқибатларни енгиллаштириш мақсадида амалга оширилади.

“Экологик жавобгарлик тўғрисида”ги намунавий Қонун ҳам 2009 йил 3 декабрда қабул қилинган бўлиб, 5 боб, 22 модда ва 4 иловадан иборат. Қонун “ифлослантирувчи тўлайди” принципига асосланган ҳолда атроф муҳитга етказилган зарарнинг олдини олиш ва тугатиш учун халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлашган экологик жавобгарлик тизимини белгилаш ҳамда атроф муҳитга етказилган зарарни қоплаш масъулиятини умумий ҳолатда жамиятдан атроф муҳитга зарар етказган хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига ўтказиш мақсадини кўзлайди. Ушбу Қонун ҳар қандай хўжалик фаолияти натижасида муҳофаза объектларига зарар етказиш ҳолатларига, шунингдек, мазкур фаолият турлари натижасида зарар етказишнинг реал хавфини келтириб чиқарган ҳолларга нисбатан қўлланилади.

“Маданий ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш тўғрисида”ги намунавий Қонун 2009 йил 3 декабрда қабул қилинган бўлиб, 7 боб, 28 моддадан иборат. Қонун маданий ўсимликларнинг миллий ва халқаро генетик ресурсларини, шу жумладан, уларнинг уруғдошларини озик-овқат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги юритиш, илмий тадқиқот, селекция ва таълим фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-маданий ҳамда тарихий меросни сақлаб қолишни таъминлаш учун уларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат сиёсати асосларини белгилаб беради.

Тўртинчи гуруҳ — ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятига нисбатан экологик талабларни белгиловчи намунавий қонун-

лар. Ушбу гуруҳга **“Экологик аграр ишлаб чиқариш тўғрисида”, “Қадоқ ва қадоқсимон чиқиндилар тўғрисида”, “Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари тўғрисида”, “Шовқин, инфратовуш, ультратовуш ва тебраниш таъсири тўғрисида”, “Аквакультура тўғрисида”**-ги Қонунлар киради.

“Экологик аграр ишлаб чиқариш тўғрисида”ги намунавий Қонун 2014 йил 18 апрелда қабул қилиниб, 9 боб ва 37 моддадан иборат. Қонун экологик аграр ишлаб чиқаришнинг миллий тизимини барқарор ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда экологик агромаҳсулотларни ишлаб чиқариш, сертификатлаштириш, тамғалаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва муомалага киритиш учун мажбурий бўлган талабларни қўллаш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади.

“Қадоқ ва қадоқсимон чиқиндилар тўғрисида”-ги намунавий Қонун 2008 йил 25 ноябрда қабул қилиниб, 8 боб, 21 модда ҳамда 2 иловадан ташкил топган. Қонун қадоқсимон чиқиндиларнинг атроф муҳитга ва аҳоли саломатлигига таъсирини қисқартириш, қадоқларни алоҳида тўплаш, такроран фойдаланиш ва утилизация қилиш тизимини яратиш мақсадида қўлланилади. Қонун қадоқлардан такроран фойдаланиш ҳамда фойдаланилган қадоқларнинг истеъмол хусусиятларини қайта тиклашнинг бошқа шакллари қўллаш, шунингдек, қадоқсимон чиқиндиларни камайтириш вазифаларини ҳал қилади. Ушбу вазифалар қадоқсимон чиқиндиларни полигонларга жойлаштириш олдидан мутлақ устувор аҳамият касб этади.

“Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари тўғрисида”ги намунавий қонун 2007 йил 31 октябрда қабул қилиниб, 8 боб ва 77 моддадан иборат. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан муомала қилиш бўйича фаолиятни халқаро нормалар билан мувофиқлашган ҳолда тартибга солишга қаратилган. Қонун чиқиндилар билан муомала қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, ресурсли, технологик ва назорат соҳаларидаги фаолиятини қамраб олган.

“Шовқин, инфратовуш, ультратовуш ва тебраниш таъсири тўғрисида”ги намунавий қонун 2013 йил 29 ноябрда қабул қилинган бўлиб, 6 боб ва 26 моддадан иборат. Қонун халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлашган бўлиб, аҳоли ва атроф муҳитни шовқин, инфратовуш, ультратовуш ва тебраниш таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

“Аквакультура тўғрисида”ги намунавий Қонун 2004 йил 4 декабрдаги Қарор билан қабул қилинган, 35 моддадан иборат. Қонунда асосий тушунчалар ва принциплар, ушбу соҳадаги муносабатлар объект ва субъектлари, мулк шакллари, дав-

лат томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдорлик, фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиш ёки тугатиш, балиқ хўжалиги фаолиятини лицензиялаш, ушбу соҳадаги бошқарув асослари, сув биологик ресурсларини сунъий кўпайтириш, иқлимлаштириш, балиқ хўжалиги мелиорацияси, рекреация мақсадларида балиқчилик, ноёб ва йўқолиб бораётган балиқ ҳамда бошқа сув ҳайвон ва ўсимликларини сақлаш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа масалалар тартибга солинган.

Бешинчи — алоҳида табиий ресурслар ва объектлар тўғрисидаги намунавий қонунлар. Ушбу гуруҳга **“Трансчегаравий сувлар тўғрисида”, “Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида”** ва **“Табиий даволаш ресурслари, даволаш-соғломлаштириш жойлари ва курортлари тўғрисида”**ги намунавий қонунлар киради.

Хусусан, “Трансчегаравий сувлар тўғрисида”-ги намунавий Қонун 2014 йил 18 апрелдаги Қарор билан қабул қилинган бўлиб, 9 боб ва 32 моддадан иборат. Қонун барқарор ривожланиш манфаатлари йўлида трансчегаравий сувлар(сув объектлари)дан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга ҳамда Трансчегаравий сув ҳавзалари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенцияни (1992 йил), МДХ давлатларининг Трансчегаравий сув объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисидаги Келишувини (1998 йил) ва бошқа ратификация қилинган халқаро шартномаларни амалга оширишга қаратилган.

“Тупроқни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги намунавий Қонун 2007 йил 31 октябрдаги Қарор асосида қабул қилинган, 5 боб ва 26 моддадан иборат. Қонун билан умумий қоидалар, тупроқни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, олий вакиллик (қонунчилик) ва ижро ҳокимияти органи ваколатлари, тупроқни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар, давлат стандартлари, техник регламентлар, меъёрлаш, тупроқ мониторинги, тупроқни текшириш, тупроқ ҳолати тўғрисида ахборот, камёб ва йўқолиб бораётган тупроқларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг унумдор қатламини муҳофаза қилиш, хўжалик ва бошқа фаолият объектларини режалаштириш, қуриш, ишга тушириш, тугатиш ёки консервация қилишда тупроқни муҳофаза қилиш бўйича талаблар, тупроқни сув босиб кетишдан, ботқоқланишдан, қакраб кетишдан, шиббаланишдан муҳофаза қилиш, деградацияга учраган тупроқни қайта тиклаш бўйича талаблар, тупроқ ҳолатини яхшилаш, ушбу соҳада давлат, жамоат ва ишлаб чиқариш назорати ҳамда жавобгарлик масалалари тартибга солинган.

“Табиий даволаш ресурслари, даволаш-соғлом-

лаштириш жойлари ва курортлари тўғрисида”ги намунавий Қонун 2008 йил 25 ноябрдаги Қарор билан қабул қилинган бўлиб, 7 боб ва 24 моддадан иборат. Намунавий қонун ноёб табиий мажмуалар ва объектларни, ўсимлик дунёсини сақлаш ва оқилона фойдаланиш мақсадида табиий даволаш ресурслари, даволаш-соғломлаштириш жойлари ва курортларини ташкил этиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, биосферадаги табиий жараёнларни ўрганиш ва уларнинг ҳолатидаги ўзгаришлар устидан назорат қилиш, аҳолини даволаш-соғломлаштириш ва экологик тарбиялаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Олтинчи гуруҳ — экологик-ҳуқуқий механизм институтларининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи намунавий қонунлар. Бу борада Парламентлараро Ассамблея томонидан **“Жамоат экологик экспертизаси тўғрисида”, “Экологик аудит тўғрисида”** ва **“Экологик суғурта тўғрисида”**ги намунавий қонунлар қабул қилинган.

Чунончи “Жамоат экологик экспертизаси тўғрисида”ги намунавий Қонун 2013 йил 29 ноябрда қабул қилинган бўлиб, 6 боб ва 13 моддадан иборат. Қонун жамоат экологик экспертизасини ўтказишни ташкил этишнинг институциявий ва ҳуқуқий асосларини, жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тартибига қўйилган талабларни, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг жамоатчилик экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳуқуқларини белгилаб беради, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва экспертларни жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишдаги ўзаро ҳамкорлиги принципларини ўрнатади. Қонун давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилишда жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда ҳуқуқий талабларни уйғунлаштириш ва ягоналаштиришни услубий таъминлашга шароит яратади.

“Экологик аудит тўғрисида”ги намунавий Қонун 2013 йил 29 ноябрда қабул қилиниб, 5 боб ва 27 моддадан иборат ҳамда экологик аудит соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун хизмат қилади. Қонун фуқароларнинг

қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга, алоҳида ташкилотлар, ишлаб чиқариш мажмуалари ва ҳудудлар доирасида экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган. Экологик аудит мақсади — барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришдан иборат.

“Экологик суғурта тўғрисида”ги намунавий Қонун 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган, 4 боб, 26 модда ва 3 иловадан иборат. Қонун атроф муҳит объектларини ҳимоя қилишда суғурта институти ролини мустаҳкамлашга ҳамда атроф муҳит объектларига зарар етказилиши хавфининг олдини олишга, атроф муҳит объектларига хўжалик ва бошқа фаолият натижасида етказилган зарарни бартараф этишни кафолатлашга қаратилган. Қонун экологик суғуртани ўтказиш бўйича амалий фаолиятни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ушбу соҳадаги сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган намунавий қонунлар ўзида МДХ давлатлари миқёсида экология соҳасидаги қонун ижодкорлигининг энг замонавий тенденцияларини ифодалайди. Ўз навбатида халқаро экологик қонун ижодкорлиги тажрибаси миллий экологик қонунларни янгилаш ва янада такомиллаштиришда муҳим манба, шунингдек, МДХ давлатлари экологик қонун ҳужжатларини яқинлаштириш, уйғунлаштириш ва унификациялашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Амалга оширилган таҳлиллар асосида мамлакатимизда яқин истиқболда атроф муҳитга таъсирни баҳолаш, стратегик экологик баҳолаш, генетик модификациялашган организмлар билан боғлиқ фаолиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, экологик фалокат ҳудудларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик, қадоқлаш, аквакультура, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш, тупроқни муҳофаза қилиш, жамоатчилик экспертизаси, экологик аудит ва суғурта тўғрисида махсус қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда ўрта ва узоқ истиқболда экологик қонун ҳужжатлари тизимини кодификациялаш ҳамда ягона Экология кодексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

¹ Голиченков А.К. Раздел 4 Концепции формирования нового экологического законодательства Республики Казахстан. — М., Алма-Ата, 1995. С.22-23.

² Игнатъева И.А. Опыт кодификации экологического законодательства в государствах-участниках СНГ // Экологическое право. 2007. №3. С. 27-30.

³ www.iacis.ru — Сайт Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ.

⁴ Гертруда Люббе-Вольф. Основные характеристики права окружающей среды Германии // Государство и право. — 2000. — №1. — С. 90.

⁵ Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Дисс. ... докт. юрид. наук. — Ташкент, 2004. — С. 100.

КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАСИНИНГ ШАКЛИ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛИШИ

◆ Ушбу мақолада комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг шакллари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилишига доир миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили келтирилган. Муаллиф франшизинг шартномасининг шакллари ва расмийлаштирилиши борасидаги илмий-назарий фикрларни ўрганиш асосида ушбу шартномани расмийлаштиришнинг аҳамияти ва моҳиятига тўхталади. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасини янги таҳрирда ифода этиш таклифи илгари сурилади.

◆ В данной статье приведен анализ форм договора комплексной предпринимательской лицензии (договора о франшизинге), а также национального и зарубежного законодательства относительно государственной регистрации таких договоров. На основании изучения форм договора о франшизинге и научно-теоретических идей регистрации данного договора, автор определяет значение и сущность регистрации договора о франшизинге. Также, в статье выдвигается предложение изложения в новой редакции статьи 863 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

◆ The article illustrates analysis of complex business license contract (franchise agreement) forms as well as of national and international legislation regarding state registration of such agreements. On the basis of studying forms of franchise agreements and scientific-theoretical ideas of registration of these contracts, the author defines meaning and essence of the registration of franchise agreements. The article also puts forward a proposal to formulate the article 863 of the Civil code of the Republic of Uzbekistan in new version.

Таянч сўзлар: франшизинг шартномаси, битим шакли, битим ҳақиқийлигининг шартлари, лицензиар ва лицензиат, шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш.

Ключевые слова: договор франшизинга, форма сделки, условия действительности сделки, лицензиар и лицензиат, государственная регистрация договора.

Key words: franchise agreement, contract form, transaction validity conditions, licensor and licensee, state registration of contract.

Ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз хоҳиш-иродаларини муайян шаклда ифода этадилар. Шу сабабли ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос кўринишлари ҳисобланадиган битим ёки шартномалар шакли деганда иштирокчиларнинг хоҳиш-иродасини ифодалаш усули сифатида эътироф этилади. Масалан, битимни ифода этиш муайян усулда амалга оширилиши лозим. Муайян усулда ифодаланмаган эрк-иродани учинчи шахслар томонидан англашиш ва унга ҳуқуқий баҳо бериш мумкин эмас. Шахс томонидан ифодаланган эрkning учинчи шахслар томонидан англаниши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар учун ҳар доим муҳим аҳамият касб этади. Битимларда шахснинг битим тузиш хусусидаги эрки учинчи шахслар идрок эта оладиган шаклда ифодаланиши зарур. Битимда эрки ифодалаш усули юридик

адабиётларда битим шакли, деб аталади¹.

Битим шакли, биринчидан, битимни амалга оширувчи томонлар манфаатларига хизмат қилади: у битим тузувчи шахсларнинг ҳақиқий эркиродасини аниқлашга хизмат қилиши, ушбу эрки уни изҳор этилишига мувофиқликни таъминлаши ва битим тузишга тўсқинлик қилувчи сунъий, расмий тўсиқларни яратмаслиги лозим. Иккинчидан, шакл битимнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш ва оммавий (масалан, фискал) манфаатларни ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қонун тарафларга битим шаклини танлаш имкониятини беради. Шунинг учун қонун белгиланган шаклдан келиб чиққан ҳолда битимларнинг айрим турлари учун: оғзаки — ёзма — нотариал тасдиқланган шакллари ўрнатади².

Битимларнинг қонун талаб қиладиган шаклда тузилиши шартномаларга нисбатан ҳам талаб этилади ва бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Шартномаларнинг ҳам битимлар каби оғзаки ва ёзма шаклда тузилиши талаб этилади ҳамда қонунда белгиланган ҳолатлардан келиб чиқиб нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Албатта, шартноманинг ёзма тузилиши, нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши бир вақтнинг ўзида битта шартномага нисбатан қўлланилиши мумкин. Шунингдек, муайян турдаги шартномаларда фақат ёзма тузилиши талаби етарли ҳисобланса, бошқа турдаги шартномаларда нотариал тасдиқланиш талаби ва муайян шартномаларга нисбатан давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади. Давлат рўйхатидан ўтказилиши қонунчиликда тўғридан-тўғри белгиланган шартномалар жумласига комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси ҳам киради. Бунинг сабаблари шундан иборатки, франшизинг шартномасига мувофиқ, лицензиарга тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқлар, (яъни фирма номи, тижорат сирини кабилар) лицензиатга фойдаланиш учун берилди. Шунингдек, лицензиарнинг мутлақ ҳуқуқларига нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқи қоидалари қўлланилганлиги учун ҳам франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади³.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 863-моддасига кўра, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равишда тузилиши керак ва у шартномага мувофиқ лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки яқка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатга олиниши керак.

Ушбу шартноманинг ёзма равишда тузилиши ва лицензиарни юридик шахс ёки яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказган орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши қонун талаби сифатида риоя этилиши лозим бўлган шарт ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари айна пайтда давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят адлия бошқармаларида, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга⁴ мувофиқ, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмас-

дан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўзлари яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида давлат рўйхатидан ўтадилар.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, комплекс тадбиркорлик лицензияси франшизинг шартномаси адлия органлари, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларида ва тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ва туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида рўйхатдан ўтказилади.

Хорижий мамлакатларда франшизинг шартномасини рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос тартиботи шакллантирилган. Жумладан, Россия Федерациясида франшизинг шартномаси интеллектуал мулк бўйича федерал бошқарув органида давлат рўйхатидан ўтказилади (Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 1028-моддаси 2-қисми).

Франшизинг шартномасига нисбатан рўйхатдан ўтказиш таомилининг қўлланилиши, шунингдек АҚШ ва Испания қонунчилигида ҳам назарда тутилган. АҚШда франшизинг шартномасига нисбатан федерал даражадаги ягона рўйхатдан ўтказиш таомили мавжуд бўлмаса-да, айрим штатларда ҳуқуқ эгаси — франчайзернинг ўз ҳуқуқини сотиш ёки бошқа шахсга франшизинг асосида ўтказишдан олдин махсус рўйхатдан ўтказиш таомилидан ўтиш мажбуриятини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қиладди. Алоҳида қайд этиш лозимки, агар Ўзбекистон ва Россия Федерацияси қонунчилигида рўйхатдан франшизинг шартномаси ўтказилса, рўйхатдан ўтказишнинг америка тизимида франчайзер (ҳуқуқ эгаси)нинг бевосита ўзини, яъни унинг “касбий мақомини” рўйхатдан ўтказиш назарда тутилади. Бинобарин, АҚШда франчайзер (ҳуқуқ эгаси)нинг рўйхатдан ўтказиш таомилидан ўтиш мажбурияти алоҳида штатлар даражасида белгиланади.

Испанияда ҳам рўйхатдан ўтказиш таомили франшизинг шартномасини эмас, балки франчайзер (ҳуқуқ эгаси)ни рўйхатдан ўтказишни назарда тутди. Бундан ташқари, франчайзерлар (ҳуқуқ эгаси)нинг махсус реестри юритилади. Испания “Чакана савдо тўғрисида”ги Қонунининг 62-моддасига кўра, Испания ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширадиган барча франчайзерлар (ҳуқуқ эгалари) рўйхатдан ўтишлари лозим: хорижий компаниялар — франчайзерларнинг федерал реестрида, миллий компаниялар — ҳудудий реестрда. Франчайзерлар реестри икки муҳим функцияни бажаради. Биринчидан, у мамлакатдаги франчайзинг фаолиятининг ўзига хос тахлийий маркази ҳисобланади. Иккинчидан, франчайзилар (ҳуқуқни шартнома асосида олувчилар) учун шартнома тузишнинг дастлабки босқичида ахбо-

рот бериш кафолати бўлиб хизмат қилади. Испаниянинг “Чакана савдо тўғрисида”ги Қонуни билан франчайзерлар реестрида рўйхатдан ўтиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар рўйхати белгиланган. Франчайзерлар рўйхатдан ўтиш таомилига дастлаб ахборотни ошкор этиш ҳужжатидан ўтишлари ва шундан сўнг уни ҳуқуқни шартнома асосида олиш истагида бўлган франчайзига юборишлари мумкин⁵.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган “Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда⁶ франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва таомиллари назарда тутилган. Унга кўра, франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш — тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларда Франшизинг тўғрисидаги шартномаларни (уларни тузишни, уларга муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишни) давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш журнаliga ёзиш тартиб-қоидасидир.

Ушбу Низомнинг 4-бандида франшизинг шартномаси лицензиар рўйхатдан ўтган органда давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган. Ушбу қоида ФКнинг 863-моддаси билан ҳамоҳанг бўлиб, франшизинг шартномасини рўйхатдан ўтказадиган органларни аниқлаш бўйича умумий тартибот ҳисобланади.

Юқоридаги низомнинг 4-бандида эса, лицензиар хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган бўлганда, шартнома қайси давлат органида рўйхатдан ўтиши масаласига аниқлик киритилган. Унга биноан, агар лицензиар хорижий давлатда юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, франшизинг тўғрисидаги шартномани (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ҳамда бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш шартнома бўйича лицензиат сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказган Ўзбекистон Республикасининг рўйхатидан ўтказувчи органи томонидан амалга оширилади.

Мазкур қоиданинг ифодаланиши ва моҳияти ҳамда ФКнинг 863-моддаси талаблари билан ўзаро нисбати ҳусусида бир қатор мулоҳазаларни билдириш мумкин. Биринчидан, Низом 4-бандининг иккинчи қисмининг ўзбек ва рус тилларидаги ифодаларида фарқ кўзга ташланади. Бунда ушбу норманинг ўзбек тилидаги матни нотўғри ифодаланганлиги кўриш мумкин. Чунки, бунда лицензиар ҳақида қоида назарда тутилган ҳолда матнда лицензиар сўзининг ўрнига “лицензиат” сўзи қўлланилган, рус тилидаги матнда эса бу ҳолат тўғри ифодаланган. Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, ФКнинг 863-моддаси фран-

шизинг шартномасини лицензиарни рўйхатдан ўтказган орган томонидан рўйхатдан ўтишини назарда тутилган ҳолда, ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлишини белгилайди. Бу эса ўз навбатида, Низомнинг 4-банди иккинчи қисмини инкор этади. Чунки, ФКнинг 863-моддасида белгиланган шартномани лицензиарни рўйхатдан ўтказган органда рўйхатдан ўтиши қоидасига риоя этмаслик, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши ҳақидаги императив норма қатъий тусда бўлиб, бошқа ҳар қандай тартиботни инкор этади.

Низомнинг 4-банди учинчи ва тўртинчи қисмларида муайян соҳаларга оид бўлган қоидаларни назарда тутадиган франшизинг шартномаларини рўйхатдан ўтказишнинг қўшимча тартиботи белгиланган бўлиб, бу ҳолатларда франшизинг шартномасининг тегишли бандлари махсус органларда рўйхатдан ўтказилган. Низомнинг 4-банди учинчи ва тўртинчи қисмларига кўра, агар франшизинг тўғрисидаги шартномада ташқи савдо операциялари (товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти-импорти) назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда бундай операцияларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ҳам риоя қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ўз ичига оладиган франшизинг тўғрисидаги шартнома (лицензия шартномаси)нинг тегишли қисми Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида ҳам рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунда лицензия шартномаси франшизинг тўғрисидаги шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу талабга риоя қилинмаган тақдирда, агар шартноманинг бошқа шартлари бевосита ўз кучини сақлаб қолиши мумкин бўлса, шартноманинг (лицензия шартномасининг) тегишли қисми ёхуд франшизинг тўғрисидаги шартнома умуман тузилмаган ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар интеллектуал мулк объекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, интеллектуал мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва уни франшизинг тўғрисидаги шартнома бўйича бериш шартнома тарафларининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

Франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза:

а) якка тадбиркор;

б) юридик шахс — ҳуқуқ эгаси (шартномага ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида суд органининг қарори асосида ёки агар ҳуқуқ эгаси хорижий шахс бўлса, ҳуқуқдан фойдаланувчи)нинг доимий ишлайдиган ижро этувчи органи раҳбари ёки юридик шахс

номидан ишончномасиз иш кўриш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс;

в) ҳуқуқ эгаси бўлган юридик шахс ёки якка тадбиркор номидан ишончнома асосида иш кўрадиган бошқа шахс томонидан берилиши мумкин (Низомнинг 6-банди).

ФКнинг 115-моддасига биноан, битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Кўрииб турибдики, битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши фақат “қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина” юзага келади. Бошқа ҳолатларда битимнинг қонун талаб қилган шаклига риоя этмаслик низоли битим сифатида эътироф этилади. Амалдаги қонунчиликда битимнинг қонун талаб қилган шаклига риоя этилмаган ҳолларда унинг ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ҳолатлари белгиланган. Хусусан, ФКнинг 112-моддасига мувофиқ, битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Масалан, кафил ва кредитор битимининг ёзма шаклига риоя қилмаслик оқибатларини тадқиқ этган Д.А.Логонов шунга таъкидлайдики, ушбу ҳолатда томонлар ҳақиқий битим тузилганлигини исботлашга киришар экан, гувоҳлик кўрсатувларига асосланиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар, бироқ ёзма ва ашёвий далилларга мурожаат қилишга ҳақлидирлар⁷.

Ушбу фикрни давом эттириб, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг ёзма тузилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши талабига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши ва бунда тарафларнинг далиллари, гувоҳликлари эътиборга олинмаслиги

ва тарафлар ўзаро келишган ҳолларда ҳам шартнома давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланишини таъкидлаш мумкин.

ФКнинг 112-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олиб, ФКнинг 863-моддасини қуйидаги тахрирда ифодалаш таклиф этилади:

“Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равишда тузилиши керак ва у шартномага мувофиқ лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки якка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан, **лицензиар хорижий давлатда юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, шартномага мувофиқ лицензиат сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки якка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан** рўйхатга олиниши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади”.

Ушбу таклифнинг амалга киритилиши Фуқаролик кодекси ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган “Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомдаги ўзаро қарама-қаршиликни бартараф этишга, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини тузиш бўйича вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олишга хизмат қилади.



¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 44 б.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. – 305 б.

³ Бахриддинов А. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: ҳуқуқ магистри даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент: 2014. – 43 б.

⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 45-46-сон, 470-модда

⁵Багдасарян А.Ф. Гражданско-правовые проблемы заключения договора коммерческой концессии (франчайзинга): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2008. – С. 15-16.

⁶Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 382-модда; 2011 й., 36-сон, 367-модда; 2015 й., 1-сон, 9-модда

⁷Логонов Д. А. Практика применения договора поручительства // Законодательство. – М., 1999. – №. 6. – С. 19 – 27.

Мавлюда АХМЕДШАЕВА,
ТДЮУ «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи»
кафедраси профессори, ю.ф.д.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

✦ Мақолада ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи ривожланиши тенденцияларини давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этишнинг устувор йўналишлари, яъни ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти, глобаллашув жараёнларининг давлат ва ҳуқуққа таъсири, фуқаролик жамиятининг муҳим элементлари бўлган жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик, давлат органлари фаолиятининг очиклиги, ахборот асри шароитида ҳуқуқнинг роли, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги, юридик техника, ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш масалаларининг назарий-ҳуқуқий муаммоларини илмий тадқиқ этиш зарурлиги асослантирилади.

✦ В статье анализируются приоритетные направления научного исследования проблем современного развития государства и права с точки зрения теории государства и права, обосновывается научная необходимость исследования таких вопросов, как формирование гражданского общества и построение правового государства, теория и практика разделения властей, общественный контроль, социальное партнёрство, открытость деятельности государственных органов, социальная роль права в условиях информационного века, повышение правовой культуры, проблемы совершенствования законодательства и правотворчества, юридическая техника, пробелы в праве и пути их преодоления.

✦ The article analyzes significant directions of scientific research related with the problems of contemporary state and law development from the point of view of Theory and history of state and law. It investigates scientific necessity of such problems as forming civil society and building legal state, theory and practice of separation of powers, the social control, the social partnership, transparency of state bodies' activity, law-making technique, gaps in law and ways of overcoming.

Таянч сўзлар: устувор йўналишлар, давлат ва ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик, давлат фаолиятининг очиклиги, ҳуқуқдаги бўшлиқлар, юридик техника.

Ключевые слова: приоритетные направления, государство и право, правовое государство, гражданское общество, общественный контроль, социальное партнёрство, открытость деятельности государственных органов, пробелы в праве, юридическая техника.

Key words: the priority of direction, the state and law, the legal state, the social control, the social partnership, the transparency of state activity, gaps in law, the law-making technique

XXI аср фан, техника, коммуникация ва юксак технологияларнинг мисли кўрилмаган ривож асри бўлиши баробарида, ўта муҳим ижтимоий ҳодисалар бўлган давлат ва ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни, инсонлар ҳаётига таъсири борасида ҳам туб ўзгаришлар асри ҳамдир.

Шу муносабат билан ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи ривожланиш тенденциялари, жамият, ҳуқуқ ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмунидаги ўзгаришлар, глобализациянинг давлат ва ҳуқуққа, айниқса давлат суверенитетига, унинг функцияларига таъсирини бугунги кун нуқтаи назаридан назарий тадқиқ этиш юридик фанлар тизимида ўзига хос ўрин тутадиган давлат ва ҳуқуқ назариясининг муҳим вазифаларидандир.

Айни пайтда, давлат ва ҳуқуқ назариясининг бош вазифаларидан бири — бу ҳар бир даврда давлат

ва ҳуқуқ тушунчасини ишлаб чиқиш ва унга таъриф бериш ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуққа таъриф бериш жуда мураккаб вазифа. Шу ўринда буюк нидерландиялик олим Л.Гумпловичнинг **“Дунёда қанча давлатшунос ва файласуфлар мавжуд бўлган бўлса, шунча давлатнинг таърифи ҳам мавжуд бўлган”**¹ деган фикрини эслаш ўринли.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини англаш, ушбу ҳодисаларни тушуниш, уларга таъриф бериш масаласида муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш зарур. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг давлат ва ҳуқуқга оид фикрлари, берган илмий таърифлари алоҳида эътиборга сазовордир. Биринчи Президентимизнинг дунёдаги ҳар бир давлат муайян жамиятнинг номидан иш юритувчи энг олий суверен сиё-

сий ташкилот бўлишидан ташқари, айна пайтда, муайян халқнинг тарихий тараққиёти натижаси ҳам эканлиги ҳақидаги фикрлари давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги билимлар ҳазинасига қўшилган жавоҳирдир: «Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Ҳар бир давлат — бетақрор ижтимоий ҳодиса. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданият ривожининг натижасидир»².

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ислом Каримов янги тузумнинг асосларини шакллантириш ва ривожлантиришга бошчилик қилди. Айтиш мумкинки, Ислом Каримов мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш назариясининг асосчиси, янги жамият қуриш амалиёти ташкилотчиси бўлган шахс сифатида тарих саҳифасидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Халқимизнинг мустақил, адолатли давлатга эга бўлиш ҳақидаги асрий орзуларини рўёбга чиқаришга ўз умрини бахшида этди. Ушбу инсоннинг Ўзбекистон бугуни ва келажагига бўлган ишончи эътирофга сазовордир: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»³.

XX-XXI асрлар давлат моҳиятига тегишлича ўзгаришлар киритмоқда. Масалан, давлатни ташкил этувчи элементлар бўлмиш ҳудудий (территориал элемент), аҳоли сони (субстанциявий элемент) ва давлат органлари тизими (институциявий элемент) мазмунида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, бир пайтлар ҳудуди катта давлатлар «буюк» давлатлар сирасига киритилган бўлса, бугунги кунда эса давлатнинг куч-қудратини ифодалашда ҳудуднинг катта-кичиклиги доимо ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай қолмоқда. Шу тариқа, ҳозирги замон давлати ва унинг ривожланиш қонуниятлари ва бу жараёнга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш давлат ва ҳуқуқ назариясининг доимий диққат марказида турган масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг асосий мақсади — эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг мураккаб ва масъул йўлидан борар экан, у демократик кадриятларни, халқаро ҳуқуқ принципларини эъзоз этган ҳолда халқро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга.

Ваҳоланки, ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси ўта мураккаб жараён бўлиб, у ўз ичига иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий омилларнинг ўзаро ҳаракати, тараққиёт даражаси ва уйғунлашувини тақозо этади. Шу боис, турли давлатларда ҳуқуқий давлат қуриш амалиёти тарихан умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бир қаторда, ҳар бир давлатда муайян хусусиятларга эга бўлиши табиий ҳолдир. Шу муносабат билан **бугунги глобаллашув жараёнлари шароитида давлат ва ҳуқуқ на-**

зарияси фани олдида ҳуқуқий давлат қуриш назарияси ва амалиётини тадқиқ этиш вазифаси турибди. Шу ўринда бу йўналишдаги тадқиқотлар қандай масалалар ечимини топишга қаратилиши керак, деган саволлар кўндаланг бўлиши табиий, албатта. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ҳақидаги назария яратилган даврдан буён анча вақт ўтди, давлат ва ҳуқуқнинг мазмун ва моҳияти ҳам «давр синовлари»ни бошидан кечирди. Айниқса, ҳуқуқий давлат қуриш амалиёти ҳам қотиб қолган, ҳар даврда бир хил жараён бўлмай, балки, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсиридан холи бўлмаган, жонли диалектик жараёндир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда юридик фанда ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғояларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш тарихи асосан Ғарб мутафаккирларининг қарашлари асосида ёритилиб, бу борадаги Шарқ, жумладан, Марказий Осиё мутафаккирларининг қарашлари кўпинча тадқиқотчилар назаридан четда қолган. Ҳолбуки, қадимданок юртимизда давлат ва адолатли қонунлар, самарали давлат бошқаруви борасида кўплаб мумтоз асарлар яратилган. Хусусан, қадимги ёзма манба бўлган «Авесто»да инсонларнинг ҳаётини ҳамда давлатнинг ташкил топиши ҳақида дастлабки маълумотлар мавжуд бўлган бўлса, бу ғоялар кейинчалик Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» («Сияр-ул-мулк») асарида, Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» ва «Саббаи Сайёр» дostonларида, Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур-ул-Мулк» асарларида ўз ифодасини топган⁴.

Шунга боғлиқ ҳолда мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод этган мутафаккирларнинг давлат-ҳуқуққа оид қарашларини тадқиқ этиш, уларни илмий муомалага киритиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳуқуқий давлат ҳақидаги ғояларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши ва яхлит тугал назариянинг яратилиши ҳамда унинг амалиётга татбиқ қилиниши — кишилик жамиятининг давлатчилик борасида эришган ютуқларини ўзида ифода этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий йўналишлари, бу борада эришилган ва эришиш лозим бўлган ютуқ, жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки, давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг мавжудлиги, давлат органлари билан жамоатчилик ташкилот ва тузилмалари ўртасида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ ҳукмронлигини таъминлаш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг реал таъминланишида мансабдор шахсларнинг масъуллигини ошириш, давлат ҳокимияти тизимининг ҳокимиятлар бўлинишига асосланиши, жамиятнинг юксак ҳуқуқий онги, нуфузли мустақил суд ҳокимиятининг мавжудлиги

ва бошқа ҳолатлар ўзининг назарий-ҳуқуқий тадқиқини кутмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки пайтлариданоқ Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимини “ҳокимиятлар бўлиниши” принципига асосланишини эълон қилиб, бу принципни Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйди. Бинобарин, ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг муҳим аҳамиятли жиҳатларидан бири — ҳар бир ҳокимият тармоғининг нисбатан мустақиллиги ва айна пайтда, ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир-бирини назорат қилиб туришида ифодаланади. Бир ҳокимият тармоғи бошқасининг ўз ваколат доирасидан чиқмасдан фаолият олиб бораётганлигини назорат қилишининг ҳамда бундай ҳолатни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми мавжуд бўлиб, улар “бир-бирини тийиб, ўзаро мувозанатда ушлаб туриш” тизими деб юритилади. Бу тизимга мувофиқ, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқасига нисбатан муайян “тийиб туриш” ва “мувозанатда ушлаш” таъсир чораларига эга. Бу механизмнинг тўла-тўқис ишлаши давлат ҳокимиятинининг демократик табиатини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Айна шу тизим орқали ҳокимиятлар бўлиниши чинакам таъминланади.

Шу боис, мустақиллик йилларида “Сиёсий ислохотларимиз негизда турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир”⁵. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан суд ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлари, “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаш” механизмнинг таъсирчанлигини таъминлаш, парламент назоратининг давлат ҳокимияти тизимининг мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлашнинг ажралмас воситаси сифатидаги аҳамиятини таҳлил этиш, суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятига нисбатан “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаш” тизими механизмнинг самарасини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунийликни кучайтиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини тўла ҳаётга татбиқ этиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтларининг кенг тизимини шакллантиришга ва уларнинг жамиятдаги таъсирини оширишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Масалан, республика-мизда ННТлар сони 1991 йилда 95 та, 2000 йилда 2585 та, 2013 йилда эса 6 мингта, 2014 йилнинг

1 январь ҳолатига кўра, (адлия идораларида рўйхатдан ўтган) 7,8 мингтани ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8,5 мингдан ошиб кетди⁶. Бундай тузилмаларнинг муҳим фаолият йўналиши, ижтимоий вазибаларидан бири бу — давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг олиб борилишидир. Бинобарин, **кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги — фуқаролик жамиятининг етуклиги, давлат ва жамият ўртасида ижтимоий ҳамкорликнинг мавжудлигини кўрсатувчи омил бўлиб**, у жамиятнинг демократик асослари мустаҳкамлигини, фуқаролик жамияти етуклигини, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юқорилигини кўрсатадиган институтдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун биз **жамоатчилик назоратини**, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ”⁷. Давлат раҳбари бу борадаги қарашларини **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да ҳам ривожлантириб, қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш ҳамда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бугунги кунга келиб, **Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун** лойиҳаси эса ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтиб, Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, давлат органларининг очиқлиги ҳамда ижтимоий шериклик тўғрисида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш масалаларининг илмий тадқиқ этилиши долзарб вазибалардан бўлиб қолмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг олдида турган муҳим вазибалардан бири — гло-

баллашув жараёнлари, фан-техника ва юксак технологияларнинг мисли кўрилмаган ривож шариоитида ҳуқуқнинг моҳиятини, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишчилик (регулятив) роли самарасини, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларини илмий тадқиқ этишдир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг олдида турган муҳим масалалардан бири — бу ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали жамиятдаги мавжуд муносабатлар ривожини таъминлайдиган ва уларга барқарорлик бахш этадиган ҳуқуқнинг самарадорлигини ошириш эканлигини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир⁸. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига қўйиладиган талаблар тизимини ўзлаштириш мазкур ҳужжатлар сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Афсуски, **миллий юридик фанимизда бу йўналиш ҳали лозим даражада чуқур ўрганилганича йўқ.** Мавжуд илмий тадқиқотларнинг аксарияти қонунчилик техникасининг айрим муаммоларигагина бағишланган. Шу тариқа, юридик техника масалаларига бағишланган махсус тадқиқотлар Ўзбекистонда етарли дейиш қийин. Юридик техника ва қонунлар сифатини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг кенг қамровлилиги, мураккаблиги сабабли, юридик техникани ўрганиш объекти, предмети, кўлами, доираси, чегараси каби масалалар бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли тортишув, баҳс, мунозаралар, хилма-хил фикрлар, баъзан бир-бирига зид қарашлар ҳам мавжуд. Юқорида қайд этилган омиллардан ташқари, **ушбу илмий муаммонинг долзарблиги** юридик техника умумий назариясини янада ривожлантириш эҳтиёжлари, уни амалий таҳлил билан бойитиш, шунингдек, сифатли қонунларни яратиш назариясига оид илмий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурати билан ҳам белгиланади.

Юридик техника назариясини шакллантириш ва амалий муаммоларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида эришиладиган илмий ҳулосалар юридик техника тушунчасининг ҳуқуқий табиатига оид янги илмий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқишга, қонун ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Бугунги кунда амалдаги қонунчилик тизими республикамизда ўтказилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида яратилган миллий қонунчилигимизни халқаро андозаларга ва нормаларга уйғунлаштириш ҳамда қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, шунингдек, миллий ҳуқуқ тизимимизда юзага келаётган коллизия ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масаласи ҳам ҳуқуқ фани олдидаги долзарб масалалардан эканлигини эътироф этиш жоиз.

Шу жиҳатдан олганда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда қонун ҳужжатларидаги коллизияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш механизмларини мунтазам такомиллаштириб бориш, уларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда тизимли таҳлил қилиш давр талабидир. Зеро, мазкур механизмлар мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлигининг самарали тизими яратилишига хизмат қилади. Айтиш жоизки, бугунги кунда жамиятни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгиланишнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири, мавжуд ҳуқуқ тизимини ижтимоий воқеликда кечаётган муносабатларга ҳамоҳанг бўлишини таъминлаш, деб талқин этилмоқда. Бинобарин, мукамал ҳуқуқ тизимини шакллантириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим омили ҳамдир.

Мамлакатимиз парламентининг икки палатали шаклга ўтказилганлиги ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнининг тубдан ўзгарганлиги ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштирок этувчи барча субъектлар, яъни депутатлар, Сенат аъзолари, мутасадди идоралар, мансабдор шахслар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда **ҳуқуқ соҳаларида юзага келаётган бўшлиқлар** билан боғлиқ муаммолар деярли ҳар бир тадқиқотда муайян даражада таҳлил этиб борилаётган бўлса-да, уларнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан комплекс монографик тадқиқотлар бугунги кунда етарли эмас.

Маълумки, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим омилларидан бири бу жамиятнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга эканлигидир. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш — мураккаб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, у қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир”⁹.

Айни пайтда, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муайян қийинчиликларсиз амалга ошмайди. Ҳуқуқий маданият ўз моҳиятига ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий ахборот даражалари билан узвий боғлиқдир. Ахборот асри шароитида ҳуқуқий ахборотнинг ўрни ва роли ҳамда унга қўйиладиган талаблар ҳам даврга ҳамоҳанг равишда ўзгариб бормоқда. Ҳолбуки, “Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиш бериш — ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир”¹⁰. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, 1997 йилда қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий

маданиятини юксалтириш миллий дастури ўз олди-га қўйган тарихий вазифани амалга оширишда катта рол ўйнаб келмоқда. Бироқ, шу билан бирга, жамиятдаги туб ўзгаришлар жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига нисбатан ҳам янги-янги талабларни қўяётганлиги муносабати билан давлатимиз олдида турган мураккаб вазифаларга ҳамоҳанг ҳолда ушбу Дастурнинг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида шиддаткор асрга мос ва хос ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш муаммолари, шунингдек, юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш хусусиятлари, замонавий ҳуқуқий мафқуранинг назарий ва амалий талқинини яратиш масалалари ўзининг етарли ифодасини топмаган. Қолаверса, ҳуқуқий онгдаги эски стереотипларни бартараф этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг хусусиятлари, уни юксалтириш йўллари, аҳоли ўртасида, айрим мансабдор шахсларда у ёки бу шаклда учраб турадиган ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиб, тегишли ечимларни ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда.

Мамлакатимизда олий ҳуқуқий таълим фаолиятининг натижасини ўзида ифодалайдиган юридик кадрларни тайёрлаш давлатимизнинг диққат марказида турган масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда ўтказилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу нуктаи назардан олганда қайд этилган қарорнинг ижро этилиши, унинг юридик таълим ва юксак малакали юридик кадрларни тайёрлашга реал таъсири масаласи ҳам ўзининг илмий таҳлилини кутмоқда. Шу муносабат билан мамла-

катда юридик таълимни янада ривожлантириш юзасидан тегишли концепцияларни ва ҳуқуқий тарбияни олиб боришнинг замонавий шакл ва усуллари-ни ишлаб чиқиш ва бу борада аниқ қонунчилик таклифларини шакллантириш долзарб илмий вазифалардандир.

Шу тарика, фикримизча, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани вакиллари томонидан илмий тадқиқ этилиши зарур бўлган муаммолар доирасига қуйидагилар киради:

биринчидан, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш назарияси ва амалиётини бугунги кун нуктаи назаридан тадқиқ этиш; иккинчидан, давлат механизми самарадорлигини янада оширишда ҳокимиятлар бўлиниши ва ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ваколатлар мувозанатини таъминлаш масаласини тадқиқ этиш;

учинчидан, глобаллашув жараёнларининг давлат ва ҳуқуққа, унинг функцияларига таъсирини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш;

тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, фуқаролик жамияти институтлари билан давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш;

бешинчидан, ахборот асри шароитида ҳуқуқнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги ролини, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш;

олтинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда юридик техниканинг ўрни, ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш масалалари, шунингдек, идоравий норма ижодкорлиқнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш;

еттинчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлашда юридик ҳужжатларнинг, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳамда суд ҳужжатларининг ўрни ва роли масаласини илмий-назарий тадқиқ этиш.

¹ Гумплович Л.Общее учение о государстве. СПб.,1910.С.36 / Ҳавола олинди: Проблемы теории государства и права / Под.ред. д.ю.н.проф.М.Н.Марченко. М.:Юристъ. 2015. С.74.

² Каримов И.А.Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.:Ўзбекистон. 1995. –Б.8.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли / Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т. 1. – Т. : “Ўзбекистон”, 1996. 39-44 бетлар.

⁴Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тузувчи: Махмудов Т. –Т. : А.Қодирий номидаги халқ мероси маркази, 1993. – 224б. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифлар: Шодмон Воҳид Хусайнзода., А. Эркинов. – Т. : “Янги аср”, 2008. – 240 б. Темур тузуқлари. – Т. : F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. – 344 б. Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулк. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1997. – 272 б.

⁵ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир // Халқ сўзи, 2013 йил 9 декабрь.

⁶ “Ислохотларга дахлдорлик хисси ошиб бормоқда”// “Халқ сўзи”, 2013 йил 15 март №51 (5725); «Инсон ва қонун» 2014 йил 4 март. №9.

⁷ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.11-том.-Т.:Ўзбекистон.2003.28-29 б.; Инсон ва қонун, 2016й., 21 июнь, сешанба№24 (1020)

⁸ Харт Г.Л.А. Понятие права. Пер. с англ. Под общ. ред. Е.В. Афонсина и С.В.Моисеева. СПб. Изд-во: С- Петерб. ун-та. 2007. -302 с. (Н. L. A. Hart. The Concept of law. Carendon law series. kxford University Press. 1961.)

⁹ Каримов И.А.«Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ислохотларининг асосий тамойиллари» Т., 1995. 29-бет

¹⁰ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгиликлар ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 128 бет.

Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратураинг Олий ўқув курслари кафедре бошлиги в.б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЙИ ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

✦ Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар, жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши, ярашув институти нормаларининг жорий этилиши, етказилган зарар ўрни қоплаганда озодликдан маҳрум этиш ва озодликни чеклаш билан боғлиқ жазолар тайинланмаслиги масалалари, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини жорий этишга оид нормалар таҳлил қилинган.

✦ В этой статье проведен анализ реформ в сфере либерализации уголовного наказания в Республике Узбекистан, в частности, отмена смертной казни, введение института примирения, вопросы неприменения наказания в виде ограничения свободы и лишения свободы в случае возмещения причиненного материального ущерба, введение альтернативных видов наказания, не связанных с лишением свободы.

✦ In this article analyzed the reforms in the sphere of liberalization of criminal punishment in the Republic of Uzbekistan, in particular, the abolition of the death penalty, the introduction of the institute of reconciliation, the issues of non-use penalty of restriction of liberty and imprisonment in the cases of compensation for the material damage, the introduction of alternative forms of punishment which is not related to imprisonment.

Таянч сўзлар: жазо, муқобил жазо, инсонпарварлик принципи, ярашув, либераллаштириш.

Ключевые слова: наказание, альтернативное наказание, принцип гуманизма, примирение, либерализация.

Key words: punishment, alternative punishment, the principle of humanity, reconciliation, liberalization.

Италиялик ҳуқуқшунос олим Ч.Беккариа “жиноятни олдини олишнинг самарали воситаларидан бири жазони шафқатсизлигида эмас, балки унинг муқаррарлигида. Жазони шафқатсизлиги эмас, балки давомийлиги инсон руҳиятига кўпроқ таъсир қилади”, деб таъкидлаган эди.

Бугунги кунда жазонинг қаттиқлиги эмас, балки унинг инсонпарварлиги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ижобий самара бераётганлиги ўз тасдиғини топмоқда.

1994 йилнинг 22 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексининг қабул қилинишида асосий эътибор жиноятчиликка қарши курашда жиноят содир этган шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялаш эканлигига урғу берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Демак, жазодан кўзланган мақсад шахсни жазолаш эмас, балки ахлоқан тузатиш, тарбиялашдир. Шу сабабли Жиноят кодексига киритилган ўзгаришлар авваламбор жазо тизимини либераллаштиришга қаратилди.

Қайд этиш лозимки, янги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар Жиноят кодексининг 33 та моддаси санкциясида ўлим жазоси мавжуд эди. 1994 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига фақат 13 та модда санкциясида ўлим жазоси назарда тутилди. Яъни ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), номусга тегиш (118-модданинг тўртинчи қисми), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондирини (119-модданинг тўртинчи қисми), агрессия (151-модданинг иккинчи қисми), урушнинг қонун ва удувларини бузиш (152-модда), геноцид (153-модда), терроризм (155-модданинг учинчи қисми), давлатга хоинлик қилиш (157-модданинг биринчи қисми), Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш (158-модданинг биринчи қисми), жосуслик (160-модданинг биринчи қисми), жиноий уюшма ташкил этиш (242-модданинг биринчи қисми), контрабанда (246-модданинг иккинчи қисми), гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда сотиш (272-модданинг иккинчи қисми) учунгина белгиланган эди. Ўлим жазоси аёлларга ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайин-

ланиши мумкин эмаслиги қайд этилганди.

Таъкидлаш лозимки, жиний жазоларнинг либераллаштирилиши ўлим жазосини босқичма-босқич бекор қилинишига олиб келди.

Жумладан, 1998 йил 29 августдаги қонун билан Жиноят кодексининг 5 та моддасидан (119-модда тўртинчи қисми, 152-модда, 158-модда биринчи қисми, 160-модда биринчи қисми ҳамда 246-модда иккинчи қисми) ўлим жазоси чиқариб ташланди.

2001 йил 29 августда жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, номусга тегиш (118-модданинг тўртинчи қисми), давлатга хонлик қилиш (157-модданинг биринчи қисми), жиний уюшма ташкил этиш (242-модданинг биринчи қисми), гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни фойдаланувчи равишда сотиш (272-модданинг иккинчи қисми) каби жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинди.

Бундан ташқари, ўлим жазоси нафақат аёлларга ва ўн саккиз ёшларга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга, шунингдек, олти ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмаслигига оид қўшимча киритилди.

2003 йил 12 декабрдаги қонун билан Жиноят кодексининг яна иккита моддасида (агрессия (151-модданинг иккинчи қисми) геноцид (153-модда) учун ўлим жазоси бекор қилинди ва фақат икки модда учун (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш 97-модданинг иккинчи қисми, терроризм 155-модданинг учинчи қисми) учун ўлим жазоси қолдирилди.

Қайд этиш лозимки, жазо тизимини либераллаштириш жиноятчилик динамикасига ҳам ижобий таъсир ўтказди. Ўта оғир жиноятларнинг содир этилиши камайди.

2005 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Президент Фармони ижроси юзасидан 2007 йил 11 июлда “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасида жиний жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилди. Қайд этиш лозимки, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Жиноят кодексининг фақат иккита моддаси учун (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш 97-модданинг иккинчи қисми, терроризм 155-модданинг учинчи қисми) белгиланди ҳамда мазкур жазо турлари аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жи-

ноят содир этган шахсларга ва олти ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши инсонпарварлик принципининг ёрқин ифодаси бўлиб, жиний жазоларни либераллаштириш сиёсатини давом эттириш ўзини тўла оқлаётганлигини кўрсатди.

Қайд этиш лозимки, ярашув институти, етказилган зарар ўрни қоплаганда озодликдан маҳрум этиш ва озодликни чеклаш билан боғлиқ жазоларнинг тайинланмаслиги, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини кенгайтириш, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта жиноят содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, (инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно) жиний жавобгарликдан озод этилишига оид нормаларнинг Жиноят кодексига киритилиши жиний жазоларни либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, 2001 йилнинг 29 августда Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилиш деб номланган янги 66¹-модда киритилди. Унга асосан, Жиноят кодексининг 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 122-моддасида (войга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлash), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлash), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг би-

ринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида (алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги мустаҳкамланди.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид нормалар амалиётда ўзини тўла оқлаётганлиги сабабли 2004 йил 27 августдаги қонун билан ярашув институтини қўллашга оид нормалар кенгайтирилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил касаллигини тарқатиш), 115-моддаси (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 170-моддасининг иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш) назарда тутилган жиноятлар учун ҳам ярашув институти қўлланилиши мумкинлиги мустаҳкамланди. Шунингдек, ушбу қонун билан оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслигига оид норма киритилди. Бундан ташқари ярашув институти биринчи марта жиноят содир этган шахсга қўллаш мумкинлиги ҳақидаги чеклов қонунчиликдан чиқарилди.

2005 йил 31 декабрдаги Қонун билан ярашув институти қўллашга оид яна 1 та — 185²-модда (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) киритилди ҳамда ярашув институти қўллашга оид Жиноят кодексига моддалари сони 31 тага етди.

2009 йилнинг 3 апрелида Жиноят кодексининг 66¹-моддаси доирасига яна 9 та янги модда кири-

тилди. Жумладан, Жиноят кодексининг 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 229-моддасида (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик) назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун ярашув институтини қўллаш мумкинлиги назарда тутилди.

2012 йил 29 декабрдаги қонун билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасига яна 4 та модда киритилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 180-моддаси (сохта банкротлик), 181-моддаси (банкротликни яшириш), 189-моддаси (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш)) назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун ярашув институтини қўллаш мумкинлиги назарда тутилди.

Қайд этиш лозимки, 2016 йилнинг 23 сентябридаги қонун билан яна 1 та модда Жиноят кодексининг 66¹-моддасига киритилди. Яъни 141¹-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун ярашув институтини қўллаш мумкинлиги назарда тутилди ҳамда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар сони 45 тага етди.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилиши кетма-кетлигига эътибор қаратсак, йилдан-йилга ярашув институтига оид моддаларнинг кенгайганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши, жабрланувчига етказилган зарарни ўрнини қоплаш имкониятини янада кенгайтиришга имкон яратади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги инсонпарварлик принципини ўзида тўла акс эттирган бўлиб, жиноят қонунчилигининг такомиллаштирилиши, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, 2015 йилнинг 10 августида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Жиноят кодексига 48¹-модда сифатида “озодликни чеклаш”

номли янги жазо тури киритилди. “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат” бўлган жазо тури ҳисобланади. Мазкур жазо тури ҳам ўз хусусиятига кўра шахсни ахлоқан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш лозимки, Жиноят кодексининг 14 та моддасида етказилган моддий зарар қопланганда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигига оид нормалар мавжуд. Жумладан, Жиноят кодексига бундай рағбатлантирувчи нормаларнинг бўлиши жазодан асосий мақсад жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш эканлиги намоён бўлади.

2015 йилнинг 20 августидаги қонун билан Жиноят кодексига жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ яна бир янги норма киритилди. Жиноят кодексининг 184-моддасига асосан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини биринчи марта содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади. Жиноят кодексига назарда тутилган ушбу рағбатлантирувчи норма ҳам биринчи марта жиноят содир этган шахсга ўз қилмишини англаб етиш, келгусида жиноят содир этмасдан ахлоқан тузалиш йўлига ўтиш учун яратилган имконият ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг йўналишларидан бири бу жиноий жазоларни либераллаштириш ҳисобланади. Жазоларни либераллаштиришда эса энг авваламбор адолат таъминлашга эътибор қаратилади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу соҳадаги ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тугатиш, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини

кенгайтириш каби вазифалар белгиланган. Жиноий жазолар тизимидан қамоқ жазосининг чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгайтирилиши эса ушбу институт бугунги кунда ўзини тўла оқлаганлиги, жиноятчиликнинг камайиш динамикасига ижобий таъсир этганлигидан далолат беради.

Фикримизча, ярашув институтини қўллаш билан боғлиқ нормаларни (181¹-моддаси (Қасддан банкротликка олиб келиш), 184-моддаси биринчи қисми (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш), 184¹-моддаси биринчи қисми (Бюджет интизомини бузиш), 188-моддасида (Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти), 190-моддаларини (фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш) Жиноят кодексининг 66¹-моддасига киритилиши ҳисобига янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Юқоридаги моддалар ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятлар таснифига кириб, етказилган зарар билан боғлиқ.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси 66¹-моддасининг 2-қисмига асосан оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Фикримизча, Жиноят кодекси 66¹-моддасининг 2-қисмига “ушбу модданинг 1-қисмидаги жиноятларни эҳтиётсизлик орқасида содир этганлар, шунингдек, вояга етмаганлар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркеклар бундан мустасно” мазмунидаги ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ўзгартишнинг киритилиши Жиноят кодексининг 66¹-моддасида келтирилган жиноятларни эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахслар, вояга етмаганлар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркекларга оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса ҳам ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида, юқоридаги шахслар давлатнинг алоҳида ҳимояси ва ғамхўрлиги бўйича кафолатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят содир этган шахсни тарбиялаш, жабрланувчи ва жиноят содир этган шахсни яраштириш, етказилган моддий зарарни қоплаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини мустаҳкам кафолатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
кафедра бошлиғи в.б.

АККРЕДИТИВ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

✦ Мақолада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли сифатида аккредитив муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш масалалари таҳлил этилган.

✦ В статье проанализированы вопросы определения гражданско-правовой ответственности, вытекающей из отношений по аккредитиву как формы безналичных расчетов.

✦ In the article it is analyzed the questions of determining civil liability on the basis of the letter of credit as a form of non-cash payments.

Таянч сўзлар: аккредитив, банк-эмитент, жавобгарлик, шартнома, бенефициар.

Ключевые слова: аккредитив, банк-эмитент, ответственность, договор, бенефициар.

Key words: letter of credit, issuing bank, responsibility, agreement, beneficiary.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларнинг доимий равишда ривожланиб бориши ҳамда мазкур жараёнларда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим масалалардан биридир.

Хусусан, бугунги кунда ташқи иқтисодий муносабатлар доирасида шартнома асосида амалга оширилаётган муносабатлар юзасидан тарафлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши жуда муҳимдир.

Айнан бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли сифатида аккредитивдан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Бироқ, ҳозирда аккредитив шакли орқали ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш жараёнларидан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аккредитив муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларига оид низоларни ҳал этишда ҳар бир субъектнинг хатти-ҳаракати ҳамда содир этган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини алоҳида тартибда кўриб чиқиш зарурдир.

Аккредитив шартларининг бузилганлиги учун мижоз олдида банк-эмитент, банк-эмитент олди-

да эса ижрочи банк жавобгар бўлади.

Ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз бош тортган тақдирда, маблағларни олувчи олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ижрочи банк аккредитив шартларини бузиш оқибатида қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини нотўғри берган тақдирда, мижоз олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Аккредитив ҳуқуқий муносабатлари бўйича келиб чиқаётган жавобгарлик масалалари ҳуқуқий доктриналарда бир қанча мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки, мазкур муаммонинг мураккаблиги шундан иборатки, аккредитивнинг ҳуқуқий табиатига нисбатан ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги жавобгарлик масалаларини ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 802-моддасида аккредитив шартларини бузганлик учун банкнинг жавобгарлиги кўрсатилиб ўтилган. Лекин, ушбу қонун нормаси фақат бир томонлама ёндашувларга таяниб қолиб, аккредитив шартномалари бўйича унинг шартлари бузилишидан келиб чиқадиган топшириқ берув-

чи, бенефициар ва ижрочи банкларнинг тўлиқ жавобгарлик масалалари кўриб чиқилмаган.

Банк-эмитент ва ижрочи банк ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам топшириқ шартномасига кўра, бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади. Аккредитив ҳуқуқий муносабатларда ҳам ижрочи банк ўз зиммасига олган, яъни бенефициар олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариши учун эса албатта аккредитив шартларига мувофиқ банк-эмитент уни етарли воситалар билан таъминланиши талаб этилади. Қопланган аккредитивда эса, ижрочи банк ўз мажбуриятини амалга оширишида муаммолар юзага келмаслиги мумкин. Лекин қопланмаган аккредитив бўйича аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун банк-эмитентнинг ҳисобварағида етарли пул маблағининг мавжуд эмаслиги, ижрочи банк учун бир мунча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, қопланмаган ва қопланган тасдиқланмаган аккредитивларда ижрочи банкнинг бенефициар талабларини асоссиз рад этиш сабаблари кўриб чиқилаётганда ушбу аккредитив турларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, қопланмаган аккредитив тури бўйича бенефициар олдидан банк-эмитент асосий жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда банк-эмитент тўловчининг топшириғига кўра, аккредитив очишни рад этади. Кўпгина ҳолларда ижрочи банкни тўловчининг ўзи танлайди ва бунинг натижасида айрим ижрочи банкларнинг тўлов қобилятининг етарли эмаслиги банк-эмитент учун бир қанча муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, қонунчиликда банк-эмитентнинг асоссиз равишда ижрочи банкка пул маблағларини етказиб бермаганлиги оқибатлари учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилган. Қопланган ва тасдиқланган аккредитив ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ижрочи банкнинг бенефициар олдиданги жавобгарлик масалалари қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

◆ маблағ олувчи (бенефициар) ўз хоҳишига кўра, қопланган тасдиқланмаган аккредитив ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи банкларнинг бирига ўз даъвосини билдиради ва шу билан бирга, суд шерик жавобгар сифатида иккинчи банкни ҳам ишга жалб қилиб, унга жавобгарликни юклаши мумкин;

◆ маблағ олувчи (бенефициар)нинг талаби қопланмаган тасдиқланган аккредитив бўйича ижрочи банк томонидан тўловни амалга ошириш рад этилса, бенефициар тўловни амалга оширишни банк-эмитентдан талаб этишга ҳақли. Агар-

да талаб рад этилса, унга нисбатан даъво қўзғатиши мумкин. Ушбу ҳолат бўйича ижрочи банк албатта шерик жавобгар сифатида ишга жалб қилиниши керак. Агар даъво ижрочи банкка нисбатан берилган бўлса, ушбу ишга банк-эмитент ҳам шерик сифатида албатта жалб этилиши керак. Суд ушбу ҳолат юзасидан қарор чиқаришда ижрочи банкнинг субсидир жавобгар эканлигини инобатга олиши зарур;

◆ қопланган тасдиқланган аккредитив бўйича даъво ҳар қандай банкка нисбатан қўлланилиши мумкин. Бироқ, иккинчи банк албатта шерик жавобгар сифатида ишга жалб этилади. Суд барча жавобгарликни ижрочи банкка юклаши мумкин. Агарда суд жавобгарликни банк-эмитентга юклаш зарур деб топса, ижрочи банк ушбу ҳолатда ҳам субсидир жавобгарликни сақлаб қолади.

Бундан ташқари, қопланган тасдиқланган аккредитив бўйича ижрочи банк пул маблағларини нотўғри ўтказиб юбориши натижасида аккредитив шартлари бузилган деб топилиб, ижрочи банк бевосита тўловчи олдидан жавобгарлик юзага келиши мумкин. Ушбу вазиятда тўловчи катта миқдорда моддий зарар кўриши табиий. Қопланмаган тасдиқланган аккредитивда эса, тўловчи ҳеч қандай зарар кўрмайди. Чунки, банк-эмитент ундан бирор зарарни ундиришни талаб этмайди аксинча, банк-эмитент ижрочи банкдан пул маблағларини қайтаришни талаб этиши мумкин. ФКнинг 802-моддасида банк-эмитент тўловчи ва маблағ олувчи олдиданги жавобгарликлари аниқ кўрсатилиб ўтилган. Лекин, ижрочи банкнинг жавобгарлиги масалалари умумий қодалар билан чегараланиб қўйилиб, унинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Масалан, ижрочи банкнинг тўловларни амалга оширишни рад этиши ёки тўловларни нотўғри амалга ошириши каби ҳолларда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш зарурдир. Балки шундай вазиятларнинг вужудга келишида банк-эмитентнинг айби бўлиши мумкинлиги, яъни ижрочи банкни ўз вақтида етарли маблағлар билан таъминламаганлиги ёки аккредитив шартларига оид нотўғри маълумотлар етказганлиги сабабли ҳам юзага келишини инкор этиб бўлмайди. Бундай вазиятларда аккредитив шартлари қайси банк томонидан бузилганлиги ва етказган зарар миқдорини аниқлаган ҳолда, улар ўртасидаги жавобгарлик масалаларини ҳал этиш ҳамда етказилган зарарни қоплашни тақсимлаш муҳимдир.

Фуқаролик кодексининг юқорида қайд этилган моддаларда банк-эмитентнинг бенефициар олдиданги жавобгарликлари кўрсатиб ўтилмаган. Бундан ташқари, мазкур ҳолатларни таҳлил қилиб кўрилганда шуни айтиш мумкинки, аккредитив мажбуриятлар фақат тўловчи ва банк-эмитент ўртасида вужудга келиб, банк-эмитент ва етказиб берувчи, худди шундай тарзда ижрочи банк

ва етказиб берувчи ўртасидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик масалалари тўлиқ очиб берилиши ҳамда қонунчиликда мазкур ҳолатлар мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Қонунчиликда етказилган зарар ва унинг миқдорини белгилашда асосий шартнома тарафлари томонидан ва аккредитив шартномаси тарафлари томонидан йўл қўйилган қоидабузарликлардан келиб чиқиб жавобгарлик ҳолатлари белгиланиши лозим.

Агарда банк-эмитент аккредитив шартларини бузмаса, асосий шартнома шартлари бенефициар томонидан бузилмаса икки субъект бир мажбурият юзасидан қарздор сифатида эътироф этилиши мантиқий зидликни келтириб чиқариши табиий ҳол. Шунинг учун бу каби қоидабузарликлар учун турли хил жавобгарликлар белгиланиши зарур. Агар банк-эмитент аккредитив бўйича ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса, тўловчи банк-эмитентга нисбатан даъво билан чиқиб келтирилган зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Умумий фуқаролик жавобгарлик масалалари банк-эмитентга нисбатан аккредитивга мувофиқ, ўз вақтида ва лозим даражада бажарилмаса, асоссиз равишда тўловларни амалга оширишни рад этган ҳолларда тегишли жавобгарлик масалалари қўлланилади. Банк-эмитент томонидан тўловларни тўлаш асоссиз равишда рад этилган тақдирда тўловчи қонунга мувофиқ, етказилган зарар ва шартномада ёки қонунда кўрсатилган ҳолатларда неустойка ҳам ундириб олиши мумкин. Агарда банк-эмитент аккредитив шартномаси бўйича ўзини етарли асосларда маблағ олишга ваколатига эга шахс сифатида (легимитация) эъти-

роф этмаган шахсга нисбатан тўловларни амалга ошириши банк-эмитентнинг бенефициар олдидаги тўловни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди. Ушбу ҳолатларда банк-эмитент нотўғри ўтказилган тўловларга нисбатан судга муурожаат этиб, уни асоссиз равишда эгаллаб олинган маблағларни қайтаришни сўрайди. Бундан ташқари, бенефициар банк-эмитент ўз мажбуриятини лозим даражада ва ўз вақтида бажармаганлиги сабабли зарарни қоплаш юзасидан даъво талабларини тўловчига эмас, балки банк-эмитентга нисбатан ҳам бериши мумкин.

Ижрочи банкнинг банк-эмитент олдидаги жавобгарлиги аккредитив шартномасига мувофиқ, банк-эмитент кўрсатмасини лозим даражада бажармаслик ёки бўлмаса бенефициар томонидан талаб этилган тўловларни асоссиз равишда рад этиш натижасида келиб чиқади. Мазкур вазиятларда бенефициар ўзи етказиб берган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишни тўловчидан ёки бўлмаса ижрочи банкка нисбатан даъво қўзғатиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Ижрочи банкнинг мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги учун тўловчи олдида банк-эмитент ҳам жавобгар бўлади.

Бугунги кунда қонунчиликда халқаро савдо муносабатларда банк-эмитент билан авизо ва тасдиқловчи банкларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари юзасидан жавобгарлик масалалари, тўловчи ва бенефициарга етказилган зарарни қоплаш тартиби ва уни амалга ошириш шартлари бўйича ҳам аниқ нормалар ишлаб чиқилиши мазкур соҳадаги тарафлар ўртасида юзага келаётган жавобгарлик масалаларини ҳал этишда муҳим рол уйнайди.



Миродилжон БОРОТОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ФУҚАРОЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

- ✦ Ушбу мақолада муаллиф томонидан хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш асослари ёритилган.
- ✦ В данной статье автором рассмотрены основы гражданско-правового регулирования заключения, изменения и расторжения хозяйственных договоров.
- ✦ In the article it is considered by the author the basis of civil-law regulation of conclusion, alteration and termination of business contracts.

Таянч сўзлар: хўжалик шартномаси, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, шартномавий низо, зарарни қоплаш, прокурор назорати.

Ключевые слова: хозяйственный договор, гражданско-правовое регулирование, договорные споры, возмещение ущерба, прокурорский надзор.

Key words: business contract, civil-law regulation, contract disputes, compensation of damages, prosecutor supervision.

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш ша-роитида бозор муносабатларининг долзарб муаммоларини илмий тадқиқ этиш ва ўрганиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан шартномавийликнинг ҳуқуқий мақомини тадқиқ этишнинг объектив зарурияти вужудга келмоқда. “Ҳуқуқнинг ўзига... ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади”¹, деган эди давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов. Шартнома айнан ҳуқуқнинг шундай ҳамжиҳатликка, келиштирувчи юридик кучга эга бўлган устқурмасидир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан ижтимоий-сиёсий соҳада — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиёт соҳасида — турли мулк шакллари асосланган бозор муносабатларини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар қадам-бақадам ўтказилиб, бугунги кунда у мамлакатни модернизация қилиш босқичига етиб келди.

Ана шу маънода айтиш мумкинки, шартномалар бугунги кунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг йирик институти, конструкцияси ҳисобланади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, мохиятан бир хилдек кўринадиган битим ва шарт-

нома тушунчаларидан фанда ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам қарийб тенг нисбатда фойдаланилмоқда. *Битим* — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари, *шартнома* — икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувидир. Битимлар баъзан бир тарафлама бўлиши билан характерлидир, яъни бунда муқобил ижро бўлмайди (масалан, ҳадя, васиятнома, ишончнома). Шартномаларда ҳамма ҳолда ҳам икки тарафда ҳуқуқ ва мажбурият ётади (олди-сотди, қурилиш пудрати, контрактация). Демак, битим — бу ҳаракат, шартнома — бу келишув. Қонун нуқтаи назаридан битим ва шартнома шаклига доир талабларда жиддий тафовут йўқ. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай шартнома битим ҳисобланса ҳам, ҳар қандай битим шартнома бўла олмайди. Аксарият битимлар шартнома ҳисобланиши мумкин. Шу сабабли шартномага аксарият ҳолларда битим қоидалари қўлланилади.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришда мулкдорларнинг, шартнома тарафларининг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ҳуқуқий воситаларнинг роли тобора ошмоқда. Сўнгги йилларда ҳуқуқда рўй берган ўзгаришлар шартномавий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга со-

лиш самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Бугунги кунимизни бозор муносабатларисиз, бозорни эса, турли мулк шаклларисиз, шартномалар тузиш эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, бутун дунё бўйлаб товарлар, хизматлар ва капиталларнинг эркин ҳаракати амалдадир. Дарҳақиқат, бугунги кунда икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи кенг тарқалган асос — бу шартномалар бўлиб қолди. Шартнома қатор ҳақиқий саналиш шартларига мос бўлиши лозим. Кўпинча шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, айниқса, охириги пайтларда суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мавжудки, бу нафақат тарафларни, бутун жамиятни ҳам сергак торттиради.

Айтиш мумкинки, шартномавий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзи лафз, манфаат деб аталмиш жиҳатларни бир нуқтада, бир ҳужжатда, бир юридик фактда, яъни шартномада акс этишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Образли қилиб айтганда, ҳар қандай битимга, шартномага нисбатан қўйиладиган асосий талаб — унинг қонунга мувофиқ бўлишидан иборат. Ушбу талаб қонунни бузиб, яъни унга риоя қилинмасдан тузилган ва ҳақиқий эмас деб тан олинмаган ҳар қандай битимларга нисбатан эмас, балки мазмуни ва мақсади жиҳатдан бевоқиф қонунга хилоф равишда тузилган битимларга тааллуқлидир. Дарҳақиқат, бошқа соҳалар қатори шартномалар борасида ҳам бугунги кунда узок йиллик, айни пайтда улкан тажриба тўпланди. *Шартнома*, айтиш мумкинки, тартибга солувчи, айирбошловчи, компенсацияловчи, рағбатлантирувчи, эҳтиёжларни қаноатлантирувчи функцияларни бажармоқда. Эндиликда маъмурий ричаглар ўз ўрнини ҳуқуқий воситаларга бўшатди. Хусусан, шартномалар дунёси ҳам ҳуқуқий маконга кўчди.

1997 йилнинг 1 мартдан амалга киритилган Фуқаролик кодекси 39 турдаги шартномани ҳуқуқий тартибга солмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”ги Қонуни — концессия шартномасини, “Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида”ги Қонун хўжалик шартномаларининг ўзига хос янги тури — маҳсулот тақсимотида оид битимларни, бир қатор қонуности ҳужжатлари — агентлик, дилерлик, брокерлик хизматлари кўрсатиш, дистрибьюторлик хизматлари кўрсатиш шартномаларини тартибга солади. Шунингдек, ҳаётимизга янги турдаги шартномалар (комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), лизинг, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси (факторинг))

кириб келди.

Ўз даврида МДХ қонунчилиги амалиётида янгилик бўлган қонун — Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун 1998 йил 29 августда қабул қилинди². Шу кунгача қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ушбу қонуннинг мақсади саналади. Хўжалик шартномаларини тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашда асосий эътибор:

- тарафларнинг ўз эркини эркин ифодалаш;
- шартноманинг мазмунини ташкил этувчи барча муҳим шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги;
- шартномаларнинг асосан ҳақ эвазига тузилиши, бинобарин, тўлов интизомига риоя этилиши;
- тарафларнинг тенглиги;
- шартномалар бажарилишини таъминлашнинг кафолатлари (неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат) белгиланганлиги;
- шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг мавжудлигига қаратилиши билан изоҳланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда ушбу жиҳатларнинг у ёки буниси сабаб шартномалар ё ҳақиқий эмас деб топилмоқда ёки ўзгартирилмоқда, бекор қилинмоқда.

Мавжуд вазиятда шу туркумдаги ишлар хўжалик судларида кўрилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сон буйруғида хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатлари ...корхона, муассаса, ташкилотлар, акциядорлар ва муассисларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялашга; тадбиркорликни, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга; тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципига амал қилишга... йўналтирилиши белгиланди.

Хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар қонунда аниқ белгиланган. Хусусан, хўжалик шартномаси шартнома предметини етказиб берилмаган товар (иш, хизмат) миқдори,

сифати, ассортимент ва баҳосини, шартнома-нинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоблар тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизи́тларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак. Шартномада ҳисоб-китоб тартиби белгиланаётганда товар (иш, хизмат) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Контракция шартномаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилиши, шартномада бошқа талаблар билан бир қаторда, етказиб берилётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозимлиги белгиланган. Амалда хўжалик юритувчи субъектлар аро кенг учрайдиган низолар — контракция ва ер ижараси шартномаси билан боғлиқ низолардир. Шу боис ҳам қайд этилган соҳавий буйруқда даъво талаби тўлиқ рад этилган контракция ва ер ижараси шартномалари билан боғлиқ низолар бўйича суд қарорларининг қонунийлиги апелляция муддатида ўрганилиши, протест келтиришга асос бўлмаган тақдирда ҳулоса тузилиб, протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Амалга оширилган кўпдан-кўп профилактик чора-тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот тадбирларидан сўнг ҳам шартномалар шаклига доир талабларда муаммолар сезилмоқда. Одатда, хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади. Тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Шунингдек, шартномалар электрон алоқа воситалари ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин.

Шартноманинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши ҳам муҳим масаладир. Масалан, Фуқаролик кодексининг 480-моддасига кўра кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб

бўлади.

Ҳақиқий саналмайдиган битимлар вужудга келиши, тарафларнинг хатти-ҳаракатлари ва вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларига кўра қуйидаги икки турга бўлинади:

- ◆ ўз-ўзидан мутлақ ҳақиқий саналмайдиган битимлар;

- ◆ низоли битимлар.

Ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битимларга қонун талабларига мувофиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда тузилган, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган, қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар киради.

Ҳақиқий ҳисобланмаган битим юзасидан ижрони, мулк топширилишини ёки пул тўланишини талаб қилиш мумкин эмас. Ҳақиқий бўлмаган битим, бу тўғрида даъвонинг қилиниш-қилинмаслигидан қатъи назар, тузилган пайтдан оқ ўз-ўзидан мутлақо ҳақиқий эмас деб танилади.

Битим атайин давлат ва жамият манфаатларига хилоф мақсадларда тузилганлиги сабабли ҳақиқий саналмагани ҳолда қуйидагича ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради:

- битим тузувчиларнинг ҳар қайсисида ҳам ғараз ният бўлса, ҳар икки тараф томонидан бажарилган битим юзасидан олинган ҳамма нарсалар ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади;

- битим фақат бир тараф томонидан бажарилганида, иккинчи тарафдан унинг олган ҳамма нарсаси ва унинг эвазига биринчи тарафга тўлаши лозим бўлган нарсалар ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади;

- битимлар тузишда бир тарафдангина ғараз бўлган тақдирда, унинг битим бўйича олган ҳамма нарсаси иккинчи тарафга қайтариб берилиши лозим, иккинчи тараф олган ёки битимнинг ижроси эвазига олиши лозим бўлган нарсалар ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади.

Низоли битимларга ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган, янглишиш таъсирида тузилган, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган, муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган, юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқиб тузилган битимлар киради.

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилмасдан тузилган битим тузилиши пайтида ҳақиқий саналса ҳам, кейинчалик бундай битимлар тўғрисида низо кўзғатилиши мумкин. Бундай битимлар тузилганидан сўнг тарафларга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъво кўзғатилгани ҳолда у ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик

суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорларида берилган тушунтиришларни ҳам эслаб ўтиш ўринлидир.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, охириги пайтларда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимлар ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш масалалари ҳам учрамоқда. Бу ўринда қонун чиқарувчи нафақат фуқаролик-ҳуқуқий таъқиб (қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир), балки маъмурий, жиноий-ҳуқуқий таъқибни ҳам назарда тутди. 2016 йилнинг 26 апрелида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Жиноят кодексининг 175-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш) янги тахрирда қабул қилинди. Айтилиши вақтда ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий преюдицияга ҳам эга бўлди (171¹-модда)³. Бу нимадан далолат беради? Янги қонун ҳужжатларини яратиш, амалдагиларига муайян ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш реал ижтимоий воқелиқдан келиб чиқишини эътиборга олсак, бу ҳол мамлакатимизда ушбу тоифа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Яна бир мулоҳаза — неустойка ва зарарни баҳолаш ва қоплаш билан боғлиқ.

Шартномани бекор қилиш вақтида зарарни ҳисоблаш билан боғлиқ масалада, масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасида агар сотувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотиб олувчи шартномада назарда тутилган товар ўрнига бошқа шахсдан бирмунча юқори, аммо оқилона баҳода товар сотиб олса, сотиб олувчи сотувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкинлигига эътибор бериш лозим.

Агар сотиб олувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотувчи товарни бошқа шахсга шартномада назарда тутилган бирмунча пастроқ, бироқ оқилона баҳода сотган бўлса, сотувчи сотиб олувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мум-

кин.

Бу ерда шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, ушбу талабларни қондириш ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тарафни бошқа тарафга етказган ўзга зарарни Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосан қоплашдан озод қилмайди. Қонун талабига кўра, неустойка тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. *Етказилган зарарга* шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмайдиган даромадлар киради. Бу ўринда қонун чиқарувчининг шартнома юзасидан инсофли тарафнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтирганлигини илғаш мумкин. Бу шартнома ҳуқуқи назарияси илгари сурган умумий ғоя ва мақсадларга тўла мосдир.

Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Энг муҳими, хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Хўжалик шартномасини бажаришда учта тушунча: шартномани бажариш, шартномани қисман бажариш ва шартномани лозим даражада бажариш мавжуд.

Умумий қоидага кўра, шартнома шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Шартномани бажариш — масалан, ҳақ эвазига транспорт хизмати кўрсатиш шартномасига кўра ташиш хизмати Volvo ёки MAN русумли транспорт воситасидан бирида амалга оширилди. Бунда тарафлар учун фавқулодда муҳими, ташиш, яъни юкни бир манзилдан иккинчи бир манзилга нест-нобуд қилмай олиб бориб бериш эди — шартнома бажарилди; *шартномани қисман бажариш* — “Зангиота” фермер хўжалиги билан “Ўрикзор” МЧЖ ўртасида тузилган шартномага кўра 1,0 т. помидор маҳсулоти (январь ойида, кунлар бўйлаб график асосида) етказиб берилиши керак эди. 31 январь ҳолатига 920 кг маҳсулот етказилди — шартнома қисман бажарилди; *шартномани лозим даражада бажариш* — шартнома шартларини бандма-банд бажариш, масалан, етказиб берилаётган автомобилларнинг шинаси айнан Pirelli маркаси бўлиши кераклиги, маиший хизмат кўрсатишда ном қозонган ҳофизининг айнан ўзи хизмат қилиши каби.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаси тарафларнинг келишуви-га мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Қоида тариқасида, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки хўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Соҳа қонунига хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ масалада Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги қонуни билан ўзгартиш киритилди. Шартнома ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётган-

даги ёзма хулосани олиш билан боғлиқ шартноманинг қийматига боғлиқ талаб чиқарилди. Эндикда хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши, шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмаслиги, тарафлар хўжалик шартномаларини тузиш учун хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасини олишга ҳақли экани белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабига кўра хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.



¹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 19-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 17-сон, 173-модда.

Ваҳобжон КАРИМОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси,
адлия катта маслаҳатчиси, ю.ф.н., доцент

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЖАРАЁНИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

- ◆ Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш тушунчаси ва таснифи таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируется понятие и квалификации нарушений законности в оперативно-розыскной деятельности.
- ◆ The article analyzes the concept of qualification and violations of the law in the operational-search activity.

Таянч сўзлар: қонунийликни бузиш, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор ходим, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахс.

Ключевые слова: нарушение законности, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативный работник, лицо, содействующий органам осуществляющим оперативно-розыскную деятельность.

Key words: violation of the rule of law, operational-investigative activity, operational-search measures, operative worker, person, promotional agencies engaged in the operational-search activity.

Ҳуқуқ назарияси қоидалари асосида тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш учун қонунийликни бузиш тушунчасини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, *биринчидан*, ижобий ёки салбий баҳоланган қилмишни қонун талабларидан келиб чиқиб фарқлаш имконини берса, *иккинчидан*, бу хилдаги ҳуқуқбузарликлар, тезкор бўлинмалар фаолиятида қонунийликни баҳолаш мезони вазифасини бажаради. *Учинчидан*, уларнинг содир этилиш механизмини таҳлил қилиш ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга имкон беради. Ниҳоят, *тўртинчидан*, ушбу тушунча, агар у илмий ва амалий асосланган бўлса, ҳисобга олиш, қайд этиш ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонунийликни бузишнинг моҳияти ва параметрлари жиноят қонунчилигидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги уни таърифлаш масаласини енгиллаштириб, қонунийликни бузиш тушунчаси нимадан иборат эканлиги ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос шароитларида унинг тўб мазмунини тўғри ифодалашга ёрдам беради.

Тезкор-қидирув фаолиятида у ёки бу қилмишнинг қонунбузарликка дахлдорлигини белгиловчи аломатларини аниқлаш борасида қонунийликни бузиш тушунчаси тўғрисида аниқ тушунча бўлмаганлиги сабабли, қонунбузарлик деб ҳисобланадиган ҳаракатлар билан бир қаторда амалиётда ва назарияда булар қаторига ихтиёрий равишда ҳар хил ҳуқуқбузарликларни киритишди. Жумладан, россиялик олимлар А.И.Алексеев ва Н.С.Веселков қонунийликни бузишнинг мустақил турлари сифатида, хусусан, куйидагиларни санаб ўтишди: “*ходимлар билан хизматга алоқасиз муносабатлар; тегишли асослар бўлган тақдирда ҳам жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича чоралар кўрмаслик; жиноятларнинг олдини олиш ва очиш ишларида йўл қўйилган бошқа бузилишлар*”¹. С.П.Матвеев эса бу соҳада содир этиладиган қонунбузарликлар сифатида: “*кўмаклашувчи шахсларга қонунга зид бўлган топшириқлар бериш; тезкор ҳисобот ҳужжатларини қалбакилаштириш; тезкор-қидирув ишларини юритиш муддатларига риоя қилмаслик*” каби ҳолатларни келтиради². Шубҳасиз,

ушбу ҳаракатларни қонунбузарлик каби таснифлаш “қонунийликни бузиш” тушунчаси ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш доирасини кенгайтиради.

Тезкор-қидирув фаолияти жараёнида тезкор бўлинма раҳбарлари ва ходимларини қонунийликни бузишга қандай сабаблар ундаши тўғрисидаги фикрлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот жараёнида сўров ўтказганлар ушбу масала бўйича қуйидагича фикр билдирдилар (сўров фоизларда баҳоланди): а) хизмат манфаатларини нотўғри тушуниш (2 фоиз); б) сохта обрў ортириш, гараз ёки бошқа интилишлар (4 фоиз); в) ўзини тута билмаслик (7 фоиз); г) юзага келган вазиятни нотўғри баҳолаш (7 фоиз); д) мураккаб вазиятларда ҳаракат қила билмаслик (19 фоиз); е) раҳбарлар томонидан таъсир ўтказилиши (9 фоиз); ж) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик (27 фоиз); з) ишдаги қоникарсиз кўрсаткичлар учун жазоланишдан кўрқиш (2 фоиз); и) қарорлар қабул қилишда зарур принципаллик, қатъиятлик йўқлиги (3 фоиз); к) фаолиятни баҳолаш мезонларининг номукамаллиги (10 фоиз); л) ҳаракатларининг зарарли оқибатларга олиб келишини кўра билмаслик ёки уларнинг пайдо бўлмаслигига енгилтаклик билан умидвор бўлиш (2 фоиз); м) шахсий ишни баҳоланишнинг номукамаллиги (1 фоиз) ва н) бошқалар (2 фоиз).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тезкор бўлинма раҳбарлари ва ходимларини қонунийликни бузишга ундайдиган асосий сабаблар ичида олдинги ўринларни: мураккаб вазиятларда ҳаракат қила билмаслик; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик; фаолиятни баҳолаш мезонларининг номукамаллиги эгаллади ва улар барча сабабларнинг ярмидан зиёдини ташкил этди (56 фоиз).

Тадқиқот доирасида сўров ўтказилганлар “статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, тезкор ходимлар бошқа хизмат ходимларига нисбатан қонунийликни кўпроқ бузишади. Ушбу ҳолатни, сизнинг фикрингизча, қандай тушунтириш мумкин?” деган саволга 39 фоизи “анъанавий назорат шакллари (жамоатчилик, прокурор) нинг чекланганлиги” деб, 26 фоизи эса “айрим тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан жиноят процессида фойдаланишдаги қийинчиликлар” деб жавоб беришди. Дарҳақиқат, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш ҳолатларининг тўлиқ ҳисобини юритишда бу соҳадаги мавжуд айрим объектив нуқсонлар сабабли қийинчиликларга дуч келинади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу нуқсонлар қуйидагилардан иборатдир (сўров 1 дан 5 баллгача баҳоланди): а) раҳбарларнинг тезкор бўлинмадаги қонунийлик бўйича ҳақиқий ҳолатни яшириши (5 балл); б) қонунийликнинг бузилишини аниқлаш бўйича ўз вақтида чора кўрмаслик (3 балл); в) қонунийлик ҳолати

юзасидан статистик ҳисоботнинг мукамал эмаслиги (4 балл); г) қонунийлик ҳолатини баҳолаш мезонлари ва “қонунийликни бузиш” тушунчасининг ноаниқлиги (3 балл); д) қонунийликни бузиш ҳолатларини аниқлашдаги объектив қийинчиликлар ва тўсиқлар (3 балл); е) қонунийликни бузиш фактларини текшириш натижалари бўйича ҳулоса ва таъсир чораларининг ноҳолислиги (3 балл) ва бошқалар.

Мазкур муаммони тадқиқ этиш юзасидан ўтказилган таҳлилларга суянган ҳолда, таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни бузганлик учун махсус юридик жавобгарлик назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасига биноан ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шу муносабат билан тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш таркибини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлардаги муайян жиноят таркиби (унинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони) тўғрисида гувоҳлик берувчи қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, айбдорлиги ва жазога сазоворлиги каби белгиларига мос равишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жавобгарлик тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ҳаракатларида қонунчиликда, шу жумладан жиноят қонунчилигининг муайян нормаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд ҳолда юзага келади. Шундан келиб чиқиб муайян қонунийликни бузиш тури ҳамда айбдор шахснинг жавобгарлиги белгиланиши лозим. Масалан, *тезкор-қидирув тадбирларини қонунга хилоф равишда ўтказиш* — Жиноят кодексининг 141¹-моддаси (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш)³, 142-моддаси (Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 143-моддаси (Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақлашни тартибини бузиш); *махфийлик тартибини бузиш* — 162-моддаси (Давлат сирларини ошкор қилиш), 163-моддаси (Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш); *тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштиришга ажратилган маблағларни талон-торож қилиш* — 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш); *тезкор-хизмат ҳужжатларини сохталаштириш ёки жиноятни яшириш* — 209-модда (Мансаб сохтакорлиги), 237-моддаси (Ёлғон хабар бериш), 241-моддаси (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш), 241¹-моддаси (Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш)га мувофиқ жавобгарликка тортилиши лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида юзага келадиган, қонун ва ҳуқуққа риоя этишга йўнал-

тирилган ижтимоий муносабатлар тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг умумий объекти бўлиб ҳисобланади. Қонунийликни бузишнинг субъекти сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган ходим қатнашиши мумкин. Яъни тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг субъекти — махсус субъектлар тоифасига киради. Хусусан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар махсус ваколатга эга бўлмаган ҳолда қонунийликни бузишнинг оддий иштирокчилари ҳисобланади. Улар қасддан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун умумий тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолиятининг субъектлари фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқлари ва манфаатларига таҳдид солувчи хавфни бартараф этиш учун қонун билан кўриқланган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказадилар. Ушбу ҳаракатлар расман Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган айрим жиноят турлари аломатларига мос келади. Аммо ушбу ҳаракатлар муайян ҳолатларда жиноят деб топилмайди, чунки уларда асосий аломатни ташкил этувчи ижтимоий хавф мавжуд эмас. Бу ҳаракатлар муайян вазиятда қонуний, ижтимоий фойдали, мақсадга мувофиқ ва мажбурий деб топилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига “Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг уюшган жиноий гуруҳни, жиноий уюшмани фош қилиш мақсадида улар орасига киритилган ходими (ёки уларга кўмаклашаётган шахс), қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар бўлганида қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилади” деган таҳрирдаги норма киритилган⁴. Уларга Жиноят ко-

дексининг III бўлимида қайд этилган 36-41-моддалардаги ҳаракатлар киради.

Баён этилганларга кўра, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг умумий тушунчасини кўйидаги таҳрирда таклиф этиш мумкин: *“Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш деб — қонун ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш нормаларини бузиш натижасида содир этилиши (хизмат вазифаларини бажариш ёки бажармасликдан қатъи назар) оқибатида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ҳар қандай айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади”*.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмаларининг барча даражадаги раҳбарлари ўз қўл остидаги ходимларнинг ҳуқуқий онги ва қонунийликка риоя этиш борасидаги кўникмаларини ривожлантириш юзасидан кўйидаги: а) тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонунчилик ҳужжатлари талабларини ходимларга сингдириш; б) ҳар бир тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш юзасидан ходимлар ва бошқа қатнашчиларга пухта йўл-йўриқ бериш; в) кўмаклашувчи шахсларга раҳбарлик қилиш, уларни ўргатиш ва тарбиялаш тадбирларини мунтазам такомиллаштириб бориш; г) тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат олиб бориш; д) тезкор бўлинмалар фаолияти устидан идоровий ва прокурор назоратининг барча имкониятларидан фойдаланиш; е) тезкор-қидирув фаолияти бўйича ҳисоботлар ҳаққонийлигини таъминлаш каби ташкилий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб боришлари лозим.



¹ Қаранг: Алексеев А.И., Веселков Н.С. Вопросы обеспечения законности в деятельности аппаратов уголовного розыска. — М., 1996, — С. 3-19.

² Қаранг: Матвеев С.П. Оперативно-розыскная работа в современных условиях // Совершенствование ОРД аппаратов уголовного розыска. — М.: 2001. — С. 11-15.

³ Кодекснинг 23.09.2016 йилги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 39-сон, 457-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (22, 23-моддалар) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 585-модда.

Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси

СУДДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада фуқаролик ҳамда хўжалик судлари томонидан ишлар кўрилишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда прокурор иштирокини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил этилган.
- ◆ В статье проанализированы вопросы повышения эффективности участия прокурора при рассмотрении дел в гражданских и хозяйственных судах.
- ◆ The article analyzes the issues of improving the efficiency of the prosecutor's participation in proceedings in civil and commercial courts.

Таянч сўзлар: фуқаро, прокурор, фуқаролик суди, хўжалик суди, тадбиркорлик, кодекс, даъво аризаси.

Ключевые слова: гражданин, прокурор, гражданский суд, хозяйственный суд, предпринимательства, кодекс, исковое заявление.

Key words: citizen, prosecutor, civil court, court of economical, business undertakings, code, declaration.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Зеро, қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.¹

Асосий Қонуниimiz бўлмиш Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши (13-модда) мустаҳкамлаб қўйилган. Конституцияда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлидаги ислохотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олаётир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципи суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли омилга айланди.²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Маълумки, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги (2001 йил 29 август) “Адолат — қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланишини, у ҳуқуқий ислохотларни ўтказиш, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.³

Айнан ўша куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш,

фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдек асосий вазифалари мустаҳкамлаб қўйилди.⁴

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилади ва прокурор иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига биноан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу — судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтиришдан иборатдир.

Қайд этиб ўтиш керакки, прокуратура органлари зиммасига юклатилган мазкур вазифалар улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиши судларда фуқаролик ҳамда хўжалик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш орқали ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Судларда фуқаролик ҳамда хўжалик ишларини кўришда прокурор иштирокини таъминлаш борасидаги талаблар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги 124 ҳамда 125-сонли буйруқларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу буйруқларда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг судларда фуқаролик ҳамда хўжалик ишлари кўрилишидаги асосий вазифалари — қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари

ни самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган.

Жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатлар ривожлангани сари фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган муурожаатлар сони ортиб, суд тартибида ҳал этилишига муҳтож ҳар хил янги, бирмунча мураккаб ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишлари кўпайиб бораётганлиги, натижада фуқаролик ишлари бўйича судьялар иш ҳажми кенгайиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўғри ва ўз вақтида, самарали ҳимоя қилиш заруратининг юзага келадиганлиги фуқаролик процессида прокурор иштирокининг долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари кейинги пайтларда 3,4 баробар кўпайган.⁵

Маълумки, давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 2015 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасида ишлаб чиқиладиган “қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш” лозимлигини таъкидлади.⁶ Дарҳақиқат, миллий қонунчилик ҳужжатларимизни мукамаллаштириб, самардорлигини янада оширишда хорижий тажрибани ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, хорижий давлатларнинг фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида прокурор иштирокига тааллуқли қонунчилик тажрибаси ва бу борадаги илмий тадқиқотларни чуқур ўрганиш қонунчилигимизни бойитиш учун янгидан-янги материалларга эга бўлиш, миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимиз олдида турган айрим муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Шу билан бирга, турли давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигининг ижобий қирралари ва жиҳатларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ўхшашроқ ҳуқуқий институтларни унификация қилиш халқаро ҳуқуқий интеграциянинг жадаллашувига ҳам ҳисса бўлиб қўшилади. Бундан ташқари, қиёсий таҳлиллар хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини ўрганиш асосида фуқаролик процессуал қонунчилигининг муайян бир йўналиши ёки соҳасида қўлланиладиган самарали усуллар билан ҳам яқиндан танишиш имконини беради.

Бироқ бошқа бир илғор давлатнинг қонун ижодкорлиги борасидаги тажрибасини миллий қонунчилигимизга жорий қилиш жараёнида, табиийки, ўша мамлакатнинг бошқарув шакли, ўрганиладиган соҳанинг ҳолати ва вақти, қабул қилин-

ган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сабаблари албатта эътиборга олинishi керак. Шундай экан, ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия каби давлатларнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб ўрганиш, мамлакатимиз қонун ҳужжатларининг прокурор иштирокига доир нормаларини теран тарзда назардан ўтказиш қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда, прокурорнинг фуқаролик процессида тутган процессуал ҳолатини янада аниқлаштиришда, келажакда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокига доир замонавий йўналишларни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган прокурорларнинг фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш жараёнидаги иштироки алоҳида эътибор талаб этади. Айниқса, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида фуқаролик ишлари бўйича адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган бир вақтда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб прокуратура идораларига мурожаат қилишлари турган гап.

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг зарурати билан боғлиқ масалани ҳал этиш кўпроқ фуқаролик процессида прокурорнинг суд ва ишда иштирок этувчи шахслар билан ўзаро муносабатининг хусусиятига, шунингдек прокуратура идораларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари мазмунига боғлиқ бўлади.

Судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилар эканмиз, ушбу асослар моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий асосларга ажралиши аён бўлади. Масалан, прокурор иштирокининг процессуал-ҳуқуқий асосларига мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 5-моддасида суд фуқаролик ишини прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлигини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур Кодекснинг 46-моддасида прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиш, шу-

нингдек бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда прокурор процесснинг бошидан бошлаб иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган. Қолаверса, мазкур Кодекснинг 272-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўришда, 277-моддасига кўра, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризасининг кўриб чиқишида прокурор иштироки белгиланган. Ушбу Кодекснинг 285⁵-моддасига кўра, суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқиши назарда тутилади. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар (288-модда), фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар (294-модда), шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризалар (297²-модда), шунингдек сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар (297⁶-модда) прокурор иштирокида кўрилиши ҳам мазкур Кодексда мустаҳкамлаб қўйилган.⁷

Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг моддий-ҳуқуқий асослари мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши назарда тутилган.⁸ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мазкур Кодекснинг 268-моддасига кўра, прокурор ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори ҳамда иш берувчи билан бир қаторда меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.⁹ Оила кодексининг 51-54-моддаларига кўра, прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат қилишга ҳақли. Муомалага лаёқатсиз деб топил-

ган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли, суд бу ишни прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурорнинг даъвосига биноан ҳам кўрилади. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги бошқа шахсларнинг даъвосига асосан қўзғатилган ишлар ҳам прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади (Оила кодексининг 80-моддаси).¹⁰

Кўриб турганимиздек, прокурорнинг иштироки шарт деб топилган фуқаролик ишлари ушбу тоифадаги ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва келажак авлоднинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан чамбарчас боғланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида ҳам қуйидаги фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийлиги белгилаб қўйилган:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатилган ишларда;
- сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларда;
- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларда;
- фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;
- фарзандликка олиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларда;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишларда;
- шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда;
- сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишларда;
- фуқароларни ишга тиклаш тўғрисидаги ишларда;
- мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги ишларда;
- фуқароларни бошқа турар жой бермасдан яшаш жойидан кўчириш тўғрисидаги ишларда;

— кишлоқ хўжалигига мўлжалланган, сув фонди ва захира ерларини ноқонуний равишда эгаллаб олиш билан боғлиқ ишларда.

Шунингдек, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳамда Олий суднинг барча инстанцияларида кўрилатган ишларда прокурор иштироки қатъий таъминланиши ушбу буйруқда ўз ифодасини топган.

Ўз навбатида, прокуратура идораларининг хўжалик судлов соҳасидаги вазифалари ҳам бугунги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилатган ислохотлар замирида янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддаси талабларига кўра хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

Ушбу вазифаларни бажаришда прокуратура органларининг хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш йўналишидаги мажбуриятларини тўла-тўқис ўрганиб олишлари ва ўз олдларига қўйилган вазифаларни сифатли ва тўла амалга оширишлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги 125-сонли “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруқнинг 1-бандига асосан прокуратура органларининг хўжалик судларида ишлар кўрилишидаги асосий вазифалари:

— қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан;

— қонун устуворлигини таъминлаш;

— иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

— ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 6-моддасига мувофиқ хўжалик суди манфаатдор шахсларнинг, прокурорнинг, қонун бўйича давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.

ХПКнинг 43-моддасига биноан прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судига эса — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишларида прокурорнинг иштирок этиши борасида нормалар мамлакатимиз қонун ҳужжатларида назарда тутилган ушбу тоифадаги ишларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва келажак авлоднинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан белгиланади. Шунингдек, прокурор қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлсада, бошқа тоифадаги фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида иштирок этиши мазкур ишларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва жойлардаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиши лозим бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг юқорида зикр этилган буйруғида ҳам прокурор бошқа тоифадаги ишларнинг кўрилишида уларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ҳамда ҳудуддаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиб иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. 31-сон, 355-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, “Ўзбекистон”. 2014. 6-бет.

³ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Т.: Ўзбекистон. 2002. 45-б.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 41-б.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4570-сонли Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013. 21 октябрь, 42-сон, 556-модда.

⁶ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2015. 24 январь.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Адолат. 2014 й.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 41-б.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. “Адолат”, 2014.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. “Адолат”, 2014.

Саломат НИЁЗОВА,
Тошкент давлат юридик университетининг
Хуқуқий тадқиқотлар маркази катта илмий
ходим-изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ШАХСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ГЕНЕЗИСИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ЖИНОЙИ ХУЛҚ-АТВОР МОТИВАЦИЯСИ

◆ Ушбу мақолада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар генезисидида жабрланувчининг жиноий хулқ-атвор мотивациясига доир масалалар берилиб, бу борада олимларнинг фикр ва мулоҳазалари баён этилган.

◆ В данной статье рассматриваются вопросы мотивации преступного поведения потерпевшего в генезисе преступлений, совершенных с применением насилия, а также излагаются мнения ученых в данной сфере.

◆ In given article questions of motivation of criminal behaviour of the victim in genesis of the crimes made with application of violence are considered, and also opinions of scientists in the given sphere are stated

Таянч сўзлар: шахсга қарши, зўрлик ишлатиб, жиноят, жабрланувчи, виктимлик, хулқ-атвор, мотивация, рашк, ғараз, субъект.

Ключевые слова: против личности, с применением насилия, потерпевший, поведение, мотивация, ревность, корысть, субъект.

Key words: Against the person, with violence application, the victim, behaviour, motivation, jealousy, self-interest, the subject

Бизга маълумки, зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятлар генезисини таҳлил қилиб чиқар эканмиз, айбдор шахсининг криминаллашув жараёнида жабрланувчининг шахси муҳим ўрин эгаллайди. Қасддан содир этиладиган жиноятлар механизми уч асосий бўғин — мотивация, режалаштириш ва бажаришни ўз ичига олади.

Бунда жабрланувчи муқаррар мезон сифатида айбдорнинг руҳий ҳолати ва хулқ-атворини мазкур механизмга амал қилиши, шунингдек, жиноий хулқ-атвор мотивациясидан бошлаб белгилашга қодир эканлигида кўришимиз мумкин.

Жиноий хулқ-атвор мотивациясини криминалогик ўрганиш шахснинг зўрлик ишлатиш нияти туғилишига сабаб бўлувчи ташқи, ички омилларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан бошланади. Бундай мойилликнинг пайдо бўлиши фақат айбдор шахсининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг тизимини ташкил этади. Масалан, раҳмсизлик, манманлик, кек сақлаш, рашк, ғаразгўйлик, ғайритабиий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган

жинсий мойиллар ва бошқалар. Бундай турғун мотивларнинг мавжудлиги ва уларни зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда амалга ошириш, жабрланувчидан ҳам кўра кўпроқ айбдорнинг шахси билан боғлиқ бўлади. Бу жиҳатдан "сериал" жиноятлар, яъни мотивлари одатда шахсий ҳислари ёки жабрланувчининг хулқ-атворида боғлиқ бўлмаган жинсий зўрлик ишлатувчи манъякларнинг жиноятлари диққатга сазовордир.

Ҳар йили Ўзбекистонда босқинчилик, талончилик, номусга тегиш, қасддан баданга тан жароҳати етказиш каби жиноятлар рўйхатга олинади. Уларнинг кўпи қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ. Сўнгги йилларда суд-тергов амалиётида "буюртмавий одам ўлдириш" жиноятлари ҳам учрамоқда. Бундай жиноят ишларига безорилик, талон-торож ва бошқалар ҳам хосдир. Лекин асосий мотивдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бизнингча, бу жиноятларни ғараз мақсадларда содир этиладиган жиноятлар гуруҳига киритиш керак.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилади-

ган жиноятларнинг мотиви алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, В.В.Лунеевнинг фикрича, "баъзи бир ўсмирлар босқинчилик ва талончиликни пул учун эмас, балки ўз гуруҳи олдида ўзининг ким эканлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида содир этадилар. Кўп ҳолларда жинорий хулқ-атвор кўп мотивли бўлиб, у ердан етакчи мотивни топиб олиши мумкин" [1].

Шу тарзда, зўрлик ва ғаразгўйлик мотивациялари ўртасидаги аниқ чегарани кўрсатиш қийинчилик туғдиришини таъкидлаш керак. Шунинг учун ҳам криминологик адабиётларда "ғаразгўйлик ва зўрлик" жиноятлари атамаси қўлланилади. Лекин мазкур мотивациялар криминологик таркиби унда жабрланувчининг ўрни ва ижтимоий усуллари билан фарқланади.

Бунда тажовузга мойиллик айнан ташқи ҳолатлар, ҳаётдаги муайян вазият таъсири билан белгиланиши ва ташқи муҳитнинг турли омиллари тажовуз уйғотувчи хусусиятга эга бўлиши мумкин. Аммо зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар генезисида улардан жабрланган шахнинг хулқ-атвори ана шундай омил сифатида намоён бўлади. Бундай жиноятларга доир кўп сонли ишларни ўрганиш жабрланувчи билан бевосита боғлиқ бўлган тажовузкор-зўравонлик мотивациясини белгиловчи бир нечта омилларни фарқлаш имконини беради. Масалан, у ёки бу мақсадга эришишга монелик қилувчи омилларнинг мавжудлиги. Бунда мазкур омил жабрланувчи айбдорнинг муайян хулқ-атворига тўсиқлар яратиши билан боғлиқ бўлиши ёки жабрланувчининг жисмоний мавжудлиги унинг шахсий хоссалари ёки хулқ-атворидан қатъи назар бундай тўсиқларни яратиши мумкин. Бунда субъект олдида икки ёки бир нечта вазиятни, объект ёки ҳодисалардан бирини танлаш имконини қўйиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, жабрланувчининг оғзаки кўринишида, яъни ҳақоратлар, қўрқитишлар, айбдорга ёки унинг яқинларига салбий муносабат ёки жисмоний куч ишлатиш кўринишида ифодаланувчи ноқонуний ҳаракатлари, ҳеч шубҳасиз, зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятларга туртки берувчи омиллар қаторига киради.

Барқарор мотивлар шахс хоссалари ва жабрланувчининг хулқ-атвори билан камроқ даражада белгиланса-да, улар зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятлар мотивациясида ва кўринишида иштирок этади[2]. Масалан, жабрланувчининг феъл-атвори ёки хатти-ҳаракатларининг муайян шароитда намоён бўлган у ёки бу хоссалари айбдорнинг шахси билан боғлиқ бўлган барқарор мотив — рашкни амалга оширишга туртки берувчи омилга айланиши мумкин. Тажовузнинг амалга ошириш имконияти субъект вазиятини қандай талқин қилишига ҳам боғлиқдир. Одатда, у субъектив идрок этувчи жабрла-

нувчининг хулқ-атвори унинг амалдаги хусусиятга доим ҳам мос келмайди.

Бизнинг виктимологик тадқиқотларимиз зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятларнинг аксарияти (тахминан 85 фоизи) замирида баъзан давомли хусусиятга эга бўлган (айниқса оила соҳасида) шахслараро низо ётиши ҳақидаги хулосани тасдиқлайди. Айнан шундай низоларда, ўзаро хафагарчиликлар, ҳақоратлашлар, қўрқитишларнинг таъсирида тажовузкор хулқ-атвор мотивларида дарғазаблик, рашк, хусумат ва бошқалар шаклланади.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятларга бағишланган виктимологик тадқиқотларда жиноят генезисининг бу элементида жабрланувчининг ролини узил-кесил (ижобий ёки салбий) баҳолаш деярли мумкин эмас. У фақат унга айбдорнинг субъектив муносабати нуқтаи назардан ёндашилган тақдирдагина муайян тарзда баҳоланиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолда жинорий хулқ-атвор мотивациясига жабрланувчининг таъсири анча кучли.

Субъект шаклланган мотив таъсирида муайян мақсадга эришишга ҳаракат қилар экан, жиноят содир этишни режалаштиради. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятларнинг аксарияти жанжал пайтида, вазият таъсирида, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилади. Шунинг учун ҳам уларни олдиндан режалаштириш мумкин эмас. Бироқ, шунга қарамай, улар баъзан анча пухта режалаштирилади. Олимлар фикрига кўра, бундай қилмишлар зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятлар таркибида 23 фоизни, амалиёт ходимлари фикрича эса — 30 фоизни ташкил этади.

Жиноятни режалаштириш — бу субъект ўз жинорий ҳаракатлари услубини аниқлаши, объектни, жиноят усуллари ва воситаларини танлашни, уни содир этиш жойи ва вақтини белгилашни назарда тутати. Субъект ўзининг мақсадига эришиш имкониятларини, қийинчиликларни ёки бу йўлда дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни, қилмишнинг оқибатларини тахмин қилар экан, ўзи режалаштираётган тажовузлардан жабрланувчининг турли-туман фазилатларини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас.

Умуман олганда, субъектнинг ўзини кўрсатиши, камситилган шахс ўзлигини ҳимоя қилиш ёки шахслар ўртасидаги низони ечишга интилиши билан боғлиқ бўлган тажовуз мотивация объект сифатида бошқа одамнинг шахсини танлашини назарда тутати. Бунда мақсадга эришиш имконияти тўсиқлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Бу эса жабрланувчининг шахсий фазилатлари ва хулқ-атворининг хусусиятларигагина эмас, балки мўлжалланган жиноятни содир этиш жойи, вақтининг хоссаларига ва вазиятнинг бошқа реал элементларига боғлиқ

бўлади.

Шундай қилиб, жиноятни режалаштиришда субъект жабрланувчининг зўрликка қаршилик кўрсатишдаги жисмоний ва руҳий имкониятларини, бундай қаршилик фаол ёки пассив эканлигини ҳисобга олади.

Жабрланувчининг эҳтиётсизлиги, енгилтаклиги, унда бировнинг ёрдамига умид қилиш имкониятининг йўқлигини, унинг виктим жойда ёки виктим вақтда бўлишини ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни жиноятчи мўлжалланган жиноятни содир этишга кўмаклашувчи шароитлар сифатида ҳисобга олиши мумкин.

Баъзан жиноятни режалаштиришда, субъект девиант муҳитга мансублиги билан ажралиб турувчи жабрланувчини ўзининг эгоистик мақсадига эришиш учун қулай объект сифатида қабул қилади. Субъектнинг ўзи жиноий хулқ-атворини оқлашга ва ҳатто уни ижтимоий фойдали деб баҳолашга интилишида намоён бўлувчи бундай руҳий хусусият "нейтраллаштириш" деган ном олган. Бу жиҳатдан бесоқолбозлар, фохишалар, гиёҳвандлар ва бошқа ғайриижтимоий шахсларга қарши зўрлик ишлатиб жиноятлар содир этиш диққатга сазовордир. Уларнинг мотивацияси жабрланувчининг бундай феъл-атвори билан бевосита боғлиқ бўлмасада, шахннинг хулқ-атворини, айбдор жиноятни режалаштиришда ижтимоий номақбул хусусиятлар сифатида, жабрланувчининг ўзини эса давлат ва жамият томонидан камроқ даражада ҳимоя қилинадиган тоифадаги шахс сифатида ҳисобга олади. Аини шу сабабли бундай жабрланувчилардан ўзи тажовузкор-зўравонлик майлларининг объекти сифатида фойдаланиш жиноятчига нисбатан хавфсиздек туюлади.

Зўрлик ишлатиш ҳаракатини бевосита бажариш — бу зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятнинг генезисдаги яқунловчи бўғин сифатида виктимологик жиҳатдан жиноятчи ва жабрланувчининг шахслар ўртасидаги ўзаро алоқасида намоён бўлади. Жиноятни режалаштириш босқичида субъект потенциал виктим қобилиятларга фақат баҳо берган ва уларга мўлжалланган қилмишни содир этишга кўмаклашувчи шароит сифатида умид қилган бўлса, жиноятни содир этиш чоғида бошланган тажовуз шароитида жабрланувчининг хулқ-атвори унинг ривожланишига, жиноятчи режаларининг бажарилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатишга қодир.

Жабрланувчининг салбий (эҳтиётсиз, ахлоққа зид ёки ғайриқонуний) хулқ-атвори жиноятга туртки бериб ёки уни содир этиш учун шароит яратиш, унинг содир этилишини енгиллаштириши мумкин. Потенциал жабрланувчининг оптимал хулқ-атвори эса, аксинча, жиноий тажовузга йўл қўймаслиги ёки унинг жиддий оқибатларини четлаб ўтиш имконини беради.

Жиноятчилик устидан назорат профилактика чораларини ишлаб чиқишда зўрлик ишлатиб содир этиладиган тажовузкор жиноятларнинг виктимологик хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Бунинг учун аввало, жиноятга туртки берувчи ёки уни содир этишга кўмаклашувчи хоссаларга эга бўлган шахслар доираси, ижтимоий роллар ва вазиятларни аниқлаш талаб этилади.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган оғир тажовузкор жиноятлардан жабрланганларни ташқи муҳит, жиноий қилмишнинг ситуацион элементи, жиноятнинг объектив томонини тавсифловчи белги сифатида ҳам ўрганиш жараёнида унинг жиноят генезисдаги аҳамиятига тўғри баҳо бериш лозим. Шунинг унутмаслик керакки, жабрланувчининг одатдаги ижтимоий-руҳий хусусиятлари жиноятчининг шахсий хоссалари билан уйғунликда субъектда тажовузкорликка мойилликни уйғотиши мумкин.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган оғир тажовузкор жиноятларнинг сабабларини бартараф этиш жамиятда тажовуз даражасини пасайтириш учун шарт-шароитлар яратишга қодир бўлган, пухта ўйланган, илмий асосланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва махсус криминологик чораларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунда кўрсатилган жиноятларга туртки берувчи омиллар сонини камайтириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Одамларнинг зиддиятлар, тўқнашувларга тўла ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг муайян ҳолатлари таъсирида вужудга келган тажовуз ва зўрлик ишлатишга мойиллигини бартараф этиш ҳамда ҳокимият органларининг ҳамжиҳатлик жамиятини яратишга интилиши билан чек қўйиш мумкин. Бу гоё қай даражада оламшумул бўлиб кўринмасин, айнан уни англаб етиш, бизнинг назаримизда, кўпгина ижтимоий муаммоларнинг самарали ечими ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш — инсонда инсонийликни кўпайтирувчи ҳамфикрлик жамияти ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишининг узлуксиз жараёни ҳисобланади.

В.И.Полубинский ва А.Л.Ситковскийлар одам ўлдириш жинояти ҳақида сўз юритиб, "Жиноят бу икки параллел ҳаракат қилувчи шахсларнинг хулқ-атвори, улар барибир учрашади ва улардан қайси бири жиноятчи ёки жабрланувчи эканлиги кишининг шахси, шарт-шароити, вазиятни кўрсатади" [3], деб таъкидлайди. Ушбу "бирлик" ҳақида гапириб И.В.Лиманская унинг криминологик ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ажратади. Бу ўз навбатида, жабрланувчи шахсан ўзи хулқ-атвори билан сабабчи бўлган жиноятларни киритади. Бу каби хулқ-атвор жиноят содир этишга қай даражада таъсир қилишини ва жиноий жавобгарлик муаммоларини ҳал этади [4].

Жиноят ҳуқуқида жабрланувчи томонидан ғай-

риижтимоий, ахлоқан бузуқ хатти-ҳаракатларни содир этиш натижасида жиноятчида вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш таъсирида содир этилган жиноятлардаги виктимизация жараёнидаги муаммолар ўрганилади [5]. Бу ҳолатларда жабрланувчининг виктим хулқ-атвори жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи фанида жабрланувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва айбланувчининг унга бўлган муносабати ўрганилади. Аммо жиноий жавобгарлик муаммосига кам эътибор бериледи.

Криминологияда ушбу муаммо тўлиқроқ ўрганилади ва жиноят ҳуқуқи чегарасидан чиқиб, ижтимоий соҳа билан боғланади. Бизга маълумки, жиноят жабрланувчиси XIX асрнинг ўрталаридан ўрганила бошланган. Ўтган вақт давомида илмий жиҳатдан кўп нарсаларга эришилди. Лекин амалиёт анча оққада қолганини кузатамиз. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жабрланувчига нисбатан ишончсизлик, салбий муносабатда бўлиб, жиноятчини айбланувчи сифатида айбласалар, жабрланувчини ҳам худди шундай айблайдилар. Жабрланувчига нисбатан бундай муносабатда бўлиш уни такроран жиноят жабрланувчисига (иккинчи виктимизациянинг келиб чиқишига олиб келади) айлантириши мумкин.

Дарҳақиқат, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, мазкур қилмишни содир этиш муайян бир ҳуқуқий манфаатлар эгаси бўлган индивид — шахсга қаратилади. Мазкур тоифадаги ҳуқуқий манфаатлар диний ижод неъматлари ва мол-мулкдан ўзаро фарқланади [6].

Жиноят қонунчилиги ўзига хос белгиси билан фарқладиган қатор жиноятлар таркибини ўз ичига олади. Аммо, биз уни янада кенгроқ илмий тадқиқ қилиш учун бир гуруҳга бирлаштирамиз.

Бундай уйғунлашувнинг жиҳатлари ва қилмишларнинг содир этилиши усулларида мезон сифатида фойдаланган А.Л.Репецкая қуйидаги қатор умумий белгиларни ажратиб кўрсатади: 1) жиноий қилмишнинг мавжудлигини; 2) тажовуз объектининг турдошлиги, яъни шахснинг жисмоний манфаатларини қўриқловчи ижтимоий муносабатларга киришишни; 3) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш каби бир турдаги жиноятларнинг содир этиш усулини; 4) зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдаги жиноятларда қасднинг мавжудлигини [7].

Хуллас, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг жабрланувчиси фақат жиноят натижасида маълум бир тарзда зарар етказилган жисмоний шахс ҳисобланади. Шунинг учун тутиш лозимки, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарар ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди.

Бизнингча, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчи шахсини шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар замирида ўрганиш қуйидаги саволларни тадқиқ қилиш заруратини юзага келтиради:

1) жабрланувчи шахснинг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, машғулоти тури, оилавий аҳволи ва ҳоказоларни тавсифловчи ижтимоий демографик белгилари;

2) унинг оилада, мактабда, ишда ва ҳоказоларда шаклланиш жараёнини аниқлаш имконини берувчи шахснинг ҳаёти ва тарбияси натижалари;

3) жабрланувчининг қарашлари ва одатлари, хулқ-атворининг мотивлари, жамият ва меҳнатга муносабатлари;

4) ён-атрофидагилар, хусусан, ижтимоий гуруҳлар, қарашлар, қадриятлар, кўрсатмаларнинг жабрланувчининг қарашлари билан туташганлигини.



[1] Лунеев В.В. Преступная мотивация. – М.: Наука, 1991. – С. 230.

[2] Котова Н.К. Виктимологические проблемы криминальной агрессии. – Астана, 2001. – С.

[3] Полубинский В.И., Ситковский А.Л. Теоретические и практические основы криминальной виктимологии: Монография. – М.: ВНИИ МВД России, 2006. – С. 18.

[4] Лиманская И.В. Виктимологическая профилактика насильственных преступлений против личности. Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 25.

[5] Комментарий к уголовному кодексу Российской Федерации: Особенная часть. – М., 1996. – С. 18.

[6] Жижиленко А.А. Преступления против личности. – М., 1928. – С. 3.

[7] Репецкая А.Л. Виновное поведение потерпевшего и принцип справедливости в уголовной политике. – Иркутск: Иркут. Университета, 1994. – С. 12.

Нодирбек САЛАЕВ,
и.о. доцента кафедры «Уголовное право и криминология»
Ташкентского государственного юридического университета

ПЕНИТЕНЦИАРНАЯ СИСТЕМА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: РЕФОРМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

✦ Мақола Ўзбекистон Республикаси пенитенциар тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган. Мақолада пенитенциар тизимнинг назарий, амалий ҳамда концептуал жиҳатлари, шунингдек, унинг самарадорлигини ошириш масаласи таҳлил этилган. Илмий-амалий таҳлил асосида пенитенциар сиёсатни такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар ишлаб чиқилган.

✦ Статья посвящена актуальным вопросам реформирования пенитенциарной политики в Республике Узбекистан. В статье были проанализированы теоретические, практические и концептуальные аспекты, а также вопросы повышения эффективности пенитенциарной системы. На основе научно-практического анализа были разработаны приоритетные направления по дальнейшему совершенствованию пенитенциарной политики.

✦ The article is devoted to topical issues of reforming the penal policy in the Republic of Uzbekistan. In this article was analyzed the theoretical, practical and conceptual aspects as well as issues of increasing the efficiency of the penal system. On the basis of scientific and practical analysis have been developed priority areas for further improvement of the penitentiary policies.

Таянч сўзлар: жиноят, жазо, жазонинг мақсади, пенитенциар тизими, жазони ижро этиш.

Ключевые слова: преступление, наказание, цели наказания, пенитенциарная система, исполнение наказания.

Key words: crime, punishment, purpose of punishment, the prison system, the execution of the sentence.

Пенитенциарная система современного Узбекистана можно условно подразделить на 3 этапа:

1-этап — с 1991-го года по 2001-ый год: в этот период были созданы правовые основы исполнения уголовных наказаний. В частности, в 1992 году был принят Закон Республики Узбекистан "Об установлении административного надзора органов внутренних дел за лицами, освобожденными из учреждений по исполнению наказания". В 1997 году был принят Уголовно-исполнительный кодекс Республики Узбекистан. Данный кодекс считается первым кодифицированным нормативно-правовым актом, который отражает в себе правовые основы исполнения в Узбекистане не только уголовных наказаний, но и иных мер уголовно-правового воздействия и отвечают всем международным конвенционным нормам. В связи с комплексным охватом всей системы исполнения уголовных наказаний, он коренным образом отличается от прежнего уголовно-исполнительного законодательства.

2-этап — с 2001-го года по 2009-ый год: принятие законодательных актов, которые послужили мощным толчком и где были определены ин-

ституциональные механизмы применения наказаний, альтернативных лишению свободы, вывели данную сферу на новый уровень. Так, в 2001 году был принят Закон Республики Узбекистан "Об исполнении решений судов и иных органов".

3-этап — с 2009-го года по настоящее время: постепенно внедряются современные новации и изменения. В этот период принят ряд нормативно-правовых актов, с которыми вы можете ознакомиться в представленной презентации.

Одним из последних изменений пенитенциарного законодательства можно отметить пенализация в Уголовном кодексе нового вида уголовного наказания — ограничения свободы, на основании которого в Уголовно-исполнительный кодекс Республики Узбекистан была внедрена новая глава 81, регламентирующая порядок исполнения данного вида наказания.

В результате проведенных судебно-правовых, общественно-политических реформ в стране сформирована достаточно эффективная пенитенциарная система, отвечающая по мнениям зарубежных организаций, экспертно-аналитических кругов всем современным стандартам.

А теперь хотелось бы перейти к цифрам. В настоящее время в Узбекистане действуют 57 пенитенциарных органов и учреждений, в том числе, одна тюрьма, две колонии особого режима (в одной из них содержатся лица, осужденные к пожизненному лишению свободы), одна воспитательная колония, одна женская колония, одиннадцать СИЗО, двадцать пять колоний-поселений, шестнадцать колоний общего и строго режима.

Вкратце таково нынешнее состояние пенитенциарной системы Узбекистана. Возникает справедливый вопрос. Каковы цели проведенных и проводящихся реформ в этой сфере в нашей стране? Куда движется и куда в конечном итоге придет Узбекистан? Какие сроки необходимы обществу и стране для достижения желаемого результата?

На наш взгляд, несмотря на кажущуюся простые вопросы, ответить на них достаточно сложно. Конечно, цели всех реформ всегда благородны и преследуют достижение совершенства законодательства и соответствие правоприменительной практики, когда во главу угла ставится личность, его права и свободы. Поэтому, главное достижение реформ, не ради реформ, а постоянное и целенаправленное снижение уголовной репрессии, декриминализация, смягчение режима и условий отбывания наказания. Мы все знаем что Узбекистан не уклонна стремится максимально исполнять взятые на себя международные обязательства, имплементировать в национальное законодательство нормы, отвечающие мировым стандартам, но при этом следует принципу учета своих национальных интересов.

А теперь хотелось бы более подробно остановиться на проблемах, существующих в пенитенциарной системе Узбекистана, среди которых я хотел бы выделить два направления развития: научное и практическое.

Среди научных проблем можно выделить следующие:

Во-первых, в Узбекистане, как и во многих других странах постсоветского пространства, существует болезнь которая трудна излечивается. Она заключается в том, что принимаемые законы намного опережают научную мысль. А правоприменительная практика с учетом присущей ей закрытости и секретности максимально дистанцируется от дружбы с научно-академическими кругами.

Хотя, во всем цивилизованном мире наблюдается обратная тенденция, когда вначале происходит системное изучение научных проблем, их причин, будущего развития реформ, новаций в той или иной сфере. Да, несомненно проводится определенная работа, ведутся аналитические, научно-исследовательские работы, резуль-

татом которых становятся более приемлемые законы. Но однако мы все равно не можем с вами похвастаться что принимаемые нами законы являются совершенными.

Несмотря на большое число существующих в пенитенциарной системе проблемных вопросов, ожидающих своего решения, в настоящее время фундаментальных научных исследований в данной сфере явно недостаточно.

В-вторых, уголовно-исполнительное законодательство в системе криминального права развивается слабее всех. Например, в УК Республики Узбекистан было внесено более трехсот изменений и дополнений. Вместе

с тем, в УИК Республики Узбекистана за тот же период было внесено лишь около 20 -ти изменений и дополнений.

Это связано с целым рядом объективных и субъективных причин.

Не секрет, что в основном во многих странах имеется тенденция оберегать свою пенитенциарную систему от публичных демонстраций, не желательных проникновений во избежания публичного обсуждения достоинств и существующих недостатков своей системы.

Хотя имеются множество различных материалов, в СМИ, интернет пространстве, в различных публикациях, а также журналистских расследований, которые в основном гонятся за пиаром и при этом не имея толка, без особого акцента на науку и его развитие.

Также следует отметить, что в результате закрытости пенитенциарной системы, научные исследователи разных стран не имеют возможности для более тесного общения и сотрудничества, что в какой-то степени тормозит развитие пенитенциарной политики.

Говоря о практической деятельности пенитенциарных органов и учреждений, на наш взгляд, существуют следующие аспекты, которые нуждаются в развитии:

Во-первых, следует определиться с ведомственной принадлежностью пенитенциарных учреждений и органов. В зависимости от принадлежности системы исполнения наказаний к тому или иному государственному ведомству можно выделить пять моделей организации таких систем:

(1) модель, при которой система исполнения наказаний полностью подотчетна министерству внутренних дел или его эквиваленту;

(2) модель, в которой система исполнения наказаний полностью управляется министерством юстиции;

(3) модель, при которой система исполнения наказаний находится под управлением объединенного министерства юстиции и внутренних дел (полиции);

(4) модель, при которой система исполнения

наказаний находится в ведении отдельного государственного департамента неподконтрольного ни министерству юстиции, ни министерству внутренних дел;

(5) смешанная модель, при которой различные виды наказаний или меры процессуального принуждения находятся в ведении различных ведомств: пенитенциарные учреждения, в которых содержатся осужденные лица, находятся в ведении министерства юстиции, а места предварительного заключения — в ведении министерства внутренних дел.

В Узбекистане уже достаточно давно в академических кругах и среди практиков, а также на законодательном уровне рассматривается вопрос передачи пенитенциарной системы из МВД в систему органов юстиции. Не секрет, что при обсуждении данных вопросов, некоторые западные страны — наши партнеры пытаются рекомендовать, а иногда — навязать Узбекистану свое видение развития пенитенциарной политики. Но, у нашей страны свой выверенный путь развития, который основан на глубоком изучении прогрессивного зарубежного опыта, но, еще раз подчеркиваю, с учетом национальных интересов страны, общества и личности, который опирается на исторический опыт развития узбекской государственности, менталитет народа.

Следует отметить, что в настоящее время отсутствие целого ряда важнейших нормативно-правовых актов, замедляет вопрос решения о ведомственной подчиненности органов пенитенциарной системы страны. Так, до сих пор в Узбекистане не принят закон "О государственной службе" и др., но в этом направлении ведется активная работа.

Решение этих вопросов это не труд однодневной работы. Так, в некоторых странах, где пенитенциарная система была передана в ведение Министерства юстиции, обсуждается о необходимости возвращения прежнего положения. Вот вам свежий пример, данная тема активно рассматривается в академических кругах нашего ближайшего соседа — Казахстана.

Во-вторых, существует ряд вопросов, ожидающих своего практического решения. Так, несмотря на то, что в статье 33 УИК указано, что осужденные отбывают наказание в виде ареста в специальных арестных домах, в стране до настоящего времени не создано ни одного подобного пенитенциарного учреждения, осужденные отбывают наказание в СИЗО. При таком положении, достижение целей наказания представляется труд-

но осуществимым.

Кроме того, как уже было отмечено выше, в УИК внедрено наказание в виде ограничения свободы, но конкретных правовых механизмов его исполнения, в том числе Инструкций, Положений о порядке его исполнения не принято. Так, оставлены без регулирования такие крайне важные вопросы, как контроль (надзор) исполнения наказания, в целом, не определены функции Инспекции по исполнению наказания и др.

В-третьих, в существующей на сегодняшний день единственной колонии для лиц женского пола отбывают наказание все осужденные, в том числе несовершеннолетние. При этом наблюдается нарушение принципа дифференциации. Не следует забывать о специфических социально-медицинских особенностях так называемого "переходного возраста" несовершеннолетних осужденных. По этой причине, на наш взгляд, воспитательные колонии должны быть организованы отдельно для несовершеннолетних лиц женского пола.

На основании вышеизложенного, я бы хотел изложить свое видение разрешения указанных проблемных вопросов, рекомендации по совершенствованию пенитенциарной системы Узбекистана.

1. Основываясь на том, что пенитенциарная система большинства постсоветских стран имеют большую схожесть, представляется целесообразным наладить регулярный эффективный обмен опытом в научно-практическом ракурсе посредством заключения различных соглашений и меморандумов между научно-исследовательскими учреждениями, соответствующими ведомствами стран СНГ, ШОС, и ЕС.

2. Требования современного времени и существующей практики в Узбекистане показывают необходимость преобразования учреждений по исполнению наказаний и реформирования пенитенциарной системы в целом. В этих целях, следует с привлечением ведущих ученых и специалистов, практиков разработать Концепцию пенитенциарной политики Республики Узбекистан на ближайшие 10 лет.

В качестве заключения можно сделать вывод, что лишь при условии налаживания тесной и эффективной связи науки и практики, комплексного подхода к реформированию нынешней пенитенциарной системы, а также учета международных стандартов и опыта развитых стран, можно достичь реализации целей уголовной и пенитенциарной политики.



Сардор БОЗАРОВ,
преподаватель кафедры
«Международное коммерческое (частное) право»
Ташкентского государственного юридического университета

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СВОБОДНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЕ «НАВОИ» РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

◆ Ушбу мақолада “Навоий” эркин иқтисодий зонасини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари, тадбиркорлик фаолиятининг тартиби ва асослари, Маъмурий кенгаш ва Дирекциянинг функциялари, иштирокчиларга тақдим этиладиган имтиёзлар ва кафолатлар таҳлил этилган ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган.

◆ В данной статье были проанализированы цели и задачи создания свободных экономических зон, порядок и основы осуществления предпринимательской деятельности в свободной экономической зоне «Навои», определены функции Административного совета и Дирекции, льготы и гарантии, предоставляемые участникам СЭЗ, а также сформулированы выводы.

◆ In this article it has been analyzed the purposes and tasks of establishment of free economic zone, order and bases of business activity in the free economic zone “Navoi”. In addition, it is has been reviewed the functions of Administrative council and Directorate, analyzed the guarantees and preferences are provided to the participant, as well as formulated conclusions.

Таянч сўзлар: эркин иқтисодий зона, тадбиркорлик фаолияти, имтиёзлар ва афзалликлар, инвесторлар, алоҳида ҳуқуқий режим.

Ключевые слова: свободная экономическая зона, предпринимательская деятельность, льготы и преференции, инвесторы, особый правовой режим.

Key words: free economic zone, entrepreneurial activity, privileges and preferences, investors, special legal regime.

Известно, что сегодня свободные экономические зоны имеют большое значение в условиях модернизации экономики, привлечении прямых иностранных инвестиций, развитии предпринимательства, внедрении современных инновационных и высокопроизводительных технологий в производство.

На сегодняшний день Узбекистан имеет достаточный опыт по созданию свободных экономических зон. Другими словами, сегодня в Республике Узбекистан успешно функционируют несколько свободных экономических зон.

Одной из таких свободных экономических зон является свободная экономическая зона «Навои». Свободная экономическая зона (СЭЗ)

«Навои» была создана в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4059 от 2 декабря 2008 года.

СЭЗ «Навои» предлагает иностранным инвесторам широкий спектр возможностей для осуществления бизнеса и имеет большие преимущества¹. СЭЗ «Навои» располагается на территории общей площадью 564 га рядом с городом Навои, одним из самых промышленных городов Узбекистана и в близости 100-175 км от Бухары и Самарканда, которые являются крупными городами и промышленными центрами Узбекистана².

Основные направления деятельности хозяйствующих субъектов на территории СЭЗ «На-

вои» является производство широкого спектра высокотехнологичной, конкурентоспособной продукции на мировые рынки за счет внедрения современного зарубежного высокопроизводительного оборудования и техники, технологических линий и модулей, инновационных технологий³.

Срок функционирования свободной экономической зоны «Навои» составляет 30 лет с возможностью его последующего продления. В течение срока функционирования СЭЗ на ее территории действуют особый таможенный, валютный и налоговый режимы, упрощенный порядок въезда, пребывания и выезда, а также получения разрешения на осуществление трудовой деятельности гражданами-нерезидентами Республики Узбекистан.

Координация и оперативное управление деятельностью СЭЗ осуществляются, соответственно, Административным советом, создаваемым из представителей государственных органов, и дирекцией СЭЗ. Вся территория, на которой создана свободная экономическая зона «Навои», предоставляется в пользование и управление Административному совету на весь период существования СЭЗ.

Дирекция СЭЗ предоставляет хозяйствующим субъектам земельные участки на территории СЭЗ в аренду без права сдачи их в субаренду, передачи своих прав и обязанностей по договору аренды другому лицу, передачи арендного права в залог, внесения их в качестве вклада в уставный капитал. Продажа и иное отчуждение земельных участков на территории СЭЗ запрещается⁴.

Всем известно, что благоприятные условия являются одним из важных факторов развития свободных экономических зон. В целях создания самых благоприятных условий для инвесторов, предприятия в СЭЗ «Навои» обеспечиваются инфраструктурой высокого уровня, а именно соответствующей инфраструктурой транспорта, инженерных коммуникаций, системами безопасности труда и комфортной жизнедеятельности трудового персонала. Например, предприятиям в СЭЗ «Навои» предоставлена соответствующая транспортная инфраструктура. Иными словами, СЭЗ «Навои» находится в центре логистики. Международный аэропорт «Навои», международный грузовой терминал «Сагдо», Железнодорожная станция «Кармана», международная автомагистраль E-40 вблизи свободной зоны обеспечивают ин-

ностранных инвесторов огромными возможностями и преимуществами в создании производственных комплексов во всех сферах промышленности. Кроме того, наличие удобной инженерной коммуникации, порядка система безопасности труда намного улучшает жизнедеятельность персонала в этой индустриальной зоне.

Конечно, эти удобства являются основным фактором развития свободной экономической зоны. Тем не менее, есть также очень важный фактор для успешной деятельности свободной экономической зоны и развитие предпринимательства. Это прочная правовая основа по созданию и регулированию деятельности СЭЗ, а также правовой режим включающие в себе широкомасштабные преференции предоставляющийся иностранным инвесторам и предпринимателям.

Закон Республики Узбекистан «О свободных экономических зонах» № 220-1 от 25 апреля 1996 года, Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по активизации и расширению деятельности свободных экономических зон» № УП-4853 от 26 октября 2016 г.

Вышеуказанные нормативно-правовые акты, наряду с обеспечением создания и успешного регулирования деятельности СЭЗ, гарантируют права и законные интересы юридических и физических лиц. Другими словами, Республика Узбекистан гарантирует соблюдение прав и законных интересов юридических и физических лиц, действующих на территории свободной экономической зоны⁵.

Кроме того, на основе нормативно-правовых актов о свободных экономических зонах на территории свободной экономической зоны «Навои» действует специальный правовой режим в качестве налогового, валютного и таможенных режимов, которые включают в себя беспрецедентные преференции, упрощенный порядок въезда, пребывания и выезда, а также получения разрешения на осуществление трудовой деятельности нерезидентами Республики Узбекистан. Статус участника СЭЗ «Навои» предоставляется Административным советом СЭЗ. Отбор инвестиционных проектов и регистрации участников СЭЗ «Навои» осуществляется в соответствии с Положением, утвержденным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №105 от 9 апреля 2009 года.

Сегодня в свободной экономической зоне «Навои» были осуществлены 22 проекта. Около 100 видов товаров были изготовлены в новых предприятиях. В прошлом году было произведено товаров в размере 184,4 миллиарда сумов и товары в размере более 5 миллионов долларов США были экспортированы. Это означает, что объем производства достиг 32 процентов, объем экспорта превысил в три раза по сравнению с объемом экспорта в прошлом году⁶.

В конце следует отметить, что в настоящее время Узбекистан имеет сильный интеллектуальный потенциал. Сегодня университеты и колледжи Узбекистана выпускают высококвалифицированных специалистов в области экономи-

ки, техники, химии и других сферах которые могут внести значительный вклад в процветание нашей страны. Таким образом, следует создать индустриальные парки, технопарки и технополисы в Узбекистане.

Эта тенденция приведет к созданию современного высокопроизводительного оборудования, технологических линий и модулей, инновационных технологий, обеспечивающих производство широкого спектра высокотехнологичной, конкурентоспособной продукции на мировых рынках и дальнейшего развития экономики, инфраструктуры и создание рабочих мест для формирования интеллектуальной и научной среды.



¹ <http://www.mfer.uz/ru/investments/special-economic-zones/951/>

² <http://www.mfer.uz/ru/investments/special-economic-zones/951/>

³Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 49, ст. 478; 2011 г., № 9, ст. 84; 2012 г., № 3-4, ст. 26; 2014 г., № 29, ст. 356

⁴Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 49, ст. 478; 2011 г., № 9, ст. 84; 2012 г., № 3-4, ст. 26; 2014 г., № 29, ст. 356.

⁵Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., № 5-6, ст. 58; 2003 г., № 5, ст. 67; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2005 г., № 49-50, ст. 365; 2006 г., № 41, ст. 405; 2009 г., № 39, ст. 424; 2015 г., № 33, ст. 439.

⁶Газета "Народное слово" Март 16, 2016, №52(6487)

Мирғолиб НУРМАТОВ,
Тошкент давлат юридик университети катта илмий
ходим-изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ЭКОЛОГИК СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

- ✦ Ушбу мақолада мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий категория бўлган сиёсат тушунчасининг мазмунини таҳлил қилиш асосида экологик сиёсатнинг тушунчаси ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.
- ✦ В данной статье сделано попытка раскрытия понятия и сущности экологической политики на основании анализа содержания понятий такого сложного социально-правового категория как политика.
- ✦ In this article the author made an attempt to disclosure concept and content of environmental policy by conducting detailed analysis of the meaning of the concept of such complex socio-legal category as politics.

Таянч сўзлар: экологик сиёсат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, барқарор ривожланиш.

Ключевые слова: экологическая политика, охрана окружающей среды, природопользования, обеспечения экологической безопасности, устойчивое развитие.

Key words: environmental policy, environmental protection, environmental management, environmental security, sustainable development.

Ўзбекистон ўз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий тараққиётининг илк кунидан бошлаб пухта ўйланган, халқимиз таъбири билан айтганда, “етти ўлчаб бир кесилган”, барча шарт-шароитлар ҳисобга олинган, ҳар томонлама тўғри баҳоланган, узокни кўра билган йўлни танлади. Ана шундай йўлда она заминимиз, беҳисоб табиий бойликларимиз биз учун пойдевор, иқтисодий негиз вазифасини ўтади. “Бошқача айтганда, биз тилланинг устида ўтирибмиз. Афсуски, собиқ марказ олиб борган сиёсат оқибатида Ўзбекистон фақат хомашё беришдан нарига ўтмади. Ўзида бор нарсани ўзи ишлата олмади”¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўз вақтида “Миллий хавфсизликка қарши таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очик эътироф этиш керакки, узок йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шу-

гулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажагига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса “қалбидоси” бўлиб келган”² дея тўғри таъкидлаган эди.

“Ҳозирги давр шароитларида тўғри сиёсатнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ҳол ҳам халқлар ва давлатлар ривожланишининг ички шароитлари, ҳам халқаро вазият билан белгиланади. Ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатларининг аксариятида наинки иқтисодиёт соҳасида, балки ижтимоий кучлар нисбати, ҳокимият хусусияти, мафкура соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди ва бу табиийки, тегишли сиёсатни ишлаб чиқишни ҳам талаб этади”³.

Таъкидлаш лозимки, демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай жамият давлат сиёсатида эҳтиёж сезади. Дарҳақиқат, ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакатимиз давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида

Ўзининг оқилона сиёсатини белгилаб олди.

Экологик сиёсат тушунчаси борасида адабиётларда баъзан бир-бирини тўлдирувчи, гоҳида эса бир-бирига қарама-қарши фикрларга ҳам дуч келамиз.

Таъкидлаш ўринлики, “Ҳозирги вақтда сиёсат ва экология ўртасида қарама-қаршилик ва ўзаро алоқа тобора кучайиб бораётир. Сиёсатнинг экологиялашуви ва экологиянинг сиёсийлашуви жараёнлари муқаррар тус олмақда. Дунё миқёсида юз бераётган бу жараёнларда барча ижтимоий-сиёсий институтлар, партиялар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, одамларнинг кўп сонли бирлашмалари, халқаро муассасалар иштирок этмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг сиёсий тизимида, сиёсий муносабатлар назарияси ва амалиётида “экология борасидаги сиёсат” тушунчаси ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Ҳозирги вақтда ижтимоий тараққиётни давлатнинг экология соҳасидаги муайян сиёсатсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас (давлатнинг иқтисодий, техника соҳасидаги, ишлаб чиқариш, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, миллий сиёсати билан бир қаторда). У жамият сиёсий тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва жамият фаолиятининг барча турлари ва йўналишлари билан уйғун бирикади. Сиёсий экология борасидаги сиёсат ҳақидаги фан бўлса, экология борасидаги сиёсатнинг ўзи давлатнинг ҳозирги экологик муаммоларни оқилона ҳал қилиш, экологик тангликка барҳам бериш, одамларнинг кафолатланган табиий яшаш шароитларини яратиш, уларни ижтимоий-экологик муҳофаза этишни таъминлаш борасидаги тактик ва стратегик сиёсатларини ўзида мужассамлаштиради”⁴.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ҳуқуқий таъминлашнинг назарий муаммолари мавзусида махсус тадқиқот олиб борган Ш.Ҳ.Файзиев “экологик сиёсат — бу субъектларнинг (шахс, гуруҳ, партия, давлат ва ҳ.к.) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлари мажмуи”⁵ сифатида эътироф этиб ўтади.

Ж.Т.Холмўминов эса давлат экологик сиёсатининг асосини экология соҳасида давлат бошқаруви ҳамда назоратини кучайтириш, ташкил этиш ва уни олиб бориш ташкил этади⁶, деб ҳисоблайди. Бу борада ҳақиқатан ҳам давлат экологик сиёсати, авваламбор, давлат бошқарувига таянишини қайд этиш ўринли бўларди.

Европалик ҳуқуқшунос олим Ж.МакКормик экологик сиёсатни “ташкилотнинг экологик масалаларга тааллуқли қонун, қоидалар ва сиёсатнинг бошқа механизмларига амал қилиши” сифатида

таърифлайди. Унинг ёзишича, “ўшбу масалалар қоида тариқасида ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, қаттиқ чиқиндилар соҳасидаги бошқарув, экологик тизимлар бошқаруви, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, табиий ресурсларни, ёввойи ҳайвонларни ва камёб турларни муҳофаза қилишни қамраб олади. Энергияга оид ёки заҳарли моддаларни, шу жумладан, пестицидларни ва бошқа саноат чиқиндиларининг кўплаб турларини тартибга солишга оид сиёсат ҳам экологик сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади”⁷.

Австралиялик олим Ш.Бедер ўзининг “Экологик принциплар ва сиёсат” мавзусидаги қўлланмасида экологик сиёсатнинг асосий олтита принципини (барқарор ривожланиш, ифлослантирувчи тўлайди, эҳтиёт чорасини кўриш, тенглик, инсон ҳуқуқлари, иштирок этиш принциплари) ажратади ҳамда экологик сиёсатнинг асосий иккита — экологик қонунчилик ва иқтисодий усуллар сингари таркибий қисмларини кўрсатади⁸.

Англиялик олим Неил Картер эса экологик сиёсатнинг тўртта асосий принципал қоида — экологик жавобгарлик, маҳаллий демократия, ижтимоий адолат ва куч ишлатмаслик ҳақида тўхталиб ўтади ҳамда экологик сиёсатнинг асосий иштирокчилари сифатида экологик партиялар, гуруҳлар ва ҳаракатларни кўрсатади. Муаллиф шунингдек, экологик сиёсат воситалари сифатида тартибга солиш, ишонтириш ҳамда иқтисодий-бозор усулларини кўрсатади⁹.

Америкалик олим Л.Ж.Лундквист экологик сиёсатнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириб, экологик сиёсат давлат назорати, институциявий тузилмалар ҳамда ҳуқуқий тизим иштирокчилари томонидан ижро этиш механизми билан таъминланади¹⁰, деб ёзади.

Н.Ф.Реймерс эса экологик сиёсатни иккига, яъни глобал ва давлат экологик сиёсатига ажратган ҳолда, глобал кўламдаги экосиёсат — бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, дунёда мавжуд табиий ресурслар захираси ва уларнинг мамлакатлар ўртасида тақсимланиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда халқаро-ҳуқуқий, сиёсий ва ташқи иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, деб таъкидлайди. Давлат экологик сиёсати эса муаллифнинг фикрича, мамлакат ҳудуди ва ҳавзаларининг (шу жумладан, ҳаво ҳавзалари) экологик ҳолати ва улар доирасидаги мавжуд табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган ютуқ ва камчиликларни тушунишга асосланган ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, халқаро сиёсатдир¹¹.

Ж.МакКормик, Ж.Робертс, Ж.Норман, М.Крафт, Д.Хелм каби бир қатор европалик эколог-ҳуқуқшуносларнинг ёзишича, экологик сиёсат — бу жамиятнинг табиатга таъсири билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими. Экологик сиёсат — бу ташкилотнинг унинг фаолиятининг экологик кўрсаткичларига нисбатан белгиланган ният ва

принциплари мажмуи бўлиб, у аниқ мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш учун асос ҳосил қилади. Экологик сиёсат — бу экологик стратегия томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш усуллари йиғиндиси сифатида *глобал* (ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги экологик чекловларни, дунёда мавжуд табиий ресурслар захираларини ҳамда уларнинг мамлакатлар ўртасида тақсмотини ҳисобга олган ҳолда халқаро, сиёсий ва ташқи иқтисодий чора-тадбирлар), *давлат* (ҳудуд ва ҳавзаларнинг экологик ҳолати билан боғлиқ бўлган камчилик ва таъсирларни тушуниш асосида шаклландирган ижтимоий-иқтисодий сиёсат), *минтақавий экосиёсат* (давлатларнинг муайян минтақалар бўйича амалга оширадиган, шунингдек, минтақалар томонидан бевосита амалга ошириладиган экологик сиёсат), *маҳаллий экологик сиёсат* (маҳаллий мониторинг, маҳаллий экологик дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишни ташкил этиш орқали ўтказиладиган экологик сиёсат) ва *корпоратив экологик сиёсат* (корхона, муассаса, ташкилотларнинг уларнинг истиқболли режаларида ифодаланган экологик-ижтимоий қадриятлар тизими) каби бешта тури мавжуд¹².

Е.В.Матвеева “экологик сиёсат атроф муҳит сифатини яхшилаш ва муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва умумжаҳон экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро ҳамкорлик мақсадларига йўналтирилган сиёсат”¹³, деб ҳисоблайди.

Г.З.Абдуллаеванинг фикрича, “Экология борасидаги сиёсат — бу миллатнинг барқарор ривожланиши ва экология борасидаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд экологик муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш борасидаги фаолият. Ушбу соҳадаги муносабатлар экологик хавфсизликни таъминлаш ва жамият билан табиат ўртасида уйғун ўзаро муносабатлар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган. Экологик муаммоларни ечиш унинг шакллари ва усуллари қараб сиёсий хусусият, бевосита экологик хусусият, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, қонунчилик, маъмурий, мафкуравий ва ҳоказо хусусиятлар касб этиши мумкин. Аммо мазкур ечимнинг объекти ҳар доим инсон ва атроф муҳит бўлади. Табиат одамлар ўртасида сиёсий, ижтимоий-гуманитар фарқларни назарда тутмайди. Барча одамлар, уларнинг ирқи, миллати, ижтимоий табақаси ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ейишлари, ичишлари, кийинишлари, турар жойга эга бўлишлари, ҳаводан нафас олишлари, ахборотни идрок этишлари, табиий ҳодисалар — иссиқ, совуқ, ёруғлик, товуш ва ҳоказолар таъсирини ҳис қилишлари лозим. Табиат билан мулоқотнинг ўзи ҳамма учун умумий хусусият касб этади. Би-

нобарин, экология борасидаги сиёсат ҳам муайян давлатлар ва минтақаларнинг табиий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиши лозим”¹⁴.

А.Н.Ниғматовнинг фикрича, “Экологик сиёсат — давлатнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш борасида олиб бораётган ички ва ташқи фаолият мажмуи”¹⁵ сифатида эътироф этса-да, муаллифнинг ушбу фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Фикримизча, муаллиф “экологик сиёсат” тушунчасини очиб беришда фақатгина давлат фаолияти билан чегараланган. Ваҳоланки, экологик сиёсат кенг қамровли тушунча бўлиб, давлатнинг экологик сиёсат борасидаги энг муҳим функцияси, яъни экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти муаллиф наздидан четда қолган.

М.К.Нажимов бу борада давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати табиат бойликларидан фойдаланиш жараёнида уни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган давлатнинг экологик функцияси орқали амалга оширилади, деб ёзади. Давлатнинг экологик сиёсати асосида “инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳаёти ва дам олиши учун қулай бўлган атроф табиий муҳитни асраб қолиш ва қайта тиклашнинг устунлиги” принципи ётиши керак¹⁶.

Яна бир гуруҳ олимларнинг фикрича, экологик сиёсат — бу хавфсизлик сиёсати, экологик таваккалчиликни камайтиришдир. Экосиёсат турли манфаатлар ўртасидаги мақбул мувозанатни экологик-ҳуқуқий нормаларда мужассам бўлган илмий асосланган қарорлар орқали қўллаб-қувватлаш санъатидир¹⁷.

Ю.Ш.Шадиметов ҳам “экологик сиёсатни ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг жамият ва табиат ўртасидаги ишлаб чиқаришнинг тегишли тури, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг шаклига асосланган муносабатларнинг муайян турини танлаш ва реализация қилишга йўналтирилган бир тури сифатида баҳолаш мумкин”¹⁸, деб ҳисоблайди.

Юқоридаги таърифларда *биринчидан*, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатлари бирлаштирилади; *иккинчидан*, унда субъектлар — экологик сиёсатнинг ҳаракатдаги шахслари, шу жумладан, халқаро ноҳукуматлараро ташкилотлар аниқлаштирилади ва шу орқали ҳар бир шахснинг ҳамда яхлит ҳолда инсониятнинг атроф муҳит ҳолати учун масъулиятига урғу берилади; *учинчидан*, экологик сиёсат субъектларининг фаолият йўналишлари аниқлаштирилади.

Умуман олганда, манбалардаги турли қарашларни таҳлил қилиш асосида, фикримизча, экологик сиёсатнинг қуйидаги моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади:

биринчи марказлаштириш модели — эко-

логик сиёсат экология соҳасидаги инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солишнинг императив воситаларидан фойдаланишини кўзда тутадиган давлат бошқарувининг усули сифатида баҳоланади (Ш.Ҳ.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, М.К.Нажимов, Ш.Бедер, Неил Картер, В.И.Минеева, С.Ф.Ярославцев);

иккинчи экологик марказлаштириш модели — экологик сиёсатни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлари мажмуи деб тавсифлайди (Г.З.Абдуллаева, А.Н.Ниғматов, Н.Ф.Реймерс, Е.В.Матвеева);

учинчи либераллаштириш модели — экологик сиёсат ҳуқуқ субъектларининг экологик қонун ҳужжатларига амал қилишига қаратилган ихтиё-

рий хатти-ҳаракатлари мажмуи сифатида кўрилади (Ж.МакКормик, Л.Ж.Лундквист, В.И.Коваленко, А.И.Костин, Н.Н.Моисеев, С.А.Степанов).

Юқоридагилар асосида экологик сиёсатга қуйидагича таърифни таклиф этамиз: **“экологик сиёсат — бу атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик хавфсизликни ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ва илмий жиҳатдан асосланган, ўзаро ҳамкорлик ва уйғунликда амалга ошириладиган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-маъмурий, демографик, маданий-маърифий, тарбиявий-мафкуравий, илмий-техник, миллий ва халқаро чора-тадбирлар мажмуи”**.



¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 13-б.

²Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 429-б.

³Политология. Курс лекций. Под ред. доктора юридических наук, профессора М.Н.Марченко. Изд. 3-е, перераб. и доп. –М., Издательство ЗЕРЦАЛО, 1999. –С.56.

⁴Абдуллаева Г.З. Экологическая политика Республики Узбекистан в условиях поэтапной интеграции в мировое сообщество: Дис. ...канд. полит. наук. –Ташкент: 2001. –С.19-20.

⁵Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дисс. ...докт. юрид. наук. –Ташкент: ТПЮИ, 2004. –С.18-25.

⁶Холмўминов Ж.Т. Экология ва ҳаёт: қонунчиликни такомиллаштириш масалалари: Монография. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. 44-б.

⁷ McCormick, John (2001). Environmental Policy in the European Union. The European Series. Palgrave. p. 21.

⁸Beder Sharon. Environmental Principles and Policies: An Interdisciplinary Introduction. –London: Earthscan, 2006. –P.6-9.

⁹Carter Neil. The Politics of the Environment Ideas, Activism, Policy. 2nd Edition. – Cambridge: Cambridge University Press, 2007. –P.48, 321.

¹⁰Lennart J. Lundqvist. The Comparative Study of Environmental Policy // Policy Studies Journal. www.onlinelibrary.wiley.com (2005).

¹¹Реймерс Н.Ф. Природопользование: Словарь-справочник. –М., Мысль, 1990. –С.598-599.

¹²McCormick, John – Environmental Policy in the European Union. The European Series – Palgrave, 2001.; Jane Roberts – Environmental policy – Routledge, 2004; Norman J Vig, Michael E Kraft – Environmental policy : new directions for the twenty-first century – K.C. CQ Press, 2003; Kieter Helm – Environmental policy: objectives, instruments, and implementation – Kxford University Press Kistribution Services (UK), 2000.; Интернет сайты – ru.wikipedia.org.

¹³Матвеева Е.В. Экологическая политика Евросоюза // Международные отношения. Политология. Регионоведение Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского. 2010. –№6. –С.311-317.

¹⁴Абдуллаева Г.З. Экологическая политика Республики Узбекистан в условиях поэтапной интеграции в мировое сообщество: Дис. ...канд. полит. наук. –Ташкент: 2001. –С.20.

¹⁵Экология ҳуқуқи. Дарслик. Масъул муҳаррир: М.Б.Усмонов. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. 30-б.

¹⁶Нажимов М.К. Давлатнинг экологик функцияси: Юрид. фан. номз. ...дисс. –Тошкент: 2004. –Б.28, 38.

¹⁷Коваленко В.И., Костин А.И., Моисеев Н.Н., Степанов С.А. Экологическая безопасность и концепция эколого-политологического образования в России // Вестник Московского университета. 1993. –С.8.

¹⁸Шадиметов Ю. Введение в социозкологию: Учебник. Т.1. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –С.223.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ САВДО ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

◆ Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ходимларининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослиги, шунингдек унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

◆ В данной статье проанализированы особенности правового регулирования труда сотрудников иностранных торговых представительств в Узбекистане, а также вопросы совершенствования их правовой основы.

◆ In this article analyzed the peculiarities of legal regulation of work of employees of foreign trade representations in Uzbekistan, as well as the issues of improvement of the legal basis.

Таянч сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, савдо ваколатхона, меҳнат шартномаси, ҳуқуқий режим, аккредитация, электрон ҳуқумат.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, торговое представительство, трудовой договор, правовой режим, аккредитация, электронное правительство.

Key words: foreign economic activity, trade representation, employment contract, the legal regime, accreditation, e-government.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти ва савдо алоқаларига фаол интеграциялашуви жараёнлари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда ташқи савдо фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи институтлар ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 730 дан ортиқ турли хил хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган, улардан 500 дан ортиғи айнан савдо фаолияти соҳасида фаолият кўрсатади. Ушбу ҳолат ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларнинг долзарблигини белгилайди.

Миллий қонунчилигимизда юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тартибга солинган бўлсада, бироқ юридик шахсларнинг, шунингдек чет эл юридик шахсларининг алоҳида таркибий бўлинмалари сифатида филиаллар ва ваколатхоналарида ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, чет эл фуқароларини ушбу сав-

до ваколатхоналарига ишга қабул қилишнинг ўзига хослиги масалалари алоҳида эътибор талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Хорижий тижорат ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида"ги Низомга кўра, хорижий фирмалар Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини унинг ҳудудида ўз манфаатларини ифода-лаш ва ҳимоя қилиш мақсадида очишлари мумкин. Ваколатхоналар юридик шахс ҳисобланмайди ва ҳўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдилар.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси ўз фаолиятининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан турли хил нотижорат битимлари тузиш, жойлашув мамлакатидagi ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, фойда олишга қаратилмаган фуқаролик ва меҳнатга оид шартномавий ҳуқуқий муносабатларга ҳам киришиши мумкин.

Хусусан, савдо ваколатхонаси уни ташкил этган юридик шахс томонидан берилadиган мол-

мулкка эга бўлади, шунингдек савдо ваколатхонаси унинг ҳисоб рақамидаги хорижий юридик шахс томонидан ажратилган маблағлар ҳисоби-га жойлашув мамлакатаи ҳудудида муайян мол-мулк, жумладан савдо ваколатхонаси ходимлари учун иш биноси, хорижий ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, хориждан жалб қилинган ходимлар учун яшаш биноси, транспорт воситалари сотиб олиши ёки уларни ижарага олиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, савдо ваколатхоналарида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, хорижий фуқароларни ишга қабул қилиш тартиби ҳам ўзига хосликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Жумладан, савдо ваколатхонаси томонидан хорижий давлат фуқаросини ишга жалб қилиш, шунингдек савдо ваколатхонаси раҳбарининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган меҳнат муносабатларини тартибга солиш алоҳида тартибда амалга оширилади. Бу борада қуйидаги хусусиятларни қайд этиш мумкин:

— савдо ваколатхонасининг раҳбари хорижий юридик шахс томонидан бериладиган ишончнома ва ўзининг ваколатлари баён этилган ваколатхона тўғрисидаги низом асосида ҳаракат қилади;

— савдо ваколатхонасининг ходимлари ҳам хорижий фуқаролардан, ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан иборат бўлиши мумкин;

— савдо ваколатхонасига ишга қабул қилинган хорижий фуқаролар белгиланган тартибда аккредитация қилиниши лозим;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонасига ишга қабул қилишни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг хориждан жалб қилинган ходимларини аккредитация қилиш "Хорижий тижорат ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади. Унга кўра, савдо ваколатхонасининг бошлиғи ёки у вакил қилган шахс тегишли ишончнома асосида хорижий ходимларни аккредитация қилиш бўйича ишларни юритади.

Хорижий ходимни аккредитация қилиш учун бериладиган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган икки нусхадаги шахсий варақа;

б) иккита фотосурат (3x4 ўлчамда);

в) белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки

апостиль қўйилган, ваколатли шахс томонидан имзоланган ваколатхонага ишга қабул қилиш тўғрисидаги хат;

г) ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вирус-си) касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификат;

д) хорижий ходимнинг миллий паспорти нусхаси.

Аккредитация қилувчи орган хорижий ходимни аккредитация қилиш юзасидан ижобий қарор қабул қилган тақдирда, хорижий ходимни аккредитация қилиш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида шахсий аккредитация карточкасини беради.

Аккредитация қилинган хорижий ходимлар фақат аккредитация қилинган ваколатхонада Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг рухсатномасини олмасдан меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар. Ушбу ўзига хослик савдо ваколатхонаси саналмаган юридик шахсларда чет эл фуқароларини ишга қабул қилиш тартибидан ажратиб турувчи асосий белги саналади.

Низомнинг 32-банди талабига кўра, хорижий ходимни аккредитация қилиш ваколатхона аккредитация қилинган муддатга амалга оширилади, бироқ у унинг амалда бўлиш муддатини кейинчалик узайтириш мумкинлиги шарти билан ўн икки ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

Савдо ваколатхоналарини ташкил қилиш ва уларга чет эл фуқаролари саналган ходимларни жалб қилиш масалаларини тўлиқ тушуниш учун икки томонлама давлатлараро шартномаларга эътибор қаратиш талаб қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 июлдаги "Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган 2011 йил 5 майда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида "Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида"ги Битимни айтиб ўтиш мумкин¹.

Мазкур битимнинг 3-моддасига мувофиқ, савдо ваколатхоналари ўз мамлакатларининг ҳукуматлари номидан иш кўради ва бошқа томон давлатидаги ўз давлати элчихонасининг таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур моддада савдо ваколатхоналари ходимларининг ҳуқуқий ҳолати ва улар билан тузиладиган меҳнат муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари ҳам тартибга солинган. Битимнинг ушбу моддасига биноан савдо вакили ва унинг ўринбосарлари, шунингдек савдо ваколатхонасининг маъмурий-техник персонали умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларда чет эл дипломатик ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник персонали аъзоларига нисбатан ўрнатилган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

Мазкур битимнинг 8-моддасида савдо вако-

латхоналари ушбу битим томонлари саналган давлатларнинг ёки учинчи мамлакатларнинг фуқаролари орасидан хизматчиларни ёллашлари ва бундай хизматчиларга ўз давлатининг қонунчилиги асосида меҳнат ҳақи тўлашлари мумкинлигига оид коллизия норма назарда тутилганлиги диққатга сазовор. Шунингдек, ушбу ходимларга нисбатан савдо ваколатхонаси жойлашиш давлатининг қонунчилигида кўзда тутилган ижтимоий кафолатларнинг энг кичик даражасини таъминлаш мажбуриятини битимни имзолловчи тарафлар ўз зиммаларига олганлиги ҳам аҳамиятлидир.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини амалга оширишга янада кенгроқ қулайлик яратиш мақсадида республикамизда "Электрон ҳукумат" тизимини яратиш доирасида кенг қўламдаги ишлар бажарилмоқда. Унга кўра, давлат органлари томонидан рухсат бериш, рўйхатга қўйиш каби тартиботларни ҳам электрон шаклга ўтказиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда уларнинг хориждан жалб қилинадиган ходимларини аккредитация қилишнинг электрон тизимини яратиш айна пайтда чет эл савдо ваколатхоналарининг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бевосита тааллуқлидир.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар амалиётида, хусусан, Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатларнинг барчасида чет эл юридик шахсларининг филиаллари ва ваколатхона-

лари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари, уларнинг ходимларини давлат рўйхатига қўйишнинг PSC — the Points of Single Contact (ягона алоқа дарчалари) электрон тизими жорий қилинган.

PSC — Европанинг ўттиз битта давлати доирасида амал қилувчи электрон ҳукумат портали бўлиб (<http://www.ec.europa.eu>), унинг ёрдамида рўйхатга қўйишга оид қонунчилик билан таънишиш ва бевосита рўйхатга қўйиш ва ходимларни аккредитация қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш мумкин.

Юқоридагилар асосида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, интерактив хизматлар кўрсатиш "Электрон ҳукумат" тизими доирасида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда уларнинг хориждан жалб қилинадиган ходимларини аккредитация қилишнинг электрон тизимини яратиш давр талабига айланган;

2. Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг ўзбек ва рус тилларидаги матнларида жиддий тафовутлар борлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур низомнинг ўзбек тилидаги матнини қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.



Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси мустақил изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

- ◆ Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти конституциявий-ҳуқуқий мақомининг ривожланишига оид қонунчиликка киритилган ўзгаришлар таҳлил қилиб берилган.
- ◆ В данной статье проведен анализ изменений, внесенных в законодательство, связанных с развитием конституционно-правовым статусом Президента Республики Узбекистан.
- ◆ In the article it is analyzed the amendments in the legislation, considered with development of constitutional law status of the President of the Republic of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: ҳуқуқ ва эркинликлар, бошқарув, Президент институти, ҳукумат раиси, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи.

Ключевые слова: права и свободы, управление, институт Президента, председатель правительства, право законодательной инициативы.

Key words: rights and freedoms, management, the President institute, the head of administration, the law of legislative initiative.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, иқтисодийда чуқур таназзул, уюшган жиноятчилик авж олиб кетиб, миллатлараро можаролар ва айирмачилик майллари даҳшатли хавфга айланди.

Ўша пайтдаги ҳокимият органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар амалий натижалар бермаётган эди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунлар ижросини таъминлаш, тинчлик, осойишталикни сақлаб қолиш, давлат ҳокимияти органларининг самарали алоқаларини ташкил этиш эҳтиёжи янги кучли лавозимни тақозо қилди. Президентлик идора усулигина мана шундай вазифани бажариши ва у жуда кучли бўлиши лозимлиги барчага аён бўлиб қолди. Тарихда ҳам кўпгина давлатларда давлат фаолият кўрсатишига таҳдид солувчи хавф туғилганда Президент лавозими таъсис этилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Олий Кенгаши собиқ Иттифок мамлакатлари ичида биринчи бўлиб мамлакатимизда таъсис этилиб, 1990 йил 24 мартда “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор ваколатлари аввал Олий Кенгаш, унинг Раёсати, Олий Кенгаш раиси ўз вазифасига мос бўлмаса-да, амалга ошириб келаётган ваколатлардан шакллантирилди. Хусусан, Олий Кенгаш вилоят ва Тошкент шаҳар судьяларини сайлар эди; амнистия ҳужжатларини қабул қилар эди; Раёсат эса қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эди; Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиниши устидан назорат; Вазирлар Кенгаши қарор ва фармойишларини бекор қилиш; давлат мукофотлари билан тақдирлаш; фуқароликка қабул қилиш, бошпана бериш масаласини ҳал қилиш; афв этиш; ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилиш; Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод қилиш; Вазирлар Кенгаши таклифига кўра вазирликлар ва давлат кўмиталарини тузиш ва тугатиш; Вазирлар Кенгаши раиси тақдимига кўра Вазирлар Кенгаши таркибига кирувчи шахсларни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш; фармонлар ва қарорлар қабул қилиш; қонунларни имзолаш ва

эълон қилиш ваколатига эга эди. Олий Кенгаш раиси эса Конституциявий назорат қўмитаси таркибини парламентга тақдим этиш ваколатига эга эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Президент институтининг жорий этилиши — республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради. Чунки шунчаки эмас, балки ҳақиқий давлатчилик ҳокимиятнинг бундай тузилмасини қўлга кириштириш имкониятига эга. ... Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиғи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этди”¹. Ҳақиқатан ҳам республика президенти лавозимининг жорий этилиши давлат мустақиллиги учун ҳаракатларнинг тизимли равишда амалга оширилишида бош омил бўлиб хизмат қилди. О.Мухамеджанов таъкидлаганидек, Президент лавозими таъсис этилишининг ўзи, моҳият эътибори билан, давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимида ўзаро тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими шакллана бошлаганидан ҳам далолат берардики, бу ҳокимиятни тақсимлаш принципини амалга оширишнинг зарур шартини ва кафолатидир².

Айни пайтда айримлар президент лавозимининг таъсис этилиши шахсий яқка ҳокимият режими ўрнатилишига олиб боради, деб шубҳа-гумонларни авж олдирдилар. Бундай қарашларнинг асоссиз эканлигини исботловчи бир қатор механизмлар қонунда кўзда тутилди. **Биринчидан**, Президент фуқароларнинг умумий яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилди. Биринчи Президентни сайлаш масаласида эса ҳали бундай сайловни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилмаганлиги, шу билан бирга бундай қонунни қабул қилиб, сайлов ўтказувчи комиссиялар тизимини яратиб бўлгунча анча вақт кетишини эътиборга олиб, уни мамлакатда мавжуд бўлган қонун чиқарувчи органда сайлаш назарда тутилди. **Иккинчидан**, Конституцияда бир шахс Президент лавозимини икки муддатдан ортиқ эгаллаши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. **Учинчидан**, Президентнинг Конституция ва қонунларга риоя этиши бўйича Олий Кенгашга бир қатор ваколатлар берилди. **Тўртинчидан**, Президентнинг ваколатлари Конституция ва қонунларда аниқ белгилаб қўйилишига асосланиши, мазкур ҳужжатларни эса фақат, Олий Кенгаши қабул қилиши мустақамланди. **Бешинчидан**, Президент фармонларининг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини Конституциявий назорат қўмитаси назорат қилиб бориши механизми қонунда белгилаб қўйилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур лавозимнинг жорий этилиши барча қўтилган натижаларни берганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Мазкур лавозим жорий этилиши билан уч ой ўтмасдан Ўзбекистон

Президент ташаббуси билан Мустақиллик декларацияси эълон қилинди, Республиканинг янги Конституциясини яратиш бўйича Конституциявий комиссия ташкил этилди. Ҳали мустақил бўлмаганидан аввалоқ, 1991 йил 25 августда бевосита марказга бўйсунадиган бир қатор ҳуқуқ-тартибот идоралари Ўзбекистоннинг юрисдикциясига ўтказилди. 1991 йил 31 августда республика Президенти томонидан давлат мустақиллиги эълон қилинди. Миллий қадриятларимизни, миллий байрамларимиз — Наврўзни (2-сонли фармон), диний анъаналаримиз — Рўза ва Қурбон ҳайитларини нишонлашни тикладик, Муслмонлар бемалол ҳажга борадиган бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ривожланишини уч даврга ажратиш ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди.

Давлат ҳокимиятининг муҳим субъекти сифатида президент лавозимининг вужудга келиши, унинг давлат функцияларидан келиб чиқиб ўз функцияларига эга бўлиши, давлат механизмида, хусусан ҳокимият тармоқлари тизимида ўз ўрни ва ролига эга бўлиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи **босқич — 1990 йилнинг 24 мартдан бошланиб худди шу йилнинг 1 ноябрига қадар бўлган даврни қамраб олди.**

Ўзбекистонда эса собиқ Иттифоқ давридаги президентлик ўз табиатига кўра парламентар-президентлик республикасига яқин ҳуқуқий мақомда эди. Президент халқ томонидан эмас, парламент орқали сайлангани ҳам унинг ваколат ҳажмига таъсир қилди. Биринчи босқичда Президент ижро ҳокимияти раҳбари эмас эди. Вазирлар Кенгаши — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати давлат ҳокимиятининг ижроия ва фармойиш берувчи олий органи ҳисобланарди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатида бўлган Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш, унинг истеъфосини қабул қилиш, давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини бекор қилиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини сайлаш, амнистия ҳужжатларини қабул қилиш масалалари парламент ихтиёрида эди.

Бу босқичда республика Президенти давлат бошлиқларига хос бўлган, янада очикроқ айтадиган бўлсак, одатда парламентар давлат бошлиқларида мавжуд бўладиган анъанавий, стандарт ваколатларга эга бўлди: мамлакат ичкарисида ва халқаро ташкилотларда республика номидан иш қўриш, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш, фахрий унвонлар бериш, фахрий ёрликлар билан мукофотлаш, республика фуқаролигига ва сиёсий

бошпана беришга оид масалаларни ҳал этиш, судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этиш ва бошқалар Президент ваколати сифатида қайд этилди.

Айни вақтда республика бошлиғининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларига риоя этилишига кафил бўлиш, республиканинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, Олий Кенгашга ҳар йили республикадаги ҳолат ҳақида маърузалар тақдим этиш, ички ва халқаро ҳаётнинг энг муҳим масалалари юзасидан Олий Кенгашга ахборот бериш, Олий Кенгашга Министрлар Советининг Раиси, Халқ назорати комитетининг Раиси, Олий суднинг Раиси, Бош давлат ҳаками лавозимларига номзодларни тақдим этиш; мазкур мансабдор шахсларни вази-фасидан озод этиш тўғрисида Олий Кенгашга тақдимномалар топшириш, Министрлар Советини истеъфога чиқариш тўғрисида ёки унинг истеъфосини қабул қилиш ҳақида Олий Кенгаши олди-га масалалар қўйиш; Министрлар Советининг Раиси билан келишиб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзоларини лавозимидан озод қилиш ва тайинлаш ҳамда бу масалани кейинчалик Олий Кенгашининг тасдиғига тақдим этиш, ҳукуматнинг қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб қўйиш, қонунларни имзолаш, вето ҳуқуқи каби жиддий ваколатлари ҳам Асосий қонунда қайд этилди. Бироқ бу даврда Олий Кенгаш давлат ҳокимия-тининг олий органи (ҳозирги олий давлат вакил-лик органидан фарқ қилиб) ҳисобланиб, қонунчи-лик ва назорат функциялари билан бир қаторда ўзида фармойиш берувчи ва бошқа ижроия тус-даги функцияларни амалга ошириб келаётган эди. Бундан ташқари, Олий Кенгашда республика бош-лиги Конституция ва қонунларни бузган тақдирда Конституциявий назорат қўмитасининг ҳулоса-сини ҳисобга олиб, 2/3 овоз билан ишдан олиш ваколати ҳам мавжуд эди.

Бу даврларда давлат бошлиғида мамлакатни бошқаришнинг, Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси — барча учун бажарилиши мажбурий бўлган фар-монлар бериш имкони вужудга келди.

Биринчи босқичга ҳулоса ясаб шунини таъкидла-шимиз жоизки, бу босқич президентликнинг “ин-ституционализация”си билан аҳамиятли бўлди. Бироқ мамлакат олдида турган кечиктириб бўлмас вази-фаларни ҳал қилиш учун Президентнинг ваколат-лари ҳали етишмас эди, тўғрироғи уларни ҳал қилиш учун президентлик республикасига ўтиш, Президент Ҳукумат раиси бўлишини тақозо этар эди.

1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси-нинг “Ўзбекистон Республикасида ижроия ва бош-қарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллашти-

риш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституция-си (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан республика **Президенти ҳуқуқий мақо-ми ривожланишининг иккинчи босқичи, яъни президентлик республикаси шаклига ўтиш жараёни бошланди (1990 йил 1 ноябрдан 2008 йил 1 январгача бўлган давр).**

Юқорида номи келтирилган қонун мамлақати-мизда давлат бошқарув шакли — президентлик республикасига асосланишини ўз моҳиятига кўра мустақамлаб қўйди³. Ислохотларнинг мазкур бос-қичида асосий ваколатлар давлатнинг ва, энг ав-вало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўли-шини тақозо этди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бу ҳақда шундай дейди: “Айни замонда, агар кучли ижро-чилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлар ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркла-рини муҳофаза қилишга, сиёсий ва иқтисодий ис-лохотларни ўтказишга қодир президентлик ҳоки-миятини кучайтиришни тақозо этади”⁴. Бир тизим-дан иккинчисига ўтиш пайтида Президент вако-лати ўзига хос бўлади, яъни Президент катта ва-колатларга эгадир. ... Шу нуқтаи назардан қара-ганда, бу ваколатларнинг мавжуд бўлиши ўтиш даврида фуқаролик жамияти асосида биз барпо этаётган демократик жамиятнинг тамойилларидан бирини амалга ошириш зарурати билан изоҳла-нади⁵.

Мазкур Қонун билан Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. Ўзбекистон Респу-бликаси Министрлар Совети Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳқа-масига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти айни бир вақтда Вазирлар Маҳқама-сининг Раиси бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги битта аппа-ратга бирлаштирилиши қайд этилди. Шу боис Ва-зирлар Кенгаши олий ижроия ва фармойиш бе-рувчи давлат ҳокимиятининг органи деган қоида чиқарилди, Президент қабул қиладиган ҳужжат — фармон қаторига Вазирлар Маҳқамаси қабул қиладиган ҳужжатлар — қарор ва фармойишлар ҳам қўшилди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Респу-бликаси Вице-Президенти лавозими таъсис этилди. Ҳукумат таркибига Президент ва Вице-Президент кириши, Президент топшириғига кўра Вице-Пре-зидент Вазирлар Маҳқамасига раҳбарлик қилиши ва унинг ишини ташкил этиши белгиланди. Шу-нингдек, “Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамаси” деган сўзлар билан алмаш-тирилди ҳамда Вазирлар Маҳқамасининг ваколат-

лари ва мажбуриятлари Ҳукумат тўғрисидаги Низомда белгиланади — деб мустаҳкамланди (этибор беринг Конституцияда алоҳида боб ажратилмаган эди ва қонун қабул қилиниши эмас, балки Ҳукумат фаолияти низом билан тартибга солиниши кайд этилди). Аввалги, Президент ўзининг айрим вазифаларини Олий Кенгаш раисига ва Вазирлар Кенгаши раисига бериши мумкин деган нормалар чиқарилди.

Аввал Олий Кенгаш ваколатига кирган вазирликлар ва давлат кўмиталарини ташкил этиш ва тугатиш ваколати эндиликда Президентга ўтди, Президент Вазирлар Маҳкамаси Раиси бўлганлиги ҳамда ҳокимиятлар бўлиниши принципидан келиб чиқиб, Олий Кенгашнинг Вазирлар Кенгашининг қарор ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқи чиқарилди, Президент ўзи Ҳукумат раиси бўлганлиги боис аввалги, Вазирлар Кенгаши қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтатиб қўйиш ваколати чиқарилди, шунингдек Президентга агар Конституция ва қонунларга, Президент фармон, қарор, фармойишларига номувофиқ бўлса вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий Кенгашлар ижроия кўмиталари ҳужжатларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш ваколати берилди, бундан ташқари маҳаллий Кенгашлар ижроия кўмиталари бажариши керак бўлган ҳужжатлар қаторига Президент фармон, қарор ва фармойишлари ҳам киритилди; агар аввал Олий Кенгаш Вазирлар Кенгаши раиси тақдимида Ҳукумат таркибини ва унга киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлаган бўлса, эндиликда Вазирлар Кенгаши раиси эмас, балки Президент тақдимида кўра тасдиқлайдиган бўлди; Агар аввал республика прокурори СССР Бош прокурори томонидан мустақил тайинланган бўлса, эндиликда республика прокурори Ўзбекистон Президенти томонидан СССР Бош прокурори билан келишилган ҳолда Олий Кенгашга тайинлаш учун тақдим этиладиган бўлди. Агар аввал Президент Олий Кенгаш олдида Вазирлар Кенгашини истеъфога чиқариш ёки истеъфосини қабул қилиш масаласини қўйиш ваколатига эга бўлса, мазкур босқичда Президент ўзи Ҳукумат раиси бўлганлиги боис Президентнинг мазкур ваколати Конституциядан чиқарилди, агар аввал Вазирлар Кенгаши раиси билан келишиб Ҳукумат аъзоларини лавозимдан озод қилиш ва тайинлаш ваколатига эга бўлган бўлса, эндиликда ўзи раис бўлганлиги боис бунга эҳтиёж қолмади; вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий Кенгашлари ижроия кўмиталари раислари Президентнинг тегишли маҳаллий Кенгашлар раислари билан келишилган тавсиясига кўра сессияда тайинланадиган бўлди (бунгача Президентнинг жойлардаги раҳбарлар тайинланишида ўрни йўқ эди); маҳаллий Кенгашлар ижроия кўмиталари раислари нафақат аввалгидек ўз Кенгашлари ва ундан юқори турувчи Кенгашлар олдида, балки бундан буюн Президент олдида ҳам ҳисобдор бўла-

диган бўлди; Президентга фавқулодда ҳолат эълон қилиш ҳуқуқи берилди (бу ҳақидаги қарорини зудлик билан Олий Кенгаш тасдиғига киритади); Президент турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг ваколатлари Олий Кенгаш раисига ўтишига оид қоидалар Вице-Президентга ўтади — деб ўзгартирилди, агар унинг имкони бўлмасагина Олий Кенгаш раисига ўтиши кайд этилди.

1992 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вице-президенти лавозимини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра мазкур лавозим тугатилиб, Бош вазир лавозими таъсис этилди⁶.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши билан республика Президентининг ҳуқуқий мақомида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди — эндиликда Президент аввалгидек давлат таркибидаги республика бошлиғи эмас, балки мустақил давлат бошлиғи мақомига эга бўлди (бу мақом билан биргаликда музокаралар олиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолаш, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш; ўз ҳузурда аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилиш; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод қилиш; умумий ёки қисман сифарбарлик эълон қилиш, уруш эълон қилиш, миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузиш, уларни раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ваколатларига эга бўлди; Қуролли Кучларнинг Олий бош кўмондони мақоми ҳам вужудга келди), бу эса ички ва ташқи сиёсатни мустақил ишлаб чиқиш ва юритиш имкони берарди.

1992 йил 8 декабрда президентлик институтига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX бобида махсус тартибга солинди. Конституциянинг XIX боби Ўзбекистон Республикаси Президентига бағишланиб, унинг 89-моддаси Президентнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ҳамда ҳуқуқий мақомини белгилаб берди, яъни 89-моддада қуйидаги норма мустаҳкамланди: “89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади”⁷.

Янги Конституцияда Президент лавозимига номзодга қўйилган юқори ёш чегараси — 65 ёш, шунингдек президент сайловида 50 фоиздан кам бўлмаган сайловчилар қатнашса ҳақиқий ҳисоб-

ланишига оид қоидалар чиқариб юборилди, Президентликка номзодга давлат тилини яхши билиш, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкинлигига оид қоидалар конституциявий белгиланди; давлат бошлиғи бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмаслигига оид чекловлар белгиланди, Президентнинг шахси дахлсиз эканлиги ва қонун билан муҳофаза этилиши конституциявий қайд этилди; агар аввалги Конституцияда Президент парламентда қасамёд қилишига оид норма белгиланган бўлса, эндиликда қасамёд матни ҳам Асосий Қонунда мустаҳкамланди ва бу билан давлат бошлиғи фаолиятининг энг асосий, муҳим жиҳатларига урғу берилди; Президент энди аввалгидек Олий Мажлисга республикадаги ҳолат бўйича йиллик маъруза эмас, балки ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этадиган бўлди; Олий Мажлис Президент сайлови кунини тайинлаш, Президент эса Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ваколатига эга бўлди; Вазирлар Маҳкамасига оид қоидалар алоҳида бобда қайд этилиб, мазкур орган Президент фармон, қарор ва фармойишлари ижросини таъминлаши вазифалари қаторида белгилаб қўйилди; Президент ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш, Бош вазир, унинг ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини тайинлаш ва уларни лавозимдан озод қилиш ваколатига эга бўлди (кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдиғига киритади), Президент вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш (аввал бу ваколатни тегишли маҳаллий Кенгаш раиси билан келишиб, сессияга тайинлаш учун тақдим қилар эди, эндиликда эса халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади) ваколатига эга бўлди, Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини ўз қарори билан лавозимдан озод этишга ҳақли эканлиги алоҳида қайд этилди; Президент нафақат аввалгидек вазирлик ва давлат қўмиталарини, балки давлат бошқарувининг бошқа органларини ҳам тузиш ва тугатиш ваколатига эга бўлди; Президентнинг Конституцияда белгиланган ваколатидан Халқ нозорат қўмитаси раиси, Бош давлат ҳаками, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисини лавозимдан озод қилиш бўйича Олий Кенгашга тақдимномалар киритиш ваколати чиқарилди; Президент Кенгаши тугатилди; давлат бошлиғи Қуролли Кучлар олий қўмондонларини тайинлаш ва озод қилиш, олий ҳарбий унвонлар бериш ваколатига эга бўлди; Олий Кенгашнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар судьяларини сайлаш ваколати чиқарилди ҳамда бу ваколатлар туман,

шаҳар, шунингдек хўжалик судлари судьялари билан биргаликда Президент ваколатига ўтказилди, аввал Конституциявий нозорат қўмитаси таркибига номзодларни Олий Кенгаш раиси тақдим этган бўлса, эндиликда унинг ўрнига ташкил топган янги орган — Конституциявий суд таркибини Олий Мажлисга Президент тақдим этадиган бўлди; аввал амнистия ҳужжатларини қабул қилиш Олий Кенгаш ваколатида бўлган бўлса, эндиликда мазкур ваколат Президентга ўтказилди; аввал қонунларни эълон қилиш ваколати Олий Кенгаш Раёсати ихтиёрида бўлган бўлса, эндиликда бу ваколат давлат бошлиғи ваколатига ўтди (деярли бутун дунёда мазкур ваколат давлат бошлиғининг аънавий ваколатлари доирасига киради); Конституциявий суд Президент фармонларининг Конституцияга қанчалик мослигини кўрадиган бўлди (аввал Конституциядан ташқари, қонунларга ҳам мослиги юзасидан хулоса берган эди); агар аввал судьяларга малака даражаси бериш Олий Кенгаш ваколатига кирган бўлса, эндиликда олий малака даражасини Президент берадиган бўлди; агар аввал республика прокурори ва унинг ўринбосарларини Олий Кенгаш Президент тақдимига кўра тайинлаш ваколатига эга бўлган бўлса, эндиликда Президент Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва озод қилиш ваколатига эга бўлди (мазкур фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади); Президент шунингдек Олий Мажлисга Марказий банк бошқаруви раисини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш учун тақдим этиш ваколатига эга бўлди; Президент давлат мукофотлари билан мукофотлаш ваколатига эга бўлди (аввал фақат фахрий унвонлар ва фахрий ёрлиқ беришгина ваколати мавжуд эди); аввалги, Президент турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг ваколатлари Вице-Президентга ўтиши, агар унинг имкони бўлмаса Олий Кенгаш раиси ўтишига оид қоида Ўзбекистон Республикасининг Президентни бетаълиғи сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлисининг фавқулдда йигилишида депутатлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади — деган қоидага ўзгартирилди; давлат бошлиғини Олий Кенгаш томонидан 2/3 қисм овоз билан Конституциявий нозорат қўмитаси хулосасини ҳисобга олиб, лавозимдан озод қилиш бўйича норма чиқарилди; экс-президент фаолиятининг кафолатларини яратиш мақсадида ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллаши белгилаб қўйилди, шунинг учун ҳам Конституциявий суд аъзолари нафақат ҳуқуқ, балки сиёсат соҳаси мутахассисларидан ҳам бўлиши қайд этилди.

1991 йил 18 ноябрда мамлакатимизда президентлик сайловларини тартибга солувчи алоҳида қонун “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун⁸ қабул қилинди. Ўрта Осиё минтақасидаги барча республикалар орасида биринчи бўлиб, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобиллик асосида сайлов бўлиб ўтди.

2000 йиллардан сўнг демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича муайян тажрибалар орттирилганидан, вакиллик органлари ва кўппартиявийликнинг ривожланиши, жамиятда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ўсиб бориши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, давлатчиликнинг ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланганлик даражаси, фуқароларнинг психологияси, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти ўзгарганидан сўнг кучли президентлик ҳокимиятининг роли мувозанатлашиб, кўп масалалар парламент ва ҳукумат ваколатига ўтиши эҳтиёжни яратди. Бу даврда миллий давлатчилигимиз ва биз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва қарор топаётган дастлабки йилларда Президентга берилган ҳуқуқ ва ваколатларнинг бир қисмини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларига бериш ишлари изчиллик билан олиб борилди. Икки палатали парламент шаклланиши билан Президент ваколатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ўтказилди. 2003 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Президент сайлови кунини белгилаш Олий Мажлис ваколатидан чиқарилиб, мазкур сайлов бўлиб ўтадиган кун конституциявий белгилаб қўйилди. Илгари Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ҳамда лавозимларидан озод қилиш, амнистияга оид ҳужжатларни чиқариш ваколатини Президент мустақил амалга ошириб келган бўлса, мазкур Қонунга кўра эндиликда бу ваколатлар Президент тақдимида кўра Сенат томонидан амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, Президентнинг “Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этиш” ваколати “Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этиш”га ўзгартирилди; Олий Мажлис икки палатали шаклда ташкил этилгани боис Президент юқори палата — Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Сенатга тақдим этиш, Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасини, Сенатини тарқатиб юбориш ваколатига эга бўлди; агар аввал Президент Бош вазирни тайинлаб, сўнг парламентга тасдиқлаш учун киритган бўлса, эндиликда Бош вазири номзоди Президентнинг тақдимида биноан Олий Мажлиснинг палаталари томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланди, шунингдек, Олий Мажлиснинг Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш ваколати чиқарилиб, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган бўлди; Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Президент ва Олий Мажлис олдида жавобгар эканлиги конституциявий мустақамланди; Президент ваколатидан давлат назорати хизматларини тузиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколати чиқарилди; ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси эмас, балки Сенат аъзоси лавозимини эгаллаши қайд этилди.

2003 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ самарали амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек конституциявий ваколат муддати тугаб ёки соғлиғи ҳолатига кўра истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентига зарур шароитлар ва кафолатлар яратиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Иккинчи босқичга ҳулоса ясаб шуни таъкидлашимиз жоизки, бу босқич иккита муҳим жараён амалга ошгани билан аҳамиятлидир. Биринчи 1991 йил 29 декабрдаги сайловлар натижалари боис президентлик институти “легитимизация”си ҳамда иккинчиси, президентлик институтининг “марказлашуви” — кучли ижро ҳокимияти билан уйғунлашган ҳолати кузатилди.

Учинчи босқич (2008 ва ундан кейинги йиллар). Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов қайд этганларидек, “2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгиладиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда

хамкорлигини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилган.

Ижро ҳокимияти бошлиғи мақоми Президентнинг ҳуқуқий мақомидан чиқарилиши давлат бошлиғи ўз фаолиятида янада муҳим бўлган стратегик масалалар билан шуғулланишга кўпроқ эътибор қаратишига имкон яратди.

2007 йил қабул қилинган Конституциявий қонунга кўра Бош вазир номзоди Президент томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг парламент палаталари кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилиши, агар парламент умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Президент номзодларни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Агар палаталар тақдим этилган Бош вазир номзодини уч марта рад этган тақдирда, Президент Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлаши, Олий Мажлисни ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юбориши мустаҳкамланди. Агар аввал Президент Бош вазирни хоҳлаган вақтда лавозимидан озод қилишга ҳақли бўлган бўлса, эндиликда Бош вазирни озод қилишнинг асослари аниқ, равшан белгилаб қўйилди. Бош вазирнинг лавозимдан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ҳукуматнинг истеъфога чиқишига сабаб бўлиши қайд этилди. Бундай маслаҳатлашувлар институти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари бўйича ҳам жорий этилди. Ҳоким номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилиши, депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Президент кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги, Кенгаш номзодларни уч марта рад этган тақдирда, Президент вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланди. Сиёсий партиялар фракцияларига Бош вазир фаолияти бўйича, партия гуруҳларига эса вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Президентга асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилди.

2008 йилда қабул қилинган қонунга кўра, Президентликка номзодлар кўрсатиш фақат сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган бўлди (шу вақтгача сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳам кўрсатишга ҳақли эди).

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” дан келиб чиқиб, 2011 йил 19 апрелда матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96, ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига бағишланган 93-моддаси 8, 15-бандлари, 98-моддасига киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар, яъни “ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади” деган сўзлар чиқарилди, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатига вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш учун Президентга тақдим этиш ҳуқуқи киритилди, Президент ваколатларидан Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи чиқарилди, Бош прокурор ўринбосарини Президент Сенат тасдиғидан ўтказиши чиқарилиб, унинг ўрнига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги фармонлар Сенат тасдиғидан ўтадиган бўлди, Конституциянинг 96-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси клий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилиши белгиланди. Конституциясининг 98-моддасига киритилган кўшимчаларга биноан Бош вазир номзодини тақлиф этишнинг янада демократик конституциявий тартиби жорий этилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади, шу муносабат билан Президент ва сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги Бош вазир номзоди бўйича дастлабки маслаҳатлашувлар институти бекор қилинди, шунингдек камида 1/3 қисм депутатларга Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилди, мазкур ҳуқуқ Президент номига расман киритилган тақлиф орқали амалга ошириши қайд этилди.

Фикримизча, мазкур ислохотлар натижасида Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги роли кучайиб, ҳокимият тармоқларининг самарали фаолият юритиши ва ҳамкорлигини таъминлаш функцияси янада кенгрок намоён бўлишига замин яратилди ҳамда Президент тизимнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминловчи шахс сифатида гавдаланади.

Бунда давлат бошлигининг ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, умуммиллий вазифалар, чунончи, мудофаа, давлат ва фуқаролар хавфсизлиги, самарали ташқи

сиёсат ўтказиш ва бошқа стратегик вазифалар, жамиятни олий мақсадлар, ёруғ келажакка интилиш йўлига чорлаш, бирлаштириш, жипслаштириш, ҳокимиятнинг уч тармоғини бирлаштирадиган миллий ғоя - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги сари уларни сафарбар қилиш, давлат ҳокимияти тармоқларининг ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритишини таъминлашдаги миссияси ошди.

2011 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Президентнинг сайланиш муддати етти йил ўрнига беш йил қилиб белгиланди⁹. 2012 йил 9 апрелда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилишига оид қоида чиқариб ташланиши белгиланди¹⁰.

2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Конституция 93-модда биринчи қисми 8-бандига Ўзбекистон Республикаси Президенти вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан тузиши ва тугатишига оид ўзгартиш ва қўшимча киритилди.

Асосий Қонунимизнинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисо-

дий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш конституциявий мажбурияти киритилганлигидан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Бош вазир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан мамлакат парламентида ҳисобот беришини ҳисобга олган ҳолда Асосий қонунимиз 93-модда биринчи қисм 7-бандидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати янги таҳрирда ифодаланди. Унга кўра, Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Конституция 93-моддаси биринчи қисми 16-бандига киритилган ўзгартиш ва қўшимчага кўра давлат бошлиғи ҳар қандай ҳужжатни эмас, балки қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлганигина тўхтатиши, бекор қилиши аниқлаштирилди. Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади” деган ваколати чиқарилди. Конституция 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири “Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради” деган жумладан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан” деган сўзлар чиқарилди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилган конституциявий-ҳуқуқий ислохотларнинг таҳлили шундан гувоҳлик бермоқдаки, Ўзбекистонда изчил, босқичма-босқич демократик ислохотлар, парламентаризмнинг принциплари, асослари тадрижий ривожланиши жараёнида кучли президентлик бошқаруви, тегишли ваколатлар билан таъминланган мустақил кучли парламент, масъулиятли ҳукумат ва мустақил суд ҳокимиятини ўз ичига олган давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил қилишнинг ўзига хос демократик модели яратилди¹¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Тошкент: Ўзбекистон, 2011. — Б. 142, 144.

² Мухамеджанов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2004. — Б.27-28.

³ Аббосхўжаев Ш.А. Демократик давлат қуриш шароитида президентлик институтининг ҳуқуқий асослари: Юрид. фанлар номзоди дисс... автореф. — Т., 2008. — Б.18-19.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б.15.

⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — Б.186.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1992.- № 3, 144-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. — №1, 4-модда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1992. — №1, 34-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2011.-№12/1 (1428), 343-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012.-№4, 104-модда.

¹¹ Раҳманкулов М. Актуальные проблемы развития парламентаризма на современном этапе демократических реформ. — Т.: ИМДЗ, 2016. — С.17.

Шохруд ФАЙЗИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети катта илмий
ходим-изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА “INQUIRY” СУРИШТИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

✦ *Мазкур мақолада амалдаги суриштирув тартиби ва Осиё мамлакатлари (Эрон Ислон Республикаси, Саудия Арабистони, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Япония, Корея, Хитой) тажрибаси батафсил ва танқидий таҳлил асосида суриштирув институтини такомиллаштириш таклифлари ҳамда қиёсий таҳлил баён этилган.*

✦ *В данной статье на основе критического анализа действующего порядка дознания и тщательного рассмотрения зарубежного опыта азиатских стран (Исламская Республика Иран, Саудовская Аравия, Индонезии, Малайзии, Сингапура, Японии, Кореи, Китая) выдвинуты конструктивные предложения по совершенствованию института дознания и сделан сравнительный анализ.*

✦ *In this article, based on a critical analysis of the existing order of inquiry and scrutiny of foreign experience of Asian countries (The Islamic Republic of Iran, Saudi Arabia, Indonesia, Malaysia, Singapore, Japan, Korea, China) put forward constructive suggestions to improve the procedural position of the investigator and the institution of the inquiry as a whole.*

Таянч сўзлар: жиноят процесси, жиноят иши, суриштирув, суриштирувчи, судга қадар босқичлар, содалаштирилган тартибда иш юритуви.

Ключевые слова: уголовный процесс, уголовное дело, дознание, дознаватель, досудебные стадии, упрощенное производство.

Key words: criminal procedure, criminal case, the inquiry, the investigator, the pre-trial stages, simplified production.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномасининг 2015 йил 2 (22) сонидан айрим Европа мамлакатларида суриштирувнинг ўзига хослиги ҳамда унинг миллий қонунчилигига имплементация қилиш юзасидан илмий мақола чоп этилган эди, эндиги мақола унинг мантиқий давоми бўлиб, Осиё мамлакатларининг бой тажрибаси юзасидан суриштирув институти янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Хитой Халқ Республикасида жиноят ишлари юритуви социалистик қонун принципларига асосланган. Жиноят процессуал муносабатлар 1996 йилда қабул қилинган ЖПК (илгариги 1979 й. ЖПКдан тубдан фарқ қилади) билан тартибга солинган. Ушбу кодекс 9 бўлим, 225 та моддадан иборат бўлиб¹, унда жиноят процессида шахс ҳуқуқлари кафолатлари нисбатан кучайтирилган.

ХХР жиноят-процессуал қонунига биноан жиноят ишлари юритуви судлар, прокуратура ва жамоат хавфсизлиги органлари ўртасида масъулият ва ваколатлар оқилона тақсимланган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро мувофиқлаштириш асо-

сида амалга оширилади (ХХР Конституциясининг 135-моддаси, ЖПКнинг 7-моддаси)². Лекин қонунчилик янгилангани билан Хитой жиноят процессида айблов тенденцияси ҳали ҳам ниҳоятда кучли бўлиб, шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари ҳали ҳануз фақат расмий талаб бўлиб қолмоқда.

Хусусан, судга қадар босқичларда жамоат хавфсизлиги органларига ниҳоятда катта ваколатлар берилган. Хитой Халқ Республикаси ЖПКнинг 3-моддасига биноан, жамоат хавфсизлиги органларига тергов қилиш, ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва жиноят ишларини дастлабки кўриб чиқиш функциялари юклатилган.

Жамоат хавфсизлиги органлари — бу Ўзбекистон Ички ишлар органларининг хитойча аналоглари бўлиб, аксарият жиноят ишлари юритуви айнан ана шу органларга тегишли. Оғир ва ўта оғир жиноятларгина Халқ прокуратураси терговига тегишлидир.

Хитойда ҳам Ўзбекистон каби жиноят ишини қўзғатиш босқичи³ мавжуд бўлиб, у жиноят факти содир этилганлиги ёки жиноят содир этишда

гумон қилинаётган шахслар аниқланганда дастлабки иш материалларини тайёрлаб терговга юборишдан иборатдир.

Хитой қонунчилигида жиноят ишини қўзғатиш босқичи, бизнинг тушунишимиздаги терговолди текшируви, жиноят ишини қўзғатиш ва уни рад қилиш тўғрисида қарорлар ва бошқа процессуал босқичларни ўз ичига олади. Судга қадар иш юритувида суд назорати мавжуд эмас. Барча жиддий процессуал ва тергов ҳаракатлари прокурор санкцияси асосида амалга оширилади. Шу билан биргаликда, айблов эълон қилиш алоҳида судга қадар босқич сифатида дастлабки тергов тамомланиб, айблов хулосаси тасдиқлаш вақти билан бир вақтда амалга оширилади.

ЖПКнинг бундай тузилмаси “прокурорлик суриштируви”ни назарда тутувчи немис моделини эслатади. Мазкур босқичда прокурор айблов эълон қилиб, ишни судга юборади ёхуд асослар етарли эмас, деб ҳисобласа, айблов эълон қилишни рад қилади. Яъни миллий жиноят процессуал тилида гапирадиган бўлсак, жиноят ишини тугатади.

ХХРда судга қадар жиноят ишини юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки тергов шакллари мавжуд бўлиб, бу иккала функцияни бир органининг ўзи амалга оширади. Бизнинг тушунишимизда суриштирув фаолиятининг хитойча вариантыда ишни дастлаб иш юритувига жамоат хавфсизлиги органлари олиб, жиноят юзасидан гумон қилинувчини айбли ёки айбли эмаслигини, жиноятнинг аҳамиятли ёки кам аҳамиятли эканлигини тасдиқловчи далилларни излаш ва тўплашга қаратилган тергов ҳаракатларини олиб боради.

ХХРда ЖПКсида суриштирув муддати кўзда тутилмаган. Бу эса, жиноят ишлари юритуви даврида шахс ҳуқуқларини кафолатлашга жиддий зиён эҳтимолини оширади. Яна бир муҳим ҳолат, суриштирувдан сўнг айнан ана шу жамоат хавфсизлиги органининг ўзи дастлабки тергов олиб боради. Яъни миллий қонунчиликда назарда тутилган суриштирув органларининг рўйхати, улар юритувига тегишли ишлар ва суриштирувдан дастлабки терговга процессуал тартибда ўтиш механизми Хитой қонунчилигида кўзда тутилмаган.

Дастлабки терговнинг асосий вазифаси суриштирув даврида тўпланган далилларни текширишдан иборат. Яъни Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кўзда тутилган исботлаш жараёнининг ҳар бир элементи Хитойда исботлаш босқичлари сифатида тақсимланган: суриштирув босқичида далил тўплаш, тергов босқичида далилларни текшириш, суд босқичида эса уларга баҳо бериш амалга оширилади.

Миллий жиноят иши юритуви концепцияси учун бу ниҳоятда ўзгача ёндашув. Фикримизча,

бу каби тузилма аниқ ва тизимли кўрингани билан бирёқлама тусга эга ва иш юритувини олиб бораётган органларнинг процессуал функцияларини нооқилона тақсимланганлиги ва процессуал ваколатларни асосан айблов нўқтаи назаридан амалга оширилишидан далолат беради.

Умуман олганда, ХХР қонунчилигида процессуал муддатлар масаласига етарли даражада аҳамият берилмаган. Бу ерда дастлабки тергов муддати ҳам аниқ белгиланмаган бўлиб, шахс ҳибсда сақланиш муддатига боғланган. Яъни гумон қилинувчини қамоқда сақлаш муддати 2 ой бўлиб, бу муддат прокуратура руҳсати билан яна 1 ойга узайтирилиши мумкин. Суриштирув ва дастлабки терговнинг тамомланиши айнан ана шу муддатдан келиб чиқади.

Корея Республикасининг жиноят процессидаги судга қадар иш юритувига тўхталадиган бўлсак, мазкур давлат жиноят-процессуал қонунчилиги Германия ва АҚШ жиноят ишлари юритуви таъсирида шаклланганлиги сабабли айнан тортишув ва айблов моделларининг аралаш шаклидан иборат. Жанубий Корея жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий манбаси 1954 йилги Жиноят-процессуал кодекси (493 та моддадан иборат) ҳисобланади⁴.

Судга қадар иш юритув суриштирув ва дастлабки тергов шаклида амалга оширилади. Мазкур фаолият турлари изчил тизимли равишда ЖПКда кўзда тутилмаган бўлса-да, *“Investigation”* (184, 194-2) ва *“inquiry”* (78, 164, 176, 299) терминлари алоҳида баён этилганлиги уларнинг мустақил институт сифатида амал қилишидан далолат беради.

Кореяда суриштирув полиция томонидан амалга оширилиб, суриштирув давомида асосан ушлаб туриш, сўроқ, экспертиза каби процессуал ҳаракатлар прокурор руҳсати билан ўтказилади. Мазкур барча процессуал ҳаракатлар суриштирувчи томонидан процессуал шаклга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, Кореянинг суриштирув босқичида айнан АҚШ ҳуқуқ тизимининг таъсири катталигининг далолати ҳибсга олиш, тинтув, суд мажлисига чаров қўллаб очикқа чиқариш фақат суднинг ордери асосида амалга оширилишида намоён бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, полиция ўз фаолиятини суд тизими доирасида олиб боради. Ушланган ҳар қандай шахс полиция томонидан судга келтирилади. Лекин шу билан бирга, корейс жиноят процессига Германия ҳуқуқ тизими таъсири руҳида барча процессуал ҳаракатлар жинойи таъқибни амалга оширувчи органлар фаолиятини текшириш нўқтаи назаридан прокурор назорати остида амалга оширилади. Яъни шахс дахлсизлигини чекловчи процессуал чораларга санкция суд томонидан берилса-да, уларни қўллаш ташаббуси

айблов корпусидан, прокурордан келиб чиқади.

Хитой қонунчилигидан фарқли равишда Корея ЖПКда суриштирув ва дастлабки тергов жиноят иши юритувининг алоҳида шакллари сифатида ажратилиб кўзда тутилмаган. Яъни бу борада Хитой ЖПК миллий қонунчилигимизга яқинроқдир. Лекин Хитой ЖПКсига нисбатан Корея ЖПКда шахс кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва белгиланган процессуал шаклга қатъий риоя қилиш талаблари Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонуни нормалари билан ҳамоханг. Хусусан, Корея ЖПКнинг 198-моддасида суриштирувчи, терговчи ва прокурорга белгиланган талаблар Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 88-моддасидаги фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга оид қоидалари билан деярли бир хил.

Умуман олганда, Корея Республикаси иш юритувида АҚШ ва Германия ҳуқуқи тизимларининг таъсири катта бўлса-да, бу давлатнинг жиноят процессида айблов ёндашуви устунроқдир. Бу суд амалиётида оқлов ҳукмларининг ниҳоятда кам эканлигида (0,5 %) кўринади.

Корея жиноят ишлари юритуви албатта ўзига хос жиҳатларга эга. Бир қарашда Корея ҳуқуқи тизими АҚШ қонунчилиги тизимини кўр-кўрона андоза қилиб олгандек кўриниши мумкин. Лекин ҳақиқий ҳолат ундай эмас. Корея ҳуқуқи тизимида моддий ҳуқуқнинг процессуал ҳуқуққа нисбатан устунлиги кузатилади. Яъни одил судловнинг натижаси унинг жараёнидан кўра муҳимроқ саналади, хусусан, барча қоидалар ва юридик таомилларга оғишмай риоя қилиш адолатли натижага эришиш олдида иккинчи даражали масала ҳисобланиб, одатда, жиноят ишлари юритувида қонунларни тор ва формал талқин қилишдан чекиниб, ижтимоий адолатни таъминлашга интилиш юқори.

Япония жиноят процесси ҳақида гапиришдан аввал мазкур давлатнинг ҳуқуқи тизими шаклланиши асослари борасида бироз тўхталиш зарур. Қизиқарлики, Японияда 19-асрнинг ўзиде ҳуқуқи тизимини яратишда Фарбий Европа жиноят-процессуал қадриятларига таянилган. Жумладан, Япониянинг дастлабки ЖПК 1880 йилда қабул қилинган бўлиб, классик кўринишдаги дастлабки терговни назарда тутувчи француз модели асосида амал қилган. Япониянинг иккинчи ЖПК 1922 йилда қабул қилиниб, унда жиноят процессининг немис модели таъсири ниҳоятда катта эди. Япон судга қадар юритувида дастлабки тергов ҳам Германияга хос ҳолда кўзда тутилган эди. Унга кўра, жиноят ишлари юритуви субъектлари ичиде прокурор марказий ўринни эгаллаб, полиция тизими прокуратурага кўмаклашувчи функцияни бажаради.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1948 йилда Япония ўзининг учинчи ЖПКни қабул қилди, маз-

кур қонун АҚШ жиноят процесси андозаси асосида тузилган. Японияда мазкур Жиноят-процессуал қонун ҳозирги кунга қадар амал қилади. Амалдаги ЖПКнинг негизи англосаксон моделига асосланганлигидан келиб чиқиб, айтиш керакки, ҳозирда япон жиноят иши юритуви дастлабки терговнинг континентал шаклига мутлақо мувофиқ келмайди.

Япония ЖПКда *“Investigation”* (тергов) атамаси ўзиде суриштирув ҳамда дастлабки терговни мужассамлаштирган. Япония ЖПКнинг суриштирув ва дастлабки терговга бағишланган 189-246-моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, у ерда суриштирув ёхуд тергов органларини тизимлаштирилмаган, кўпроқ процессуал ҳаракатлар изчил тартибга солинган⁵.

Дастлабки тергов полиция томонидан амалга оширилиб, полиция гумон қилинувчи шахсни 48 соат ушлаб туриши, агар гумон тасдиқланмаса, озод қилиши ёки иш материалларини прокурорга тақдим этиб, прокурор ўз навбатида ушланган шахсни яна 24 соат давомида озод қилиш ёки судга унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича санкция учун муурожаат қилиш масаласини ҳал этади. Жараённинг бундай кечиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ушлаб туриш ва қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш механизмига жуда ўхшаш. Агар шахсга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилса, суднинг мазкур қарори 10 кун давомида амал қилиб, сўнг яна 10 кунга қамоқда сақлаш муддати узайтирилиши мумкин. Мана шу 20 кун ичиде прокурор ушланган шахсга нисбатан айблов эълон қилиш ёки қилмаслик масаласини ҳал этади, ўз қарорини *“прокурор дискрецияси”* (мақсадга мувофиқлик принципи) асосида қабул қилади. Шу билан биргаликда, гумон қилинувчи томонидан айбини бўйнига олиш ниҳоятда муҳим саналадики, хусусан, бу қамокдан озод этиш ва бошқа альтернатив процессуал чораларни қўллашнинг мажбурий шартидир. Шунингдек, прокурор суриштируви даврида ушланган шахсининг олдига ҳимоячи қўйилмайди, бу эса шахс томонидан ўз айбини бўйнига олиши учун қўшимча замин яратади. Лекин, таъкидлаш жоизки, бу каби айбига иқрорлик англосаксон тизимидаги *“айбига иқрорлик тўғрисидаги битим”*нинг бир кўриниши эмас.

Жиноятларни тергов қилиш жараёни полиция ва прокурорнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган⁶. Шу билан бирга, прокурор терговни шахсан ўзи ҳам олиб боришга ваколатли бўлиб, бунда полиция ходими унга кўмаклашувчи функцияни бажаради.

Японияда жиноят процессининг судга қадар босқичини тадқиқ этишга қаратилган кўплаб илмий ишлар мавжуд⁷. Ўзбекистон ва Япония суриштируви махсус равишда эса фақат муаллиф томонидан қиёсий таҳлил этилган⁸.

Умуман олганда, Японияда судга қадар иш юритув ғарб жиноят процесси негизида шаклланган бўлса-да, бугунги кунда япон қонунчилиги континентал ҳуқуқ тизимига ҳам, англосаксон ҳуқуқ тизимига ҳам тўла оид деб бўлмайди. Аниқроғи мураккаб тузилмалари япон судга қадар юритувида англосаксон ва континентал моделлар элементлари кузатилади, деб эътироф этиш мумкин.

Индонезия, Малайзия ва Сингапур давлатларининг жиноят ишлари юритуви ўзаро жуда ўхшаш бўлиб, уларни турдош ва ўзига хос жиҳатларини қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Малайзиянинг ҳам, Сингапурнинг ҳам жиноят процесси инглиз модели асосида шаклланган бўлиб, бу давлатларда “Хабеас корпус” институти амал қилади. Жиноят содир этишда гумонланаётган шахс ушланиши билан Малайзияда 24 соат ичида, Сингапурда 48 соат ичида судга келтирилиши ва эркинлиги чекланиши асосли ёки асоссизлиги масаласи кўриб чиқилиши қатъий белгиланган. Лекин Сингапурдан фарқли равишда Малайзияда миллий хавфсизликка оид ишлар бўйича жиноят процесси принциплари деярли амал қилмайди. “Ички хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунга (1960 й.) биноан давлатга қарши фаолиятда гумон қилинаётган ҳар қандай шахс Ички ишлар органлари томонидан 2 йил қамоқда сақланиши ва бу муддат яна 2 йилга узайтирилиши мумкин. Шунингдек, “Хавфли гиёҳвандлик моддалари тўғрисида”ги Қонунга (1985 й.) кўра, Ички ишлар органлари судга қадар босқичда суд қарорисиз ва расмий айб эълон қилмасдан туриб, гумон қилинувчиларни 39 кун мобайнида ушлаб туришлари мумкин.

Сингапур эса бу борада анча демократик принципларга асосланган жиноят процессига эга бўлса-да, бу ерда ҳам “Ички хавфсизлик тўғрисида”ги, “Гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш тўғрисида”ги Қонунларга биноан суриштирув органи бўлмиш ички ишлар идоралари суд руҳсатисиз гумон қилинувчини ҳибсга олиш ва ҳибсда 2 йилгача сақлаш каби салбий тажриба ҳали ҳануз амал қилмоқда. Қизиғи, Малайзияда бу муддат 39 кунни ташкил қилса, жуда демократик кўринган Сингапурда ушлаб туриш муддати Ички ишлар вазири томонидан чекланмаган равишда узайтирилиши мумкин ва бундай қарор устидан апелляция шикоятни киритиш мумкин эмас. Лекин вазир томонидан бундай жараён амалиётда деярли қўлланилмаган. Сингапур қонунчилигининг бу даражада қаттиққўллигини жиноятчиликка қарши курашда ниҳоятда катта ютуқларга эришиши билан оқлаш мумкин.

Индонезияда бу борада Малайзия ва Сингапурга нисбатан янгича ёндашув мавжуд. Индонезия ЖПКга (1981 й.) биноан, шахс ушланган-

дан кейин 24 соат ичида суд қарори чиқарилиши ва айб эълон қилиниши зарур. Жиноят ишлари юритувида ваколатли субъектларнинг функциялари ҳам дифференциал тақсимланган бўлиб, суриштирув ва тергов функцияси полицияга, айбловни судда қўллаб-қувватлаш функцияси прокуратурага юклатилган. Лекин шу билан бирга, Индонезия Жиноят-процессуал кодекси махсус (Кўпорувчилик тўғрисида, Давлатга хиёнат тўғрисидаги) қонунларда кўзда тутилган жиноятларни тергов қилишнинг ноқонституциявий нормаларида жиноий таъқибнинг ўзига хос усулларини истисно сифатида назарда тутди.

Мусулмон давлатлари жиноят процесси ҳақида сўз борганда, шариат нормаларига асосланган, келиб чиқиши диний табиатга эга бўлган жиноят процессуал тизимга эга давлатларни кўриб чиқиш лозим.

Саудия Арабистони давлати айнан бутунлай шариат қонунларига мувофиқ жиноят процессига эга давлат дейиш мумкин. Саудия Арабистонида жиноят процесси тўғрисида махсус қонун (2001 й.) амал қилиб, мазкур қонунда мусулмон ҳуқуқи қоидалари, жиноят ишлари юритуви соҳасидаги замонавий халқаро стандартлар билан ҳамоҳанг равишда мустаҳкамланган. Жумладан, бу қонунда Айбсизлик презумпциясининг барча кафолатлари қатъий белгиланган.

Умуман олганда, Саудия жиноят процесси ниҳоятда замонавийдир. Бу ерда дастлабки тергов “тергов бюроси” томонидан олиб борилиб, тергов якунида “айблов акти” “оммавий манфаатларни назарда тутувчи” прокуратура томонидан тасдиқланиб, судга юборилади. Бу каби иш юритув конструкциясини ғарбий жиноят процессуал тизимларнинг америкача моделнинг таъсири кучли бўлган “қиёсий ҳуқуқий намунаси” деб аташ мумкин. Жиноят процессуал техника нуқтаи назардан мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари Саудия Арабистони жиноят ишлари юритувида деярли кузатилмайди. Ўзига хос жиҳатлардан бири бу — Судга қадар иш юритувида, яъни суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назорати амал қилмай, тегишли процессуал ва тергов ҳаракатлари прокурор руҳсати асосида амалга оширилади. Лекин бу ҳам ўзига хос мусулмон модели белгиси эмас, албатта. Қатор мусулмон бўлмаган давлатларда ҳали ҳам суриштирув ва дастлабки тергов тўлиқ прокурор назорати остида олиб борилади (Хитой, Беларусь ва ҳ.к.).

Эрон Ислом Республикаси жиноят процессини ҳам айнан мутлақо мусулмон ҳуқуқига асосланган деб айтиш мушкул. 1979 йилда Эронда бўлиб ўтган ислом инқилоби натижасида прокуратура ва умумий юрисдикция судлари бекор қилинди, уларнинг ўрнига революцион трибуналлар жорий этилиб, улар янги Эрон давлати-

нинг диний асосларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Лекин 1982 йилдан ғарб жиноят процессуал қадриятларига қисман қайтиш кузатила бошланиб, умумий юрисдикция судлари қайта тикланди ва эндиликда Эронда жиноят ишлари бўйича иккита параллел суд тизими амал қилди. Хусусан, умумий юрисдикция судларида умумий жиноятлар, революцион трибуналларда эса Исломга қарши жиноятлар, сиёсий жиноятлар кўрилиши кўзда тутилган. 1999 йилда Эроннинг янги ЖПК қабул қилинди. Унга кўра, 3 тоифадаги жиноятлар дифференциал тарзда кўзда тутилди: 1) жазоси мусулмон ҳуқуқи (шариат) асосида белгиланадиган жиноятлар; 2) жамият манфаатлари ва жамият тартибига қарши жиноятлар; 3) индивидларнинг ва корпорацияларнинг шахсий ҳуқуқларига қарши жиноятлар. Шунингдек, мазкур кодексда жиноий таъқибнинг мусулмон ҳуқуқига эмас, кўпроқ дунёвий ҳуқуққа тегишли бўлган шакллари мустаҳкамланган: оммавий, хусусий ва хусусий оммавий тартиблар; жиноят ишида фуқаролик даъво; суриштирувнинг суд полицияси томонидан олиб борилиши; тергов судьяси каби процессуал субъектнинг мавжудлиги эрон жиноят процессининг континентал жиноят-процессуал техникаси асосида қурилганлигидан далолатдир. Лекин, албатта, Эрон жиноят процессининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, судга қадар иш юритувда даст-

лабки терговни олиб бориш ваколати суд раисларига юклатилган. Улар терговни шахсан ўзлари олиб боришлари, ўз ёрдамчиларига ёки тергов судьяларига топширишлари мумкин. Расман жиноий таъқиб функцияси ҳам суд раислари зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам 2002 йилда қайта тикланган прокуратура органлари ҳам суд ҳокимияти тизимига бўйсунди: прокурорларни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласи ҳам суд органлари томонидан ҳал этилади. Жиноят-процессуал техника нуқтаи назаридан Эрон судга қадар босқичи континентал моделга хосдир. Айтиш мумкинки, Эронда суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суд назорати юқори даражага етказилган.

Умуман олганда, Осиё давлатлари, шу жумладан айрим мусулмон давлатлари жиноят процессининг таҳлили шундан далолат берадики, деярли барча ғарбий бўлмаган жиноят ишлари юритув шакллари, ўзининг миллий, тарихий, ғоявий ёки диний хусусиятларидан қатъи назар, ўзагида Европа жиноят процессуал техникаси асосида қурилган. Бундай универсал шакл элементлари, ҳаттоки жиноят-процессуал стандартларга европача ёндашувдан узоқлашишни истоган “чинакам” мусулмон жиноят процесси амал қиладиган давлатларда ҳам кузатилади (Саудия Арабистони ва Эрон).



¹ www.asia-business.ru/law/law1/criminal.

² Уголовно-процессуальный кодекс КНР. <http://www.asia-business.ru/law/law1/criminal/procedurallaw/>

³ Хитой жиноят процессуал кодексининг 2-қисми айнан шундай аталади ва ўз ичига жиноят ишини кўзатиш, тергов ва айб ёллон қилиш босқичларини қамраб олади.

⁴ Criminal procedure act republic of Korea Amended by Act No. 705, Sep. 1, 1961

⁵ The code of criminal procedure law. no.131. July 10, 1948

⁶ Hiroshi kda Japanese law second edition. 2001. 460-p. 424-425

⁷ Kuk Cho, The Japanese “Prosecutorial Justice” and Its Limited Exclusionary Rule, 12 Colum. J. Asian L. 39, 54 (1998). Х.Итакура. Гэндайкэй хандзай то кэйхо-но ронтэн (Современные формы преступности и дискуссионные моменты уголовного права). Токио, 1990, Б.7; С.Сугивара. Кёсэй сисэцу-кара-но сьякай фукки (Возвращение в общество из пенитенциарного учреждения). — Кэйдзи сэйсаку ттэ конна моно дэс (Такова уголовная политика). Токио, 1991, Б.384; Стивен Ч. Тэйман, Упрощенное производство или согласованное заявление о виновности? Анализ проекта Закона Республики Казахстан «О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан по вопросам упрощенного досудебного производства» http://www.zakon.kz/158025-uproshhennoe-proizvodstvo-ili.html#_ftn19

⁸ Sh. F. Fayziev Comparative analyze of criminal procedural law of Uzbekistan and Japan (In case of inquiry procedure of Uzbekistan). // Materials of the XXI international scientific and practical conference, «Conduct of modern science», -2015. Volume 9. Law.Philosophy. Sheffield. Science and education LTK. 22-25 pages.

Ҳамиджон ВОҲИДОВ,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШ ҲАҚИДАГИ ТАЛАБ: УНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ, ҲАЖМИ ВА МИҚДОРИ

◆ Мақолада фуқаролик ҳуқуқида фуқаронинг ҳаётига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талаб илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилади. Шунингдек, фуқаронинг ҳаётига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги талаб, уни қоплаш тартиби, ҳажми ва миқдори ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, амалдаги фуқаролик қонунчилигига таклифлар берилади.

◆ В статье проводится научно-теоретический анализ иска о возмещении ущерба вследствие причинения вреда здоровью гражданина в гражданском праве. Вместе с тем, выражены мнения и размышления по поводу иска о возмещении ущерба вследствие причинения вреда здоровью гражданина, порядка возмещения, объема и суммы, даются предложения в действующее гражданское законодательство.

◆ In the article presents scientific-theoretical analysis of the claim for covering damages in consequence of causing injury to health of citizen in civil law. Furthermore, opinions and views are expressed as to the claim for covering damages in consequence of causing injury to health of citizen, compensation order, scope and amount, proposals are made to current civil legislation.

Таянч сўзлар: фуқаронинг ҳаётига етказилган зарар, даъво талаби, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаб, келишув битими, маънавий зарар.

Ключевые слова: ущерб причиненный здоровью гражданина, исковое заявление, требования к которым не распространяется срок исковой давности, мировое соглашение, моральный ущерб.

Key words: damage caused to health of citizen, claim, claims that are not subject to limitation period, settlement agreement, moral damage.

Ҳозирги кунда бутун дунёда низоларни ноюрисдикциявий (ҳакамлик ва медиация) тартибда ҳал этиш такомиллашиб бормоқда. Жумладан, ҳаётга етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш бўйича ҳам тарафлар тартиб ва миқдорни назарда тутувчи суддан ташқари тартибда келишувни имзолашлари мумкин. Шу билан бирга, боқувчисини йўқотган шахсларга энг самарали усул — доимий тўловлар ҳисобланса, фуқаро вафот этганлиги муносабати билан зарар кўрган бошқа шахсларга бир маротабалик пул миқдори қулай ҳисобланади (чунки у қисмларга бўлиб тўланиши мумкин). Мажбурият бажарилганидан сўнг эса, тарафлар ўртасидаги келишув ўз амал қилиш кучини йўқотади.

Фуқаролик кодексига асосан зарарни ундириш методикаси ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдани ҳисоблашдан келиб чиқиб аниқланади. Зарар тушунчаси юридик жиҳатдан тўртта таркибий қисмни ўз ичига олади: ҳуқуқи бузилган шахс томонидан амалга оширилган чиқимлар; кредитор томонидан бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун амалга ошириши лозим бўлган чиқимлар; мулкни йўқотиш ёки унга зарар етказиш; олинмай қолган фойда (бой берилган фойда)¹. Зарар миқдорини аниқлашда ҳисоб-китоблар, турли далил ва исботлардан, мажбуриятлар турини аниқлаб берувчи шартнома-

дан фойдаланиш суд амалиётида кенг жорий этилган.

Ҳақиқий зарар таркибига дафн этиш билан боғлиқ харажатлар кириб, бу зарар етказган шахснинг мажбуриятига киради. Қонун билан ушбу харажатлар тури аниқланмаган. Амалиётда зарурийлик ва мантикийлик нуқтаи назаридан амалга оширилган ва мақсадга мувофиқ харажатлардан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади: айнан дафн этиш учун, қабристонга етказиш учун, қабрни кавлаш учун, қабр тошини ўрнатиш учун қилинган харажатлар ва ҳоказо. Ундириш миқдори зарур чиқимлар билан чекланади, аммо у зарар кўрган шахсларга тўланадиган дафн этиш нафақасидан фарқланмайди, чунки ушбу тўловлар ижтимоий ҳимоя табиатида эгадир. Дафн этиш учун ажратилган нафақа пуллари етказилган зарарни ундириш учун пул маблағлари таркибига қўшилмайди (ФК, 1016-м.). Фикримизча, дафн этиш билан боғлиқ харажатлар қаторига дафн этиш урф-одатларини ўтказиш бўйича харажатлар ҳам киради ва даъво талабида ушбу харажатлар ҳам кўрсатилиши лозим.

Россия Федерацияси фуқаролик қонунчилигида шахслардан дафн этиш учун ундириладиган пул миқдори оқиллик тамойили асосида аниқланиши лозим, деган қоида мавжуд². Бунда агар қўшимча

харажатлар амалга оширилган бўлса, хусусан, шахс вафот этишидан олдин соғлиққа етказилган зарар, жумладан даволаниш, қўшимча (махсус) овқатланиш, дориларни сотиб олиш, протезлаш, бошқа шахс ёрдами, санатория-курорт жойларида даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш учун харажатлар амалга оширилган бўлса, уларни ундириш миқдори амалга оширилган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, ушбу жойда юқоридаги хизматларни кўрсатиш нархига асосан аниқланади. Бунда ҳуқуқи бузилган шахс ушбу хизматларни бепул олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Агар вафот этган шахс мажбурий суғурта шартномаси (учинчи шахс фойдасига суғурта шартномаси) бўйича суғурталанган бўлса, бу ҳолатда суғурталовчи шахс томонидан пул маблағлари ундирилади, у эса регресс тартибда зарар етказган шахсдан ундирилади. Бундай тартибда зарарни ундириш ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдани аниқлаш қоидаси бўйича ҳисобланади.

Маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш методикаси жуда ҳам низоли ҳисобланади. Шу сабабли маънавий зарарни ундиришга кам эътибор берилади. Шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ушбу усулини ортиқча баҳолаш зарур эмас, чунки унинг бирламчи ва асосий мақсади — жисмоний ва маънавий азобларни компенсация қилиш ҳисобланади, вафот этганлик муносабати билан зарарни қоплаш — унинг мақсади ҳисобланмайди. Чет эл фуқаролик қонунчилигида бу борада ижобий нормалар мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, Францияда инсон вафот этганлиги муносабати билан маънавий зарар миқдори соғлиққа оғир тан жароҳати етказилгандаги маънавий зарардан камроқ ҳисобланади³. Бунда яқин шахслар жабрланган шахснинг нормал ҳаёт асосида яшамаётганидан азоб чекаётганини суд инobatга олади.

Миллий фуқаролик қонунчилигимиз эса, маънавий зарарни қоплашнинг мажбурийлигини белгилайди, ammo маънавий зарарни ҳисоблаш усулини келтирмайди. Кўп ҳолатларда тўланадиган пул миқдорлари ўзаро фарқланади ёки умуман тўланмайди. Бошқача айтганда, маънавий зарарни белгилашнинг сонли баҳолаш усули ишлаб чиқилмаган. Маънавий зарарни аниқлаш миқдорини ҳисоблашдаги қийинчилик унинг пуллик баҳолаш мезонларининг юридик фан нўқтаи назаридан илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда. Маънавий зарарни аниқ белгилашнинг иложи йўқлиги, азобланиш ва пул миқдорининг мутаносиб эмаслиги маънавий зарар қопланишига қарши асосий важ ҳисобланади⁴. Айти дамда маънавий зарарни белгилашнинг усуллари жиноят судлови амалиётида кенг жорий этилмоқда. Бунда жиноят ҳуқуқида маънавий зарарни белгилашнинг кўплаб назариялари мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим⁵.

Хорижий суд амалиётида маънавий зарарни белгилашнинг кўплаб мезонлари ишлаб чиқилган.

Хорижда қўлланиладиган усулларнинг кўпи судьяларнинг ички қарашлари ва субъектив фикрлари, олдин чиқарилган қарорлар асосида шаклланади. АҚШ қонунчилигида маънавий зарарнинг энг юқори миқдори белгиланган. Масалан, жабрланувчи вафот этганда 250 000 \$ дан кўп бўлмаган пул миқдори ундирилади. Худди шундай усул Япония фуқаролик қонунчилигида ҳам мавжуд⁶.

Англияда 1994 йилдаёқ маънавий зарарни қоплашнинг Тариф схемаси ишлаб чиқилган ва амалда жорий этилган. Унга кўра, маънавий зарарнинг давом этиш вақтига қараб унинг миқдори аниқланади. Масалан, энг кичик миқдор — 6 ҳафтадан 16 ҳафтагача давом этадиган маънавий зарар 1000 фунт стерлинг миқдорида, энг катта миқдор — умрбод ҳаётини фаолликдан маҳрум бўлиш ҳисобланиб, 20 000 фунт стерлинг миқдорида белгиланади⁷. Маънавий зарарни қоплаш миқдори олинган шикастнинг оғирлигига қараб ҳам белгиланади. Масалан, кўзга етказилган зарар 3000-4000 € миқдорида белгиланса, жағ қисмига етказилган шикаст 6250 € миқдорида белгиланади.

Германия қонунчилигида эса, маънавий зарарни белгилашнинг базавий мезонлари ишлаб чиқилмаган бўлса ҳам, қоидага кўра суд олдинги чиқарилган қарорларга асосланиши лозим: ўлимга олиб келган зарар учун 165 120 евро, тўрт томонлама фалажга 392 575 евро, ампутация учун 325 617 евро пул миқдори белгиланган⁸. Ушбу мамлакатда маънавий зарар миқдорини аниқлашда жабрланувчи азобуқубат чеккан вақт давомийлиги ҳисобга олинади. Қоида бўйича, бу муддат қанча кам бўлса, тўлов миқдори ҳам кам бўлади. Масалан, зарар етказилган вақтдан 19 кун кейин вафот этган шахснинг қариндошларига 6000 марка ажратилган бўлса⁹, 14 ҳафтадан сўнг вафот этган шахснинг қариндошларига 15000 марка пул ажратилган¹⁰.

Фикримизча, номулк зарарни қоплаш учун ундириладиган пул миқдорини аниқлашда қонун чиқарувчи кўйидаги усулларни ҳисобга олиши лозим: аниқ пул суммасида жавобгарликни белгилаш; ундириладиган пул миқдорининг пастки ва юқори доираларини белгилаш; чегараларни белгиламасдан, суд ваколатига киритиш.

Айти вақтда учинчи усул кенг тарқалган. Фуқаролик қонунчилиги бўйича маънавий зарар суд томонидан баҳоланади ва белгиланади. Маънавий зарар миқдорини аниқлаш ва уни баҳолашнинг турли усуллари ҳақида адабиётларда ҳар хил фикрлар мавжуд, уларнинг орасида ҳақиқий қоплаш механизми киритишга оид фикрлар ҳам учрайди¹¹.

Маънавий зарар доирасини аниқлашни таклиф бераётган олимлар суд томонидан маънавий зарар баҳолашнинг танқид қилишади. Уларнинг асосий важи шундаки, суд томонидан зарар баҳолашнинг турли ўзбошимчалик ҳолатлари вужудга келишини тақозо қилади. Бу ерда асосий урғу судга ишонсизлик орқали қўйилади. Суд ҳар доим аниқ бир ҳуқуқбузарлик учун ҳолисона жавобгарликни белгиловчи орган ҳисобланади.

Фикримизча, кейинчалик қонунчилик такомиллаштирилганда нафақат номулкий ҳуқуқлар бузилишига оид талабларга аниқ суммани белгиласлик, балки унинг миқдори учун чегаралар ўрнатмаслик лозим. Аниқ доира ва чегараларни белгилаш маънавий зарар институти мазмун-моҳиятига зид ҳисобланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори қонунда белгиланмаган ва ўз маъноси бўйича белгиланмайди.

Суд амалиёти тасдиқламоқдаки, суд томонидан қарор қабул қилинганда оқиллик ва одиллик тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. Лекин ҳар бир инсонда “оқиллик” ва “одиллик” тамойиллари маънавий зарар миқдорининг турли миқдорлари билан таққосланади. Бошқача айтганда, қонунчилик суд прецедентлари тизимини яратишга хизмат қилиб, маънавий зарар миқдорини аниқлайди.

Ҳозирги вақтда кўп ҳолатларда маънавий зарар миқдори фуқароларнинг даъво аризасида кўрсатилган пул миқдоридан анча кам миқдорда белгиланади. Айрим олимларнинг фикрича, бу маънавий зарарнинг аниқ белгиланган мезонлари ва унинг миқдорини аниқлашнинг умумий услуби йўқлиги оқибатида вужудга келган¹². Судлар маънавий зарар миқдорини аниқлашда эҳтиёткорона фаолият юритишади, чунки уларга мамлакатдаги иқтисодиёт, жамоатчилик фикри, Олий суд амалиёти таъсир кўрсатади¹³.

Ўз даврида Францияда маънавий зарарни ундириш миқдори вафот этган шахснинг турмуш ўртоғи учун 70 000 франкдан (10 000 евро атрофида) 150 000 франкгача (25 000 евро атрофида) фарқланса, вояга етмаганлар учун эса 50 000 дан 100 000 франкгача белгиланган¹⁴.

Миллий фуқаролик қонунчилигига асосан суд фуқарога етказилган зарар миқдорини унинг мулк аҳволдан келиб чиқиб камайтириши мумкин,

қасддан содир этилган ҳаракатлар оқибатида вужудга келган ҳолатлар бундан мустасно (ФК, 1012-м.). Бир нарса ноаниқ: нима сабабдан қонун чиқарувчи фақатгина зарар етказувчининг мулк аҳволини баҳолаб, зарарни ундириш учун ваколатли шахснинг мулк аҳволини баҳоламайди? Ахир олдиндан зарарларни қоплаш (бу эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий тури ҳисобланади) тўғрисидаги қоида қонун билан ҳуқуқбузарликдан азоб чеккан шахснинг имконияти сифатида баҳоланган, яъни асосий мақсад — кредиторга зарарни қоплаш, қарздордан олиб қўйиш эмас¹⁵. Фикримизча ҳам, қонун шарҳланганда, биринчи навбатда, кредитор шахси эътиборга олиниши ва ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари инobatта олиниши керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ФКнинг 1012-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади: “Суд фуқарога нисбатан етказилган зарарни унинг мулк аҳволини ва зарарни қоплашга мажбур бўлган шахснинг мулк аҳволини ҳисобга олган ҳолда камайтириши мумкин, қасддан содир этилган ҳаракатлар орқали етказилган зарар бундан мустасно”.

Хулоса шуки, фуқаронинг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги даъво талабида ундирилиши сўралаётган миқдорни аниқлашда ФКнинг ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдага оид нормалари қўлланилади. Маънавий зарар миқдорини аниқлаш муаммосининг тахлили шуни кўрсатадики, қонунда (ФК, 1022-модда) маънавий зарар миқдори суд томонидан аниқланиши белгиланганлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жабрланувчининг ахлоқий ва жисмоний азоблари даражасини аниқлашда психологик экспертиза ёрдам беради, чунки ушбу усул юридик жиҳатдан асосланган ва бошқа усуллардан самарали ҳисобланади.



¹ Волков А.В. Возмещение убытков по гражданскому праву России: Дисс. ...канд. юрид. наук. —Волгоград: 2000. —С.36.

² Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части второй (постатейный)/ Отв. ред. О.Н.Садиков. —М., Юридическая фирма КОНТРАКТ; ИНФРА-М., 1996.

³ Gumelchain F. Victimes: vos droits. Education du puitsfleuri. France. 2003. —P.264.

⁴ Эрделевский А.М. Моральный вред и компенсация за страдания. —М., Изд-во БЕК, 1998. —С.5.

⁵ Варпаховская Е.М. Компенсация морального вреда потерпевшему в российском уголовном процессе: Дисс. ...канд. юрид. наук. —Иркутск: 2002; Кузнецова Н.В. Проблемы компенсации морального вреда в уголовном процессе: Дисс. ...канд. юрид. наук. —Ижевск: 1997.

⁶ Дулясова М.В., Стрижкова Н.В. Практика возмещения морального вреда в России и за рубежом // Нефтегазовое дело. 2003. —№2.

⁷ Napierand Weat. Recovering Kamages for Psychiatric Injuri. Blackstone Press limited, 1995. —P.176.

⁸ http://www.citizens.ru/summerbaltika/green_card.pdf 01.08.2006.

⁹ кLG Koblenz VRS 67/1984.

¹⁰ кLG Karlsruhe, NeuejuristischeWochenschrift. 1978, 1201.

¹¹ Муравьева Е.В. Гражданско-правовая ответственность в сфере медицинской деятельности: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. —Ростов-на-Дону: 2004. —С.25; Бакунин С.Н. Защита жизни и здоровья граждан (гражданско-правовой аспект). —Рязань: Акад. права и упр. Федер. службы исполнения наказаний, 2005. —С.58; Воробьев С.М. Моральный вред как одно из последствий преступного деяния: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. —Рязань: 2003. —С.4.

¹² Муравьева Е.В. Гражданско-правовая ответственность в сфере медицинской деятельности: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. —Ростов-на-Дону: 2004. —С.24.

¹³ Смирнская Е.В. Компенсация морального вреда как деликтное обязательство: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. —Волгоград: 2000. —С.24.

¹⁴ Gumelchain F. Victimes: vos droits. Education du puits fleuri. France. 2003. —P.232.

¹⁵ Хохлов В.А. Гражданско-правовая ответственность за нарушение договора: Дисс. ...докт. юрид. наук. —Самара: 1998. —С.24.

Наргиза РАМАЗОНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

◆ Мазкур мақолада вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий асослантилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

◆ В данной статье на основе анализа национального и зарубежного законодательства касательно обстоятельств, подлежащих доказыванию по делам о преступлениях, совершенных несовершеннолетними выдвинуты научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан.

◆ The national legislation, as well as, legislation of more than ten foreign countries on circumstances subject to proof in cases of crimes, committed by juveniles, are analysed in the article. As a result of research, scientifically based proposals and recommendations on perfection of the criminal procedure legality are worked out.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, қонунчилик.

Ключевые слова: несовершеннолетние, обстоятельства, подлежащие доказыванию, законодательство.

Key words: juveniles, circumstances subject to proof, legislation.

Инсон ҳуқуқлари тизимида вояга етмаганлар ҳуқуқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу ҳолат вояга етмаганларнинг психофизиологик ривожланиши ўзига хослигидан келиб чиқиб, давлат томонидан алоҳида ғам-хўрлик ҳамда имтиёзлар берилишига муҳтожлиги билан белгиланади. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қайд этиб ўтганидек, “Бугунги кунда оддий бир ҳақиқат барчамизга аён бўлиши керак. Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси авваламбор янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”¹.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бир қанча қонун ҳужжатларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам вояга етмаганларга нисбатан алоҳида қоидалар ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан суд ишини юритиш мобайнида иш бўйича умумий исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан бир қаторда, яна бир қатор ҳолатлар текшириб чиқилиши ҳам талаб этилади. Жумладан, мазкур ҳолатлар ЖПКнинг 548-моддасида назарда тутилган бўлиб, ушбу модданинг 1-бандида вояга етмаган жиноятчининг ёшини аниқлаш масаласи белгилаб қўйилган. Вояга етмаганларнинг ёши паспорт бўйича, у бўлмаса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нусхаси орқали аниқланиши лозим. Агар ушбу ҳужжатлар йўқотилган ёки тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинган бўлса, вояга етмаган жиноятчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси орқали аниқланиши лозим.

Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қуйидагича тушунтириш бериб ўтган: “Судлар ЖПКнинг 548-моддасига кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашлик ҳам кириши-

ни назарда тутишлари зарур. Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган, деб ҳисобланади. Судлар ишда албатта, вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортдан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф қилиши зарур. Судланувчининг ёши суд-тиббийёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқланган йилнинг охири куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим².

Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг иккинчиси вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолатидир. Вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар унинг ижтимоий-руҳий ҳолатидан келиб чиқади. Вояга етмаганларнинг руҳий ҳолати катталарниқидан анча фарқ қилиб, бу ёшдаги шахсларга беқарорлик, масъулиятни ҳис этмаслик, содир этилган хатти-ҳаракатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни англамаслик, тенгдошлар орасида ажралиб туриш, бошқарувчанликка интилиш каби жиҳатлар хосдир.

Вояга етмаганнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотларни уни даволаган шифокорлар, касалхона ва поликлиникаларда юритилган расмий ҳужжатлардан олиш мумкин. Саломатлик тўғрисидаги хабарларни вояга етмаганнинг ота-онаси, қонуний вакиллари, қўшнилари, танишлари ва унга яқин бўлган шахслар ҳам беришлари мумкин.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитларини аниқлаш бўлиб, бунда вояга етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги барча маълумотлар илова қилиниши лозим. Шунингдек, вояга етмаганнинг оиласида судланганлар, ичкиликка берилганлар, наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар бор ёки йўқлиги аниқланиши керак. Вояга етмаганнинг моддий аҳволи, унинг маълумоти ҳақидаги ахборотлар ҳам эътиборга олинади. Ундан ташқари, вояга етмаган бўш вақтини қандай ўтказиши, маҳаллада ўзини тутиши, дўст ва яқинлари кимлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам ишни тўғри ҳал қилишда аҳамиятга эгадир. Агар вояга етмаган шахс нотинч оилада тарбияланаётган бўлса, отаси ёки онаси билан яшаётганлиги, уларга бўлган муносабати, вояга етмаган шахснинг тарбиясига қай бирининг таъсири кўпроклиги ўрганилиши муайян аҳамият касб этади.

Вояга етмаганнинг жиноятида катта ёшли далолатчи ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш ҳам муҳимдир. Амалиётда жиноятнинг ташаббускори катта ёшдаги шахс бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Вояга етмаган шахсга жиноят со-

дир этишда иштирок этишни таклиф қилиш ЖКнинг 127-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ташкил этади. Вояга етган шахс ўз мақсадига эришиш учун вояга етмаган шахсдан фойдаланиши мумкин, бу ҳолатда уни ишонтириши, кўрқитиши, мажбур қилиши мумкин. Катта ёшдаги далолатчининг бор ёки йўқлигини аниқлаш содир этилган қилмишнинг тўғри квалификация қилинишига кўмаклашади.

Мавзунинг назарий жиҳатларини тадқиқ этар эканмиз, Ғ.А.Абдумажидов³ исботланиши лозим бўлган ҳолатлар таркибига вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этишга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. А.Ғ.Филлипов⁴, А.Ф.Волынский ва В.П.Лавровлар⁵нинг фикрига кўра, агар вояга етмаганда руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган психологик ривожланишда қоқоқлик аломатлари аниқланса, вояга етмаган жиноятчининг ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфлилигини англаши ва қилмишининг фактик характерини тушуниши кўшимча равишда ўрганилади.

Жиноятнинг сабабларини аниқлаш масаласи ЖК 548-моддада назарда тутилмаган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тушунтиришларига биноан вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари судда кўрилатётганда жиноятни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш учун хусусий ажрим чиқаришлари шарт⁶.

Бу борада хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил этар эканмиз, миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда, Арманистонда вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар сирасига вояга етмаганнинг ёши; турмуш ва тарбияланиш шароити; соғлиги ва умумий ривожланиши ҳолати (ЖПКнинг 440-моддаси) кабилар киритилади⁷.

Россия Федерацияси ЖКнинг 421-моддасига биноан эса вояга етмаган томонидан содир этилган жиноят бўйича юритилаётган тергов жараёни ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганнинг ёши, туғилган куни, ойи ва йили; вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари, руҳий ривожланиши даражаси ва шахсининг ўзига хос хусусиятлари; вояга етмаганга катта ёшдаги шахсларнинг таъсири каби ҳолатлар исботланиши лозим. Ақли норасолик билан боғлиқ бўлмаган руҳий ривожланиш даражаси сустиги аниқланган ҳолатларда, шунингдек, вояга етмаган ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг фактик характерини ёки ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ англаган ёхуд бошқара олганлиги кўшимча равишда текширилади⁸. Айни шундай қоидалар Қирғизистон Республикаси ЖКда ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра: вояга етмаганнинг ёши; интеллектуал, психик ривожланиши даражаси ва бошқа шахсга доир хусусиятлар, шунингдек, турмуш ва тарбияланиш шароитлари; катта ёшдаги далолатчилар ва иштирокчиларнинг бор ёки йўқлигини ўрганиш талаб этилади (ЖПК 392-моддаси)⁹.

Ўзбекистон Республикаси билан ўхшаш қоидалар Озарбайжон ҳамда Қозоғистон давлатларининг Жиноят-процессуал кодексларида мустаҳкамланган. Чунончи, Озарбайжон ЖПКнинг 429-моддаси вояга етмаганларга нисбатан иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар сифатида вояга етмаганнинг ёши; турмуш ва тарбияланиш шароитлари; жисмоний, интеллектуал ва ақлий ривожланиши даражаси; содир этилган жиноятда бошқа иштирокчиларнинг мавжудлиги текширилади¹⁰. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 481-моддасига биноан, вояга етмаганнинг ёши, турмуш ва тарбияланиш шароитлари, интеллектуал, иродавий ва руҳий ривожланиши даражаси, феъл-атвор ва темперамент хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари, катта ёшдагиларнинг ва бошқа вояга етмаганларнинг таъсири ўрганилиши лозим¹¹.

Миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиздан фарқли ўлароқ, айрим давлатларда текширилиши лозим бўлган ҳолатлардан бири сифатида вояга етмаганнинг жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаблар ва шароитлар ўрганилади. Жумладан, Туркменистон ЖПК 508-моддасига мувофиқ, вояга етмаганнинг ёши; турмуш, яшаш ва тарбияланиш шароитлари; жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаб ва шароитлар; интеллектуал, иродавий ва руҳий ривожланиш даражаси, феъл-автор ва темперамент хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари; тенгдошлари, катта ёшдагилар, далолатчиларнинг таъсири текширилиши зарур¹². Тожикистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, вояга етмаганнинг ёши; турмуш, ўқиш ва тарбияланиш шароитлари; жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаб ва шароитлар; далолатчи ёки бошқа иштирокчиларнинг мавжудлиги каби ҳолатлар кўшимча ўрганишни талаб этади (ЖПК 90-мод-

даси)¹³. Молдова ЖПКнинг 475-моддасига биноан, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича вояга етмаганнинг ёши; кундалик турмуш ва тарбияланиш шароити, унинг интеллектуал, иродавий ва психологик ривожланиш даражаси, феъл-атвори ва темпераменти хусусиятлари, унинг қизиқишлари ва талаблари; катта ёшдагиларнинг ёки бошқа вояга етмаганларнинг таъсири; жиноят содир этилишига туртки бўлган сабаб ва шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар исботланиши лозим¹⁴.

Таҳлил этилган мамлакатларнинг қонунчилигидан фарқли равишда, қатор мамлакатлар — Украина¹⁵, Латвия¹⁶, Белоруссиянинг¹⁷ Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганларнинг ишлари бўйича кўшимча исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ажратиб кўрсатилмайди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича кўшимча равишда вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши, шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати, унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари, катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги исботланиши лозим. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ ва тўғри аниқлаш вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг тўғри квалификация қилинишига, жиноятнинг тез, тўлиқ ва тўғри очирилишига, шунингдек, шахсга қонуний ва асосли, инсонпарвар жазо тайинланишига, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тўғри қўлланилишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 548-моддасига 5)-банд киритилиши ҳамда *“вояга етмаган томонидан жиноят содир этилишини келтириб чиқарган сабаблар ва асослар”* таҳририда баён этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

¹ Каримов И.А. Камолот ёшларимизнинг чинакам сўянчи ва таянчи. — Т.: Маънавият, 2006. — Б.21.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги №21-сонли қарори. —Т.: 2000. — Б.2.

³ Абдумажидов Ф. ва бошқалар. Криминалистика. — Т.: Адолат, 2003. — Б.213.

⁴ Филипов А.Г. Криминалистика. — М.: Высшее образование, 2006. — С.426.

⁵ Вольнский А.Ф., Лавров В.П. Криминалистика. — М.: Юнити Дана, 2009. — С.837.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги №21-сонли қарори. —Т.: 2000. — Б.4.

⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения, принят 01.07.1998.

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 01.05.2016).

⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 30 июня 1999 года № 63(с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.08.2012 г.).

¹⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-ІQ).

¹¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.01.2014 г.).

¹² Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 1 июля 2009 года.


¹³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан (в редакции Закона РТ от 21.07.2010 г. №618).

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова №. 122 от 14.03.2003.

¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Украины, принят 12 февраля 2003 года (RTI, 203, 27, 166), вступил в силу 1 июля 2004 года.

¹⁶ Уголовно-процессуальный закон Латвии, принятый Сеймом 21 апреля 2005 года и обнародованный Президентом государства 11 мая 2005 года (с изменениями, внесенными по состоянию на 28 сентября 2005 года).

¹⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 г. № 295-3.




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масалалари" номли илмий-амалий мақолалар тўплами нашр этилди. (Тақризчилар: Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий Маркази раҳбари, т.ф.д., профессор А.А.Маврулов, Республика Маънавият тарғибот Маркази раҳбари в.в.б. Н.У.Косимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., доцент М.Х.Боротов, Тошкент давлат юридик университети доценти, ф.ф.н., доцент Э.О.Қодировлар. 165 бет).

Тўпلامда ёшларни ахборот хуружи натижасида вужудга келаётган ва келиши мумкин бўлган салбий иллатлардан муҳофаза қилиш билан боғлиқ устувор вазифалар ўрин олган бўлиб, мақола муаллифлари бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бўлмиш оммавий маданият, интернет ва у орқали кириб келаётган ёд тушунчаларнинг ёшлар онгига салбий оқибатлари ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини баён этганлар.



Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида "Жиноят ҳуқуқи ва жиноий-ҳуқуқий сиёсат" номли ўқув қўлланма нашр этилди. Тақризчилар: ю.ф.д., профессор Б.Х. Пўлатов, ю.ф.н. Н.И. Мухторов. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида жиноят қонунчилиги мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда. Натижада мазкур соҳага оид янги нормаларни яратилиши жиноят ҳуқуқи фанини ҳам ривожланишига олиб келмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмада жиноят ҳуқуқи ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг мазмуни амалий мисоллар ёрдамида ёритилган. Қўлланма Олий ўқув курслари тингловчилари, илмий тадқиқот ишлари олиб борувчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мўлжалланган.



ҲАМКОРЛИК

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва унинг институтлари билан турли соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, лойиҳалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга, коррупцияга ва одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кенг доирадаги ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 21 октябридаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида суд-прокурор ходимлар малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Шу боис, республикамизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни кучайтириш, ҳуқуқшунос кадрлар малакасини юксалтириш ҳамда мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, малака ошириш тизимларига ахборот-коммуникация технологияларини, хусусан, масофавий малака ошириш курсларини жорий этишда тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишнинг муҳимлиги эътиборга олиниб, айнан мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тренинг ташкил этилди. "Прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда масофавий таълимдан фойдаланиш имкониятларини ривожлантириш масалалари" мавзусида бўлиб ўтган тренингда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташки-



лоти (ЕХХТ)нинг лойиҳалар Координатори ҳамда АҚШ Федерал суд Маркази мутахассиси, шунингдек, Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этдилар.

Тадбирда АҚШ Федерал суд Маркази мутахассиси томонидан АҚШ қонунчилигига мувофиқ, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш тартиби ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва жиноят натижасида етказилган зарарларни қоплашга доир процессуал қонунчилик нормалари ҳақида иштирокчиларга атрафлича маълумотлар берилди. Шунингдек, суд ва прокурор ходимларнинг малакасини ошириш тизими бўйича ҳам иштирокчилар томонидан берилган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан ушбу мазмундаги тренингларнинг хорижий экспертлар иштирокида ташкил этилиши мамлакатимизда кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда замонавий талабларга жавоб берадиган таълим ва тарбия тизимини янада юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

2016 йил 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Хитой Халқ Республикаси Прокурорлар Давлат институти проректори Лиу Ян бошчилигидаги Олий халқ прокуратураси делегацияси иштирокида "Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси прокуратура органларида кадрларни тайёрлаш, танлаш ва тайинлаш масалалари" мавзусида икки томонлама семинар бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир 2014 йил Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг 12-йигилишида Бош прокурор Цао Цзяньмин билан икки томонлама учрашувда имзоланган 2015-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ҳамкорлик Дастурини амалга ошириш доирасида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш, тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси прокурорлар Давлат институтида ҳамда Ўзбекистон Бош прокуратураси Олий ўқув курсларида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари

билан танишилди.

Семинар доирасида хитойлик ҳамкасблар Ўзбекистон Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчиларини Хитойда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари билан таништирдилар.

Учрашув иштирокчилари профессионал алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда биргаликда тадбирларни ўтказиш йўли билан идоралараро ҳамкорликнинг жадал ривожланиётганини таъкидлашди.

Тарафлар ҳамкорлик ҳолатидан мамнун эканлиги ҳамда унинг шартномавий базасини Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ўртасида икки йиллик ҳамкорлик Дастурини тузиш каби йўллар билан ривожлантириш ниятида эканлигини билдирдилар.

Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси вакилларининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи ва икки давлат прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш юзасидан ўтказилган семинар ҳуқуқ соҳасидаги иккитомонлама идоралараро ҳаракатларни чуқурлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
 - матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
 - келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
 - мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
 - матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;
 - матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
 - мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
 - мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
 - мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
 - ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.
- Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
 - исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
 - достоверность и корректность приводимой в статье информации;
 - к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
 - представление статьи на узбекском и русском языках;
 - статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
 - объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
 - на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;
 - ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.
- Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



Тошкент вилоят прокуратураси



**Оҳангарон туман
прокуратураси**



**СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Зангиота туман бўлими**

